


# ТАФАККУР

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, РАНГЛИ-БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ




TAFAKKUR

2  
1996

**Ўзбекистон халқи ва давлатининг йўли  
битта — озодлик ва эркинлик, мустақиллик  
ва тўб ислохотларни амалга ошириш! Бошқа  
йўл йўқ! Биз ана шу йўлдан қатъий борамиз!  
Ундан чекинадиган, унга тўсиқ бўладиган ҳар  
қандай кучга қаршимиз!**

**Ислом ҚАРИМОВ**



Малик НАБИЕВ асари

Усмон АЗИМ

## ВАПАҲ

Бир сўз бор - юксак туз - ифтихоримда,  
Ширинимда - номус, ўлганимда - шағн.  
Бир сўз бор - жон унинг ихтиёрида,  
Худодай улуз бир сўз бордир - ВАПАҲ.

ВАПАҲ! Шақдирининини тош бемикдор,  
Айтин, қалқон бўлай қайси бир тошпа?  
Бировнинг дўстлару хорижлари бор,  
Менинг ҳел қиммат йўқ ўзиндан бошқа.

Азиз замондошим, руҳинг беором,  
Аммо ишонгиндан энг таралсин;  
Ҳар тон "Э ВАПАҲ!" деб сағраниб уйғон,  
Дилимда - Қуръондай - ВАПАҲ яралсин.

Шубҳа - шайтон иши. Ишонг билан юр,  
Ана, боболарининг собит йўллари...  
Аввал ВАПАҲнинг юрагинда қур,  
Сўнг ерга кўнурсин уни кўнларини.

Ўстирин ВАПАҲни боз каби туйғун.  
Ишонини уни шу азиз ерга -  
Хушёр бўл - беэга қолдирма бир зум -  
Фарзандиндан бошқа ҳел қиммат берма.



Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Тахрир ҳайъати:*

Ҳалим БОБОЕВ  
Хуршид ДАВРОН  
Баҳодир ЖАЛОЛ  
Азамат ЗИЁ  
Анвар ЙУЛДОШЕВ  
Баҳодир ЗОКИР  
(масъул котиб)  
Нажмидин КОМИЛ  
Абдуманноб ОЛИМБОЕВ  
Хайридин СУЛТОН  
Убайдулла УВАТОВ  
Озод ШАРАФИДДИНОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Муҳаммад ЮСУФ  
Туленберген ҚАЙИҶБЕРГЕНОВ  
Муртаво ҚАРШИБОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Иброҳим ҒАФУР  
Раҳима ҲАКИМОВА

Муассис — Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир. Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 700029, Тошкент шаҳри, Отатурк кўчаси, 24-уй.



56-86-79  
56-55-89

Журнал андозаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. 700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1996 йил 8 май куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100<sup>1</sup>/<sub>16</sub>, 8 босма тобок, 276 - буюртма. Нашр адади 5000 нусха.

Бадий муҳаррир  
Ольга ЖОЛДАСОВА  
Техник муҳаррир  
Бойназар БОЙМУРОД

Ушбу сонда Рихситилла Нуриноев ва Темур Мақсумов олган суратлардан фойдаланилди.

ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА ● ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА

### МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Фан гузаллик ҳисси билан тирик  
Академик Турабек ДОЛИМОВ билан  
профессор Озод ШАРАФИДДИНОВ  
суҳбати..... 4

### ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Иномжон РАҲИМОВ. Мурса  
фалсафаси..... 16

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Малик ОРИПОВ. Фалсафа — инсонни  
билиш илми..... 22

### ЕТТИ ИКЛИМ МУҲДАСИ

Ингилиш бор жойда тараққиёт бор  
Жанубий Корея Республикаси элчиси  
билан суҳбат..... 28



# ТАФДАҚОР

ИЖТИМОИЙ - ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ, РАНГЛИ - БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ

## ИНСОН ҲУЗИНГ, ИНСОН ҲУЗИНГ

Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ.  
Ҳузи покнинг сузи пок..... 34

## СУРАТ ВА СИРАТ

Кўнглимдаги маржоним — Ватан  
Шоира Турсуной СОДИҚОВА  
билан суҳбат..... 37

## ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Сирожиддин САЙИД. Мен кўнгил  
аталимиш соҳилдадирман. Туртликлар..... 40

## САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Қалб мавжидан чиққан садолар  
Композитор Мутаваккил БУРҲОНОВ  
билан санъатшунос Тухтасин  
ГОФУРБЕКОВ суҳбати.....46



## ИНСОН ҲУЗИНГ, ИНСОН ҲУЗИНГ

Абдулла УЛУГОВ. Илоҳий имконлар  
манзили..... 51  
Коррадо АЛВАРО. Кашфиёт. Новелла..... 55

## РУҲИЯТ САБОҚЛАРИ

Амосовнинг юрак сирлари..... 59



## КОР КҲЙНИДА ЛОЛА

Севара КАРОМАТИЛЛАХЎЖАЕВА.  
Қалбимга мангу муҳрланган..... 66  
Шухрат ГОЙИБНАЗАРОВ. Пучга  
чиққан умидлар..... 73

## БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Убайдулла УВАТОВ. Амир Темур  
билган фозиллар..... 79  
Садриддин САЛИМ БУҲОРИЙ.  
Биз билмаган Насриддин..... 86

## БАШОРАТ САДОЛАРИ

Носир ХУСРАВ. Ҳикматлар..... 90  
Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....95



# ФАН ҒУЗАЛЛИК ҲИССИ БИЛАН ТИРИК

Академик Тўрабек ДОЛИМОВ  
билан  
профессор Озод ШАРАФИДДИНОВ  
суҳбати

**Озод ШАРАФИДДИНОВ:** — Муҳтарам Тўрабек Нўмонович, сиз билан Ўзбекистон илм-фанининг ривожланиш йўллари, истиқболи тўғрисида суҳбатлашишни кўпдан буён орзу қилар эдик. Бугун шундай суҳбатга катта зарурият бор. Мана, республикамиз мустақил бўлди. Бу йил унинг беш йиллигини нишонлаймиз. Ватанимиз мустақил давлат сифатида янги ривожланиш йўлига киряпти, янги жамият қуриш сари боряпмиз. Бу жамият бозор муносабатларига, бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият бўлиши аниқ. Бу жамиятда илм-фаннинг аҳамияти, ўрни қандай бўлади? Умуман, бундай саволнинг ўзи сал ноўриндай туюлади. Негаки, жавоб ўз-ўзидан маълум: фан ҳеч бир замонда кераксиз, ортиқча нарсага айланиб қолган эмас. Лекин бизда дастлабки йилларда фанга, илмга нисбатан, таъбир жоиз бўлса, эътиборсизроқдек муносабат кишини бир оз хавотирга солди. Чунончи, китоблар, илмий асарларни чоп этиш камайиб кетгани, мавзуларнинг қисқаргани... Бозор иқтисодиёти шароитида шундай бўлиши табиий — ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши, ўз тирикчилигини ўзи эплаши лозим. Жумладан, илм-фан ҳам. Мен шу ўринда бир нарсени мамнуният билан айтишим керак, сўнгги пайтда Президентимиз Ислом Каримов катта анжуманларда, олимлар билан бўлган учрашувларда илм-фани, айниқса, фундаментал фанларни ривожлантирмасдан туриб янги жамият қуриш, бозор иқтисодиёти муносабатларини тўлиқ шакллантириш мумкин эмаслигини жуда қатъий таъкидламоқда ва бу борада ҳукуратимиз зарур чора-тадбирларни ҳам кўрмоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, одамни хурсанд қилади. Сиз бозор иқтисодиёти шароитида илм-фани қандай тасаввур этасиз?

**Тўрабек ДОЛИМОВ:** — Озод ака, мустақилликка эндигина беш йил тўлаётганига қарамай, фанимизда анча ўзгаришлар юз берди. Албатта, бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари бор.

Биринчидан, у — фуқароларимиз, илмий ходимларимиз ва институтларимиз учун катта синов. Илгари рақобат деган гап йўқ эди. Бозор иқтисодиётининг энг зўр (у бизга ёқадими-ёқмайдими, барибир) механизмларидан бири ана шу. Рақобат воситасида кучли, яхши, долзарб илмий ишланмалар сақлаб қолинади. Илгари долзарб ҳисобланган кўп мавзулар бугун ҳеч кимга керак

бўлмай қолди. Табиийки, улардан воз кечишимиз зарур. Бу объектив ҳодиса ва албатта, қийин кечадиган жараён. Аммо ҳаёт тақозоси шуки, энди янги, Ватанимизга керак бўлган, унинг устун йўналишларини тараққий эттиришга ёрдам берадиган мавзулар бўйича ишлашимиз лозим.

Иккинчидан, кейинги етмиш йиллик давр мобайнида бизда илмий йўналишлар ниҳоятда кўпайиб кетган эди. Фаннинг бирор соҳаси йўқки, унга доир йўналиш Ўзбекистонда бўлмаса. Назарий физика дейсизми, қишлоқ хўжалигимиз — барчаси бўйича алоҳида соҳалар мавжуд. Аммо бугунги кунда шу йўналишлардан энг керак, энг долзарб ва фанимизни дунё миқёсига кўтара оладиган тармоқларигина сақлаб қолиниши зарур. Мана, бир мисол. Ўзбекистон олимларининг пахта нави бўйича қилаётган тадқиқотлари дунёда гоёта юксак қадрланади. Бунинг исботига бир далил келтирай. Дорилфунуннинг академик Жўра Азимбоевич Мусаев раҳбарлик қилаётган пахта генетикаси кафедрасида Ҳиндистондан келган илмий ходимлар докторлик тадқиқотини ёқлаб кетмоқдалар. Бу тажрибаларни АҚШ, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг олимлари қўллаб-қувватламоқда. Демак, биринчи галда мана шундай йўналишлар ривожланиши керак. Илгари эса биз уларнинг барчасига бир хилда қарар эдик, бир хилда маблағ ажратиларди. Бир хилда синовхоналар очилар ва бир хилда ускуна берилар эди. Буни биз тенглик дордик, унинг яхши самара беришига ишонар эдик.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида амалий ишларга муносабат ўзгаради. Илгари биз амалий ишларни бажарардик-да, синовхона регламентини тайёрлаб, ускуна ҳозирлаб, уларнинг ишлаб чиқаришга қандай татбиқ этилишига айтишга аҳамият бермас эдик. Албатта, бу масала қандай ҳал этилгани сўралар эди, аммо унинг натижаси ҳеч кимга керак бўлмастидини ҳаммамиз яхши тушунар эдик. Энди бу жараён охиригача бориши керак. Амалий иш бўлганидан кейин у синовхонадан чиқиб далага қандай ётиб боради, қанча фойда келтиради, умуман, қўлласа бўладими-йўқми — барчаси аниқ бўлиши лозим. Масалан, дейлик, бугун республикамизда хлор топиш муаммо бўлиб қолди. Аниқроғи, у жуда кам. Лекин ҳаммага керак. Айниқса, экологиямиз учун зарур. Тўғри, хлорли моддалар ниҳоят-да кўп. Уни синовхонада яратиш йўли ўзлаштириб олинган, аммо сувни қандай тозалаш керак? Бунинг учун қанча маблағ кетади? Буниси аниқ эмас. Шу боис биздан ҳар бир модданинг солиштирма оғирлигини аниқлаш талаб қилинади. Мана шуларнинг ҳаммаси қўшилиб айрим қийинчиликларни туғдиряпти.

Ҳозирги шароитнинг яна бир хусусияти шундан иборатки (уни сиз жуда яхши таъкидлаб ўтдингиз), фандаги фундаментал, менинг фикримча, энг асосий йўналишлар, яъни биринчи навбатда ривожлантормасдан туриб олдинга силжиб бўлмайдиган тармоқлар қисқаргани йўқ. Аксинча, уларга дахлдор янги йўналишлар пайдо бўлди.



Шу пайтга қадар республикаимизда ижтимоиёт (социология), сиёсатшунослик; табиий фанларда микроминерология, геодинамика каби соҳалар яхши ривожланмаган эди. Аммо улар юртимиз учун зарурлиги сабабли бу соҳаларга оид бир талай янги ташкилотлар пайдо бўлди. Чунончи, стратегик тадқиқотлар институти, бир неча социология лабораториялари, социология ёки сиёсатшунослик марказлари майдонга келди ва фанда умрини ўтаб бўлган йўналишларнинг ўрнини эгаллади.

Шу ўринда шахсий бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Биз илгари жуда кўп илмий йўналишларни ривожлантириб юборганмиз, уларнинг тармоғи ҳам, сони ҳам ҳаддан зиёд эди. Ҳар битта вазирлик, корхона, академия таркибида бёҳисоб муассасалар, институтлар бўларди. Беш йил мобайнида уларнинг аксарияти бирлаштирилди. Табиийки, яхшилари, самарадорроқлари сақлаб қолиниши керак. Баъзи заифроқ, аҳамиятсизроқ йўналишлар ўз-ўзидан четга сурилиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам баъзан, бизнинг назаримизда, одамлар фандан кетиб қолаётганга ўхшайди. Шундай жараён чиндан ҳам бор. Фан фидойиси бўлмаган, қийинчиликка чидай олмаган кишилар ишини топиб кетмоқда. Тўғри тушунинг, бундай “мутахассис” ва “олим”ларга халақит бермаслигимиз керак. Албатта, бу жараён енгил кечмайди. Аммо у бўлиши зарур, объектив жараёндир. Бир мисол келтираман. Дунёда бир неча минг фундаментал фан йўналиши бор. Ўзбекистонда эса шулардан 70-80 фоизи мавжуд. Биз кўпинча кичик бир иш қилсак ҳам, фундаментал тадқиқот деб юрар эдик. Яъни ўша мўътабар тушунчани ҳам анча саёзлаштириб қўйган эдик. Хуллас, бозор иқтисодиёти даврида фан, албатта, ривожланади, унинг янги соҳалари пайдо бўлади ва пайдо бўлмоқда. Масалан, маркетинг, менежмент, давлат бошқаруви. Булар биз учун янги фан, янги соҳа бўлиб, энди оёққа туриб келмоқда. Биз илгари иқтисодиётни фақат сиёсий ва ҳўжалик иқтисодиётидан иборат деб билар эдик. Бугунги кунда кредит, молия, баҳони тақсимлаш, макроэкономика, микроэкономика соҳалари таркиб топиб, иқтисод фанининг гурираб ривожланишига асос бўлмоқда. Бинобарин, хавотирга урин йўқ, чунки эскисига қараганда самаралироқ янги тармоқлар тараққий этиши табиийдир. Бунинг тасдиғи ўлароқ яна бир мисолни эслашимиз мумкин. Фанлар академиясининг умумий мажлисида республикаимиз Президенти Ислом Каримов “Академия фонди”ни ташкил этиш таклифини айтди ва тез фурсатда шундай жамғармага асос солинди. Ҳозир унинг иши анча кўзга кўриниб қолди. Лекин ундан пул олишнинг ўзи бўлмайди.

Илгари биз маблағни қандай олар эдик? Мавзуни ўзимиз белгилаб тадқиқот юритар ва у ҳақда ҳисобот ёзардик, сўнг шунга яраша маблағ олиб газнамизга қўйиб қўяр эдик. Бугун ундай эмас. Энди кўпроқ иш натижаси муҳим. Фундаментал фанми, амалий ишми, барибир, энг аввало, натижа зарур. Усиз силжиш бўлмайди. Яна ижтимоий йўналишдаги бир талай фанлар, хусусан, адабиётшунослик, психология, тарих каби илм тармоқлари мавжудки, улар учун, Президентимиз айтганидек, биринчи навбатда давлат ва ҳар хил жамғармалар маблағ ажратади, қўллаб-қувватлайди. Шу боис, уларнинг ривожидан ҳам ташвишланишга ҳожат йўқ.

**О. Ш.** — Академия жамғармасини тилга олдингиз. Албатта, у фанга жуда катта мадад беради. Лекин чет элда бу борада бошқача йўллар ҳам топиляпти, шекилли? Мен бу ўринда ўқиганларимга асосланиб гапирман. Масалан, Рокфеллнерники сингари компаниялар қошида лабораториялар, ҳатто институтлар ташкил қилинган. Компания уларга мавзулар белгилаб, тадқиқот эттирилади ҳамда барчаси учун зарур маблағ ажратади. Бизда ҳам энди шундай тажрибалар қўлланса, яъни фақат жамғармаларга, ҳозир кенг урф бўлиб кетган ҳомийларга қараб қолинмаса керак? Бевосита ишлаб чиқариш эҳтиёжига яраша ишлайдиган, мазкур эҳтиёж-



дан келиб чиқиб, ушларнинг маблағи билан фаолият юритадиган, уларнинг манфаатини кўзда тутадиган фан йўналишлари ҳам ривожланиши мумкинми-кан?..

**Т. Д.** — Бу масала бозор иқтисодиёти даврида фанни бошқариш муаммосига бориб тақалади. Умумий муаммо шу. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида мана шунақа ташкилотлар, йўналишлар муҳим ўрин тута бошлайди. Бу гап, айниқса, амалий фанга тегишли. Бу борада республикада бир талай яхши тажрибалар юз кўрсатмоқда. Чунинчи, ҳозир нефть ва газ корпорацияси ўзининг иккита махсус институтига эга. Улар Нефть геологияси институти ва Лойиҳалаш институти деб аталади. Илгари бу институтлар бутун собиқ Иттифоққа хизмат қилган бўлса, энди фақат Ўзбекистоннинг нефть саноатини ривожлантириш, нефть конларини қайтадан ўрганиш ва ёқилги саноати истиқболларини аниқлаб бериш билан шуғулланмоқда. Охири икки-уч йил ичида бу институтлар жадал ривожланмоқда. Корпорациянинг, демакки, республиканинг манфаатларидан келиб чиқилган ҳолда мазкур институтлардаги мавзулар йўналиши ҳам жиддий ўзгаришларга учради. Масалан, уларнинг мавзу режаларидан Мингбулоқ, Кўқдумалоқ, жанубий ва ғарбий Ўзбекистондаги нефть истиқболини ўрганиш масалалари муҳим ўрин эгаллаб, уларни тадқиқ этиш натижасида аксарият конлар тўрт-беш минг метр чуқурликда жойлашгани аниқланди; конларнинг умумий ҳажми қанча, улардан қанча маҳсулот чиқиши мумкин деган масалаларга аввалги замонлардагидек умумий тарзда эмас, балки аниқ ёндашишга уринишлар бўлди. Бу масалалар юзасидан жуда аниқ ҳисоб-китоб қилинган, исботланган лойиҳалар тайёрланди. Президентимиз айтган республикамиз нефть мустақиллигини таъминлаш ишига бу институтлар қўшган улуш жуда каттадир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда бир талай бошқа жамғармалар ташкил қилинган. Мен бу иш билан бир оз шуғулланганим учун шунини айта оламанки, ҳозир жамғармалар кўпайиб боряпти, лекин уларнинг орасида қудратлилари кам. Қудратли жамғармалар орасида мен Ўзбекистон Фан ва техника қўмитаси қошидаги Республика фундаментал фанлар жамғармасини мисол сифатида кўрсатишим мумкин. Бу жамғарма уч йилдан буён фаолият юритади, шу давр мобайнида юздан ортиқ фундаментал тадқиқот учун маблағ ажратди. Бундай шароитда ишлашнинг асосий тамойили рақобат ҳисобланади. Ишни баҳолашда экспертлар муаллифни танимайди. Улар фақат ишга, илмий натижага баҳо беради. Шу сабабли мутлақо қутилмаган одамлар ҳам жамғармадан катта маблағ олди. Уларнинг аксарияти ёшлар, илгаридан ишлаган йирик олимлар. Бу ерда ҳар бир ишланмага ҳолисанлилло баҳо берилади. Экспертлар ишларни уч бор яширинча экспертизадан ўтказадилар, яъни имкон борица ҳолисликка интилиш бўлади. Шу йилнинг 23-24 январигача жамғарма яна бир талай лойиҳаларни қабул қилди. 1994-95 йил танловида



**Фаннинг замона талабларни даражасида тараққий топиши учун, меннинг назаримда, қуйидаги муҳим омиллар зарур: Ғоя, моддий асос, тегишли шароит ва фпкр, тафаккур эркинлиги.**

**Ислом КАРИМОВ**

Тошкент Давлат дорилфунунидан қўйилган лойиҳаларнинг йигирматаси голиб деб топилди.

Умуман, мана шундай жамғармалар, ҳомийлар билан қалин алоқада ишлаш борасида ҳали бизда етарлича тажриба йўқ. Фикримга далил сифатида бир мисол келтирай. Бугунги кунда чет мамлакатлар республикамизга, умуман, барча ҳамдўстлик давлатларига оз миқдорда бўлса ҳам ёрдам кўрсатишга мўлжалланган жамғармалар ташкил этган, аммо биз улар билан яхши алоқа боғлай олмадик. Бунга лоқайдлигимиз ҳам, билимсизлигимиз ҳам, уларнинг ишлаш йуриқлари билан нотанишлигимиз ҳам сабаб бўлган. Масалан, Россия шундай фондлардан 400 миллион доллардан олади. Бу жуда катта маблағ. Иккинчи ўринда Болтиқбўйи республикалари туради. Учинчи ва тўртинчи ўринда — Қирғизистон ҳамда Қозоғистон. Бизнинг республикамиз олимлари эса улардан унча яхши фойдалана олмапти. Қирғизистонлик ҳамкасабаларимиз бу жамғармалардан бизга қараганда анча унумлироқ наф кўрмоқдалар. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳам, институтлари университетлар ҳам Сорос, Макартур, Аденауэр, Осий, Оврусий жамғармаларидан аста-секин фойдалана бошлапти. Ҳомийларга келганда шуни айтиш керакки, ҳали улар маблағ жиҳатидан унча катта ёрдам бера олмапти. Аммо бу соҳада ҳам баъзи ижобий ишлар мавжуд. Масалан, Ҳамжиҳатлик жамғармаси воситасида университетимизга социология учун пул ажратилган. Сорос, Фулбрайт жамғармалари кўмагида баъзи профессорларимиз Канадага, Чикагога, Иллинойга, Олмонияга бориб уч-тўрт ой ишлаб, тадқиқот ўтказиб келмоқдалар. Бу ишлар ҳали илк тажриба бўлгани боис, ҳозирча кўнгилдагидек ривожлангани йўқ. Аммо у бошқа мамлакатларда асосий йўналишлардан бири ҳисобланади, чунки давлат ҳамма фанларни, барча йўналишларни бир хилда таъминлай олмайди. Бу — биринчиси. Иккинчиси — амалий фанлар соҳасида ҳали ўз кучимиздан яхши фойдалана олганимиз йўқ. Йирик олий ўқув юрти бўлган Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳам атиги 7 миллион 200 минг сўмлик хўжалик шартномаси бор. Ваҳоланки, бу ерда 12 факультет, 42 лаборатория фаолият юритади, уларда 600 нафар илмий ходим ишлайди. Бошқа олий ўқув юртлари билан қиёсласанда, бу рақам анча катта миқдор ҳисобланади. Лекин жаҳон андозалари, ҳатто Россиядаги кўрсаткичлар билан солиштирганда ҳам унинг анча камлиги аён бўлади. Демак, бу соҳада ҳали имкониятлар жуда кўп. Биз бевосита буюртмачи билан ишлашни ўрганишимиз керак. Биз унинг талабидан келиб чиқшимиз, ўз билимимизни унга «сота» билишимиз лозим. Ҳолбуки, билим товар экан, биз ҳали уни сотишни ўрганганимиз йўқ.

Учинчи йўналиш мавзуларни ҳозирги шароитга мувофиқлаштириш билан боғлиқ. Агар Фанлар академияси, бизнинг университет ва бошқа олий ўқув юртлари мавзу режаларини қараб чиқсангиз, бир-бирига яқин, ўхшашлари жуда кўп эканини пайқайсиз. Масалан, республикада биргина геология соҳаси бўйича олти институт бор. Яна учта олий ўқув юрти шу йўналиш билан шуғулланади. Бу — жуда катта куч. Аммо Давлат геология ва минерал хомашё кўмитасининг буюртмаси асосида ишлайдиганлари битта ёки иккита. Шунга кўра, режалаштиришни мукамаллаштириш бўйича бизнинг имкониятларимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам беқийёс. Ниҳоят, яна бир муҳим муаммо — маош масаласи. Мен ҳақиқий олим тирикчилик учун эмас, фан учун ишлаши

тарафдориман. Унинг катта маош олишини хоҳлардим. Аммо у ҳақиқий олим ёки мутахассис бўлса! Кўп кузатишлар, суҳбатлардан сўнг шунга иқрор бўлдимки, бизнинг фанимиз баъзи соҳаларнинг савияси, ривожланиш даражаси бўйича бошқа мамлакатларникидан қолишмайди. Улар жаҳон андозалари, хусусан, АҚШ, Англия, Франция, Олмониядаги фан тараққиёти даражасида. Шунинг учун ҳам у юртлардаги мутахассислар мамлакатимизга ва аксинча, бизнинг олимларимиз у юртларга бориб ўзаро алоқадорликда ишлаб турибди. Аммо биздаги техникавий асос сусайиб қолган. Улардаги ноёб асбоб-ускуна бизда йўқ. Уларда пул катта. Маош ҳам катта. Бизда эса кам. Лекин биз улардек ишлай оламизми? Америкалик илмий ходимнинг кундалик ўртача иш вақти 14 соатга тенг. Мен буни ўз кўзим билан кўрганман. У ердаги илмий ходим муассасада 7-8 соат ишлаб кетиш билан чекланмайди, балки идорадан ташқарида тадқиқотни давом эттириб, иш кунини 14 соатга етказилади. Биз 14 соат ишламаймиз-да. Шунинг учун бўлса керак, маошимиз анча кам. Буюртма билан ишлайдиган ташкилотларда эса бошқачароқ манзара кўзга ташланади. У ерда буюртма, иш ва маош бир-бирига узвий боғланиб кетади. Уларнинг маоши чет эллардагига анча яқинлашиб қолди. Ҳозир бизнинг дорилфунундаги айрим профессорлар тўрт-беш минг сўмдан маош олмақда. Албатта, бундай маош буюртмачининг розилиги билан тўланади.

**О. Ш.** — Масаланинг яна бир томони бор. Ким бўлишидан қатъи назар — олимми, меҳнаткашми — меҳнатига яраша ҳақ олиши керак. 14 соат бўлмаса ҳам, озгина тадқиқот юритса, олим оғир заҳмат чекади ва ўша меҳнатнинг самараси минглаб одамларнинг ҳолатини чиқаради, уларни қаноатлантиради. Шунга қура, тадқиқотчининг маоши бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Бизнинг кўз ўнгимизда — бу ҳол совет давридан бошланган — олимларнинг мавқеи анча туша бошлади. Бир замонлар, аниқроғи, 30-йилларда ўқиган одамнинг, олимнинг обрўси, ҳурмати жуда баланд эди. Одамлар уларга сажда қилмаган тақдирда ҳам гапига қулоқ соларди, фикри билан ҳисоблашарди. Секин-секин, олимлик фаолияти кам самара бергани учунми, унинг қадри ҳам, фикрининг қиммати ҳам сусая борди. Чет элларда олимнинг қадри гоётда баланд. Бунга эришиш йўллари қандай бўлар экан?

**Т. Д.** — Ҳақиқий олимнинг обрўси, жамиятда тутган ўрни ҳар доим юқори бўлиб келган. Чунки обрў фақат пул билан белгиланмайди. Озод ака, бу — масалага қандай ёндашишга боғлиқ. Агар биз ҳамма олий маълумотли, унвонли мутахассисларни олим деб ҳисобласак, сизнинг мулоҳазаларингизга қўшилса бўлади. Аммо ҳамма олим бўлавермайди-ку! Биз буни яхши биламиз... Шундай экан, ҳақиқий олимнинг обрўси баландлигича қолаверади.

Менинг фикримча, аввал бир нарсани аниқлаб олишга тўғри келади. Биз бир вақтлар “олим” деб аталувчиларни кўпайтириб юбормадикми экан? Чунтагида номзодлик қоғози бўлган ҳар одам “олим” ҳисобланаверар эди. Шу билан бирга, ундай қоғози бўлмаган, лекин катта тадқиқотлар қилган баъзи мутахассислар эса олим саналиши қийин эди. Бу ўринда сиз билан бизга жуда яқин бўлган бир сиймони эслагим келади. Субутой Долимовдек йирик тадқиқотчи Муҳаммадризо Огаҳийнинг олти жилдлик асарлар тўпламини нашрга тайёрлаганидан кейингина мажбур бўлиб номзодлик ишини ёқлади. Ахир, у шундан олдин олим эмасмиди? Биз совет даврида дипломга, унвонга сажда қиладиган бўлиб қолдик. Мана шу ҳол олимликнинг қадри тушишига сабаб бўлди. Менинг фикримча, ҳеч бир мамлакатда ҳақиқий олим, улар яратган илмий мактаб кўп бўлмайди. Бизда эса тўрт-бешта номзод тайёрлаган олимни ҳам илмий мактаб яратди деб ҳисоблаш расм бўлиб қолган. Бундай ҳай-баракалчалик натижасида “илмий мактаб” деган нарсанинг ҳам обрўси пасайиб кетди. Менимча, энди бозор иқтисодиёти даврида илм аҳлининг ҳам

сараги саракка, пучаги пучакка ажралади. Ҳақиқий илм соҳибига кун сайин эҳтиёж ортиб бораверади. Бу жараёнда обру, маош деган нарсалар ҳам ўзидан ҳал бўлади, ҳал бўлганда ҳам оқилона ҳал бўлади. Чунки уларни ҳақиқий рақобат белгилайди.

**О. Ш.** — Чиндан ҳам, бу - жуда муҳим масала. Олимнинг қадрини кўтариш, унинг ҳақиқий ўрнини белгилаш ишнинг самараси учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу масаланинг ҳал қилинишига халақит берадиган жиҳатлар ҳам борми дейман-да. Масалан, илмий ишни юзага чиқаришда кўнгилсиз ҳоллар кўпдек кўринади. Назаримда, бугунги кунда илмимизнинг жуда ҳам гуркираб ривожланиб кетишига халақит бераётган нарсалардан бири ўтмишдан қолган хунук мерос ҳисобланади. У шундан иборатки, совет даврида бизда олимлар, илмий ходимлар жуда кўпайиб кетган эди. Раҳбарлар, назорат қиладиган идоралар, режалаштирадиган, текширадиган, буйруқ берадиган ташкилотлар ундан ҳам ортиқ эди. Бошқача айтганда, совет бюрократиясининг илмдаги сояси ривожланишга жуда халақит бериб қолган эди. Ҳозир шу иллатдан бутунлай қутулдик, дея оламизми? Агар қутулмаган бўлсак, ундан халос бўлиш учун қандай йўлдан кетиш лозим бўлади?

**Т. Д.** — Умуман, бюрократия, хусусан, илмий бюрократия жуда кенг тарқалган нарса. Бу ҳол фақат бизнинг мамлакатимиз учун хос эмас. Мен 60-80-йилларни яхши биламан. Ўша вақтларда туман, шаҳар, республика партия кўмиталарида фан бўлими бўларди. Уларнинг ҳаммаси билан ҳисоблашиш зарур эди. Бундан ташқари, фан бўлими Министрлар Совети қошида ҳам фаолият юритарди. Ҳозир кўп нарсалар ўзгарган бўлса ҳам, бюрократия бор. Биргина дорилфунун мисолида кўрадиган бўлсак, айтиш мумкинки, ҳозир ҳам уни, айниқса, фанни текширадиган, ҳисоб талаб қиладиган одамлар, ташкилотлар йўқ эмас. Илмий бюрократиядан ҳеч ким юз фоиз қутулган эмас. Уни камайтириш мумкин, вақти-соати билан чегаралаб турилса, зиён қилмайди.

Қолаверса, бозор иқтисодиёти тамойилларини илмга, ҳаётга татбиқ этиш воситасида уни камайтириш мумкин бўлар. Фақат бу ерда бюрократ билан фан ташкилотчисини фарқлаш керак.

Ташкилотчилар эса ноёб, кам учрайдиган одамлар. Бизда ҳозир шу ташкилотчилар қандай йўл билан танланади? Кўпинча обрули, ишини биладиган, фанда узини кўрсатган, докторлик илмий даражасини олган мутахассислар, айниқса, шундай ёшлар раҳбарлик лавозимларига қўйилади. Фақат, улар иш юрита оладими, одамлар билан мулоқот қилишни биладими, муайян фаннинг истиқболини кўриш иқтидори борми каби саволларга жавоб топиш учун ҳали бизда имтиҳонлар ва тестлар яхши ўйланган эмас. Бундай одамлар раҳбарликка маълум даражада тасодифий равишда қўйилади. Албатта, уни тайинлашда ҳар томонлама ўрганадилар — келиб чиқиши, инсоний хусусиятлари, бошқа фазилатлари аниқланади, лекин айрим ҳолларда ташкилотчилик қобилияти камроқ ҳисобга олинади. Мен республикамызда янги ташкил этилган Давлат ва жамият қурилиши академиясидан кўп нарса умидворман. Бу академия раҳбар тайёрлаш борасидаги илк олий ўқув юрти ҳисобланади.

Ҳарбда ташкилотчиларни, хусусан, фан ташкилотчиларини аниқлаш катта бир йўналишни ташкил этади. Бу ерда ташкилотчиларни танлаш учун бир талай тестлар, тестга тайёргарлик босқичлари ва ёзма ишлар мавжуд. У ерда илмий лавозимга мутахассис тайёрланар экан, унинг ташкилотчилик қобилиятига, айниқса, катта аҳамият берилади. Ўйлайманки, бу тамойил беш-ўн йил мобайнида бизда ҳам қарор топади. Ушанда ҳозирги айрим бюрократлар ўзидан четга сурилиб қолади.

Иккинчидан, бюрократиянинг кенг ёйилиши бизнинг илгариги онгимиз билан боғлиқ. Советлар даврида ходимнинг ташаббусига йўл берилмас, у

бирор ишга қўл ургудек бўлса, аввало, юқоридагиларга ёқиш-ёқмаслигини ўйлаб кўрар эди. Шунинг учун ҳам кўп яхши ташаббуслар ёруғ дунёни кўрмай юраклар тубида қолиб кетар эди. Раҳбар илмий ходимларни ана шундай заифликдан қутқариши керак.

**О. Ш.** - Тўрабек Нўмонович, суҳбатимиз асосан фундаментал фанлар ҳақида кетяпти. Лекин мен адабиётшунос сифатида гуманитар соҳа тўғрисида ҳам жиндак гаплашсак, деган эдим. Ўша, кечаги ўтмишда фанларни сунъий равишда соҳаларга, йўналишларга, табақаларга бўлиш юзага келган эди. Кўпинча аниқ фанлар анча бообру, юксак самарадор сифатида тасаввур қилинган. Гуманитар соҳа дейилганда эса, иккинчи даражали, унча зарур бўлмаган фанлар тушунилан. Бундан ҳам даҳшатлиси шундаки, бизнинг ўзимиз, яъни гуманитар соҳа вакиллари бунга кўпроқ айбдормиз, чунки бизнинг ўзимиз бу илмларнинг ривожланишини анча сусайтириб келдик. Агар ўзбек адабиётшунослиги ёки тарихчилигини оладиган бўлсак, жуда бақувват олимлар бор. Улар исталган масалада жаҳон олимлари билан баҳслаша олади. Лекин, буни қарангки, ўзбек адабиётшунослиги ёки тарихшунослиги дунёда тан олинган эмас. Бу соҳадаги илмий гуруҳларни дунё билмайди, билган чоғда ҳам эътироф этмайди. Бунинг сабаби нимада экан? Бош сабаб, яъни илми фожиага етаклаб келган асосий омил шундаки, илмимиз бошдан-охиригача бир мафкурага бўйсундирилган эди. Биз бу мафкуранинг номақбул жиҳатларини билардик, албатта, аммо хизматини бажармоққа мажбур эдик. Ҳар қандай тадқиқотимиз ҳам оқибатда ўша мафкуравий қарашларни тасдиқлашга хизмат қилар эди. Шу тариқа натижанинг олдиндан маълумлиги илмнинг қадр-қимматини йўққа чиқариб қўйди. Биз қайси ёзувчи ҳақида гапирмайлик, ижодининг мазкур мафкурага хизмат қиладиган жиҳатини мақтардик-да, бошқа хусусияти - ҳақиқий санъати, бадиияти билан ишимиз бўлмас эди. Энди вазият ўзгарди. Бугун 70 йилдан зиёд вақт мобайнида шаклланган қарашларни янгилашимиз зарур. Энди ҳақиқий санъатнинг моҳиятини ўзлаштириб, шу асосда янги тадқиқотлар яратишимиз керак. Бу - биринчидан. Иккинчидан, энди, Президентимиз айтганидек, Ўзбекистон - келажаги буюк давлат деган гоёни амалга ошириш керак. Бу - фақат шиор эмас, балки фаолият бўлиши лозим. Бу борада илмий ходимлар, айниқса, гуманитар соҳа вакиллари фаол бўлмоғи керак. Энди биз санъатимиз ва адабиётимиз ўтмишда ҳам буюк бўлганини, ҳозир ҳам буюк намояндалари борлигини дунёга намойиш қила билишимиз лозим. Бунинг учун аксарият илмий асарларимизни қайтадан ёзиб чиқишимиз керак бўлади. Табиийки, бу иш жуда мураккаб, охир-пировардда янги кадрлар билан боғлиқ бўлган муаммо...

**Т. Д.** — Тўғри, гуманитар фанларни иккинчи даражалироқ, нозарурроқ қилиб кўрсатиш ўтмишдан қолган иллатлардан биридир. Илгари биз социалистик реализм таълимоти, коммунистик мафкура тамойилларига мослашган эдик. Лекин ўша вақтларда ҳам қадимшунослик, матншунослик яхши ривожланган. Билишимча, гуманитар фанларни камситган одамларнинг қарашлари, фикр доираси ўта тор, биқик бўлган.

**О. Ш.** — Фанни мафкура тизгинига солиш билан боғлиқ гап матншуносликка ҳам тегишлидир, чунки ўтмишда бадиий матнни нашрга тайёрлаш жараёнида «худо», «оллоҳ» сингари сўзлар ҳеч ўйлаб ўтирилмасдан ўчириб кетилаверган.

**Т. Д.** — Ҳа, шундай бўлган ва бу жуда катта фожиа эди. Шукрки, энди бундай нохуш ҳоллардан қутулдик. Боя тўғри айтдингиз, бугун илми кадрлайдиган янги авлодни вояга етказиш зарур. Бу ўринда тадқиқотчилар тайёрлаш масаласини эслаш жоиз бўлади. Ҳозир оз бўлса-да, тадқиқотчиларимиз бор. Фақат, уларнинг илмий ишларини чоп этишда сусткашлик

сезилмоқда. Биз тадқиқотларимизни дорилфунун босмаҳонасида нашр этамиз. Лекин илмий тадқиқотни хорижда чоп эттиришнинг машаққати кўп. Биласиз, у ерда журналлар ҳар қандай мақолани ҳам нашр этавермайди. Агар биз тўран тадқиқотлар юритсак, худди физиклар ва химиклар каби, асарларимизни четда ҳам бемалол чоп қилдираверар эдик. Фақат, гуманитар соҳа вакилларининг хориж билан алоқаси заифлашиб кетгани бир оз халақит бермоқда. Энди алоқалар ҳам секин-секин изга тушмоқда. Бир мисол: АҚШдан Ричард Хокинс деган тадқиқотчи келиб бугун университетимизда дарс берапти. Мана шундай тажрибани кучайтириш керак. Ҳозир Туркиядаги дорилфунунлар билан, АҚШдаги Вашингтон университети билан алоқаларимиз тузук. Аммо бошқа хориж университетлари билан мулоқотимиз кўнгилдагидек эмас. Аслида, бундай алоқаларни ривожлантириш учун имкониятлар жуда катта, чунки чет эллардаги аксарият университетларда шарқшунослик факультетлари бор, уларнинг барчаси Ўрта Осиёга иштиёқманд. Алоқалар заифлигининг сабаби эса чет тилларни билишга боғлиқ. Бу ҳолдан қутулиш йўли, менимча, илмий тадқиқотчилар тайёрлашни ривожлантиришга бориб тақалади. Бултур биз Тошкент Давлат университетининг гуманитар факультетларига элликка яқин аспирант қабул қилдик. Бир ўринга уч-тўрттадан даъвогар тўғри келди. Албатта, аспирантуранинг ҳам ўзига яраша муаммоси бор. Биринчидан, аспирантларга бериладиган маош жуда кам. Агар олий ўқув юрти битиргандан кейин бир-икки йил яшайман деса, табиийки, қобилияти ва ақл жавҳарининг 60 фоизини тирикчиликни йўлга қўйишга сарф этади. У самарали тадқиқот юритиши учун эса жону танини илмга фидо этиши талаб қилинади.

Иккинчидан, илм-фанни равнақ топтириш учун биз бир талай янги журналлар таъсис этишимиз зарур кўринади. Албатта, Ўзбекистонда адабиёт-шуносликка оид катта-катта нашрлар мавжуд. Аммо Фарбдаги журналлар даражасидаги нашрларимиз йўқ.

Учинчидан, гуманитар фанларсиз жамият ҳаётида силжиш бўлмайди. Шунинг учун ҳам, эсингизда бўлса, 80-йиллар охирига келиб гуманитарлаштириш деган масала кун тартибига қўйилган. Аммо у гуманитарлаштириш ҳам коммунистик мафкура тақозо этган даражада амалга оширила бошланди ва ижобий самара бермади.

Биз ўқув режаларимизга жуда кўп сунъий фанларни киритганмиз. Масалан, фалсафа ўқитилгани ҳолда этика, эстетикадан ҳам дарс берилади. Табиий факультетларда ҳам адабиёт, шеърят, мусиқа билан боғлиқ фанлар ўқитилса бўлмайдими? Талабаларда гўзаллик сўзгиси, камолот туйғуси уйғотилар, яъни чинакам гуманитарлаштириш юз берар эди. Мана, биз театршуносликдан деярли беҳабармиз. Талабаларимиз ҳам шундай. Тошкентдаги Ҳамза номидаги, Аброр Ҳидояттов номидаги театрлар билан дорилфунун шартнома тузган. Шартномага кўра, мазкур театрларга пул ўтказилган, улар бизга ҳар ойда тўртта спектакль қўйиб бериши керак. Лекин кўп талабалар у спектаклларга бормади. Қулогидан тортиб олиб бориш ноқулай — зиёли одамга ярашмайди. Уларнинг ўзида театрға эҳтиёж, гўзаллик туйғуси бўлмагач... Бундай туйғуни ҳали уйғота олганимиз йўқ. Ахир, фан гўзаллик ҳисси билан тирик. Фан — гўзалликдир. Бунинг учун эса, боягидек дарслар гоят зарур.

Мен ўзим ва яқин ҳамкасабаларим гуманитар фанларга ҳеч қачон иккинчи даражали деб қараган эмасмиз. Аксари йирик олимлар ўз соҳасидан ташқари, адабиёт ва санъатга ёки улар ҳақидаги фанларга бениҳоя қизиққан. Чунончи, менинг устозим Иброҳим Ҳамробоев ниҳоятда яхши расм соладилар. Яна кўп олимлар китоб йиғади. Университетимизнинг аввалги ректори Шавкат Олимов қадимги қўлёзмаларни гоят севади, уларни ўқишни ҳам билади, катта нодир кутубхонаси бор. Бу - олим одамга хос фазилат, чунки шундай қўшимча машғу-

**Савдо-сотиқ, бизнес керак. Лекли фан, ижод уларнинг соясида қолишига биз йўл кўя олмаймиз. Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, бопингни, тақдирини ҳам пировард-натijaда ақл-заковат, маънавият ҳал қилади.**

**Ислом КАРИМОВ**

лоти бўлмаса, у ўзини маънавий жиҳатдан қашшоқлашгандек, савияси пасайиб қолгандек ҳис қилади.

**О. Ш.** — Бизга савияси юксак илмий тадқиқотчилар даркор. Демак, аспирантура ва тадқиқотчиликни ривожлантириш зарур. Фақат улардан аввалги босқич – олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш жараёнини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу борада Тошкент Давлат до-рилфунуни катта тарихга, бой тажрибага эга. Бу ерда шундай мутахассислар йиғилганки, уларни бемалол илмий зиёлиларимизнинг пешқадами деса бўлади. Бинобарин, бу илмий даргоҳга ўқув ишларини юритишда қандайдир даражада мустақиллик берилсамикан? Университет жамоаси шундай мавқега кўра нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш масаласини ўзи ҳал этса. Ушанда боя сиз айтган ортиқча, вақтни ўғрилайдиган фанларга ўрин қолмаган бўларди. Масалан, биз филология факультетида жуда кўп нарсани ўқитамиз, лекин тилларни мукамал ургатишнинг иложини тополмаймиз. Талаба бу факультетда беш йил ўқиб, филологиянинг асоси бўлган биронта тилни мукамал билиб олмайди. Ҳолбуки, у форсийдан, арабийдан, инглизча ва тил-шуносликнинг асоси бўлган лотинчадан тўлиқ хабардор бўлиши зарур. Ҳозирги мутахассисларимиз эса буларнинг ҳеч қайсисини тўқис билмайди. Ортиқча фанлар кўпайиб кетгани сабабли уларни ўқитиш ва ўрганиш учун вақт етмайди.


Эки яна бир масала — адабиётшунос бўламан деган одам, шубҳасиз, бадий асарни синчиклаб ўқиши керак. Бир вақтлар ўқув режасида ўқилиши кўзда тутилган асарлар камроқ эди. Хусусан, биз ўқиган замонда XX аср ўзбек адабиётига оид асарлар 20-30 китобни ташкил этар эди. Уларни талаба зарур муддатда бемалол ўқиб чиқа оларди. Ушандан буён ярим аср ўтди. Эллик йил мобайнида минглаб китоблар пайдо бўлди, жуда кўп бадий асарлар ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар майдонга келди. Энди уларнинг барчасини ўқиб чиқиш учун кўп вақт керак. Талаба эса ортиқча фанлар босими остида қолгани сабабли ҳамма асарни ҳам ўқиб чиқолмайди. Ҳатто энг зарурларини мутолаа қилишга ҳам вақт топа олмайди. Энди, менимча, унча зарур бўлмаган фанлардан воз кечишга тўғри келади. Негаки, бояги асарларни ўқимасдан туриб яхши адабиётшунос бўлиш мумкин эмас. Бунга эришмоқнинг бир йўли сифатида мен Тошкент Давлат дорилфунунига, боя айтганимдек, қандайдир даражада мустақиллик бери-лишини орзу қилар эдим. Майли, у “Миллий университет” дейиладими ёки бошқа ном билан аталадими, ҳарқалай, озгина бўлса-да, мустақил иш юритиш ҳуқуқига эга бўлса. Кейин шунга яраша тайёрланадиган мутахассислар малакасини, савиясини, дипломнинг кадр-қимматини оширишни талаб қилиш зарур бўлади. Ушанда яна кўплаб муаммолар ҳам ҳал бўлиб кетадигандек кўринади.

**Т. Д.** — Университетимизда муаммолар чиндан ҳам кўп. Университет ўз номи билан “Давлат университети” деб аталади. У бир йилда давлатдан 140 миллион сўм маблағ олади. Ўқув режаларини, дастурларини белгилаш ишига ҳеч ким аралашмайди. Демак, сиз айтган тадбирларни амалга ошириш ўз кўлимизда. Вазирлик ёки Вазирлар Маҳкамаси ўқув режалари тузишга, қандай

машгулотлар ўтилишига, соатлар тақсимотига умуман аралашмайди. Вақтни белгилашдаги нуқсонлар эса, 80-йилларнинг мероси, 36 соатлик ҳафта жорий этишдек нохуш тадбирнинг қолдиғи, холос. Биз бундан сира қутула олмаяпмиз. Ҳозир ўқув режаларининг барчаси қайтадан кўриб чиқилляпти. Албатта, шу қайта қуриш жараёнида тилларни ўқитишни мукаммаллаштириш масаласи кўпроқ ҳисобга олинса яхши бўларди. Чиндан ҳам, мактабда ва олий ўқув юртида 15 йил тил ўқитилганига қарамай, талабаларимиз чет тилида гапиролмайди. Бизда асли чет тилини ўқитиш услуби ниҳоятда яроқсиз. Ҳанузгача магнитофон, лингофон, аудиовизуал хоналардан фойдаланиш ўрнига, тилларни маъруза йўли билан ўргатишга ҳаракат қиламиз. Муайян тилда эркин гаплашишга эмас, балки унинг грамматикасини яхшироқ ўзлаштиришга кўпроқ урғу берилади. Айрим факультетларда бу борада сал силжиш ҳам юз бермоқда.

Энди филология факультети хусусида гапирадиган бўлсак, мавжуд андозадан тўғри фойдалана билиш зарурдек туюлади. Унга кўра, талаба ўқиш давомида муайян тилларни, шу билан бирга, бошқа фанларни ҳам ўқиши зарур. Лекин бу андоза 36 соатлик ўқув ҳафтасига асосланади. Чет элларда эса талаба кунига 6 соат эмас, 12 соат илм билан машғул бўлади. Улар асосий вақтини мудом кутубхонада ўтказишади. Вақтнинг бир қисми ўқитувчи билан мулоқотга сарфланади, аудиториядаги дарсларга эса бор-йўғи 4 соат ажратилади. Бизда бўлса, асосий машғулотлар аудиторияда кечади. Талаба

кутубхонада жуда кам бўлади. Дарсхонада ҳам, асосан, ўқитувчи маъруза қилади, талаба ўзади. Бу жуда катта камчилик бўлиб, уни бартараф қилиш учун мухторият ҳам, автономия ҳам шарт эмас. Фақат ўқув режалари ва дастурлари тузсак, вақтни тақсимлашдаги йўриқни ўзгартирсак, бас. Лекин бугунги кунда бундан ҳам жиддий муаммо бор: кўп фанлар бўйича янги, мукамал дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар, китоблар етишмай қолди. Ўзбекистон мустақилликка эришганига беш йил тўлаётган бўлса-да, аксари дастур ва дарсликлар эскилигича турибди. Бу нуқсон, айниқса, гуманитар фанлар борасида аниқ кузга ташланмоқда. Масалан, ҳанузгача сиёсий иқтисод фанидан янги дарслик яратилмаган. Эски китоблардаги айрим сўзлар ўзгартирилиб, ўрнига “бозор иқтисоди-





ёти”, “маркетинг”, “менежмент” сингари атамалар қўшилиб, яъни номига янгилангандек қилиб ўқитилмоқда. Ўзим маърузаларга кириб, неча бор гувоҳи бўлдим. Шу боис, Олий таълим вазирлиги университет зиммасига бир йилда 87 донда дастур ва дарслик чоп этиш мажбуриятини юклади. Қисқа муддатда шунча қўлланма яратиш ҳали кўрилган ҳодиса эмас. Фақат, бу мажбурият ижобий ва самарали натижа бериши учун дарслик бўйича ишловчилар меҳнати яхши рағбатлантирилиши лозим. Чунки дарслик ёзишдек қийин иш бўлмаса керак, у муайян дастур асосида яратиладиган салмоқдор илмий асар ҳисобланади. Муаллифдан катта билим, меҳнат, матонат ва тажриба талаб этади. Унда илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари ўз ифодасини топган бўлиши зарур. Табиий фанларда бу иш бирмунча осон кўчади, чунки уларда муайян собит анъана ва тажрибалар, муштаракликлар ҳамда ўзгармас асослар мавжуд. Гуманитар фанларда эса янги дарслик ва дастурлар яратиш жараёни анча қийин кечади.

Менимча, ўқув юртимиз ҳақиқий миллий дорилфунунга айланиши учун яна бир-икки муаммони ҳал этиш лозим бўлади. ТошДУнинг бошқа университетлардан фарқи бўлса-да, ҳали у чинакам миллий дорилфунун мақомига ета олгани йўқ. Дарсларимизнинг савияси, илмнинг аҳволи, аудиторияларимиз, жиҳозларимиз, биноларимизнинг бугунги ҳолати ҳозирча у даражага етишга имкон бермайди.

**О. Ш.** — Сиз миллий дорилфунун худди Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси даражасида бўлишини орзу қиласиз-да?

**Т. Д.** — Ҳа, мен худди ўшандай бўлишини истайман. Фақат ТошДУнинг ўрни ҳам, салоҳияти ҳам бошқа. Бунинг учун ҳозир қилинаётган ишлар бир оз олға силжиши керак. Бунинг учун салоҳият ва имкониятларимиз бениҳоя кўп. Бу йил ўқитувчиларимизни рағбатлантириш учун махсус жамғарма ташкил қилинган бунинг исботидир. Бу жамғармадан ҳозирча илк бошланмасига 40 ўқитувчига ёрдам курсатилди. Жамғармани ташкил этишда Президент девони, Молия вазирлиги муайян ташаббус кўрсатди. Биз фақат шунинг ўзи билан чекланиб қолмай, маблағ топишнинг бошқа йўллари ҳам излашимиз керак.

Чет тилларни ўқитишда чиндан ҳам муаммолар мавжуд. Қишлоқдан келган бола хорижий тилни деярли билмайди. Шаҳарлик ўқувчи эса оз бўлса-да, билади. Шунга кўра, уларга бир хилда дарс ўтиш тўғримиқан?..

Хуллас, юқоридаги каби муаммолар кўп. Аммо биз уларни ҳал қила бориб, илм-фанда ҳам олға силжиймиз. Шу боис, муаммодан чўчимаслик керак, балки уни батараф этиш пайида бўлиш лозим.

Сўхбатни Санжар СОДИҚ  
ёзиб олди.

*Шафаккур — абадий ҳаёт йўлидир, мулоҳазасизлик — қилим йўлидир. Шафаккури бедор одам ҳеч қарон қилмайди, еттиб қўлайдиган жоҳил киши қилик кабудир. Ўзини ўзинини қўйот, шунда ҳиқзу ҳимоя топасан ва бардам идрок билан юриб албатта бахтли бўласан.*

*Будда ҳикмати*

Иномжон РАҲИМОВ

# МУРОСА ФАЛСАФАСИ

ёхуд

ЯНГИЧА

ТАФАККУР УСЛУБИ

Хозирги замон фалсафаси инсоний моҳият ва қадрият, билим ва борлиқ каби масалаларга ёндашишда янгича фикр ҳамда услубга асосланиб иш юритмоқда. Маълумки, шу пайтга қадар диалектикавий материализм асосидаги фалсафий таълимот фан ва амалиётнинг ягона услубий негизи деб келинди. Унинг советча бичимида эса, бутун ижтимоий ҳодисотни изоҳлашда ҳам, инсоний муносабатларни шарҳлашда ҳам синфийлик бош мезон қилиб олинди ва шунинг натижаси улароқ, фалсафанинг асосий масаласи материализм билан идеализм ўртасидаги қурашдан, фалсафа тарихи эса идеализм билан материализм кураши тарихидан иборат, дея талқин этилди.

XX аср Фарб фалсафаси бошқача йўлдан кетди. У, биринчидан, фалсафадаги азалий муаммо — борлиқ, онг, билиш назарияси каби масалаларга ўзгартиш киритди, уларни янгича услубда таҳлил қилди. Иккинчидан, фалсафада шу вақтга қадар кам ўрганилган ёки батамом эсдан

чиқарилган масалаларга эътиборни торти.

Масалан, “ҳаёт фалсафаси” намояндalари (Ницше, Бергсон, Шпенглер ва бошқалар) ҳаёт тушунчасининг турли жиҳатини (табиий, космогоник ва маданий-тарихий томонларини) атрофлича таҳлил қилди; неопозитивизм таълимоти эса фан фалсафаси ва унинг моҳиятини ўрганди, билимлар тизимида тимсоллар, белгиларни шаклга, бичимга солиш каби масалаларнинг фалсафий таҳлилини баён этди. Фрейдизм ва экзистенциализм фалсафасида инсон борлиги, моҳияти, яшашнинг маъноси, инсон руҳияти шарҳи сингари муаммолар асосий йўналиш қилиб олинди. Прагматизм эса инсон фаолиятини самарали ва тезкор этишни таҳлил қилди. Уларнинг ҳар бири махсус фалсафий йўналиш бўлиб, барчасини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш талаб этилади. Аммо биз бу гал муроаса фалсафаси деб атаётган янгича тафаккур услуби — синергетика ҳақида фикр юритмоқчимиз.


Фалсафа ҳамма вақт фан билан узвий алоқада бўлган. Шу боис илмий тафаккур ва фалсафий фикр тарзи

азалдан ўзаро таъсир асосида ривожланган. "Синергетика" деган тушунча фанга асризмнинг 70-йилларида кириб келди. У даставвал физикавий, кимёвий, биологияга хос ҳодисалардаги, кейинчалик эса иқтисодий-техникавий, ижтимоий жараёнлардаги ўз-ўзини ташкил қилиш, ўз-ўзини бошқариш, хаос (тартибсизлик) каби ҳолатларнинг умумий йўналишини, қонуниятларини билишга қаратилди. Бу таълимотни илк бор бельгиялик физик Илья Пригожин, сўнгра олмон физиги Генрих Хакин ва бошқа олимлар асослаган. Бугунги кунда чет эл файласуфларининг аксарияти уни ўрганишга киришди ва унинг услубий аҳамияти тўғрисида баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Табиийки, бу жараёнда синергетика ва диалектиканинг муносабатлари жиддий муаммо сифатида юз кўрсатди.

Маълумки, диалектика XIX асрнинг 30-40-йилларида табиат ва ижтимоий тараққиётнинг фалсафий бирикуви натижасида пайдо бўлди ва ўша давр ривожланиш, юксалиш даражасини таҳлил қилиш учун жуда қўл келди, ҳозир ҳам ҳаётдаги ана шундай муносабатларни идрок этишда унинг ўрни бор. Лекин эндиликда физика, математика, кимё, биология каби асосий (фундаментал) фанларда гоят буюк кашфиётлар юз бермоқдаки, уларни теран таҳлил қилиш ва идрок этиш учун биргина диалектиканинг қонун ва қоидалари кифоя қилмай қолди. Албатта, бу борада ҳам турли фикрлар мавжуд. Аксари чет эл файласуфлари диалектикани мутлақо рад этмагани ҳолда, синергетикани мустақил тафаккур услуби деб билмоқда. Бу йўналишни энди ўргана бошлаган ўзбекистонлик файласуфлар эса уни диалектиканинг давоми деб шарҳламоқда. Бизнингча, синергетика — XX асрдаги фаннинг ва ижтимоий тараққиёт омухталиги ўлароқ юзага келган янги тафаккур услубидир.

Хўш, синергетиканинг ўзига хос жиҳати нимада?

Сир эмас, XX асрда табиий ва ижтимоий фанлардаги кашфиётлар натижаси ўлароқ, объект билан субъект, моддийлик билан маънавийлик, тадқиқотчи билан унинг объекти, табиат билан жамият, турли табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга



янгича ёндашув бошланди. Унинг моҳияти шундан иборатки, фан ва фалсафанинг ўзаро фарқи энди улар орасидаги зиддият, қарама-қаршилик ҳамда антагонизм тўғрисида эмас, балки ҳамкорлик, бирлик ҳақида фикр юритишни тақозо қилмоқда. Демак, синергетика инсон ҳаётида, фан тараққиётида илгари учрамаган янги муносабатларни фалсафий таҳлил қилувчи йўналиш сифатида пайдо бўлди.

Агар диалектика тараққиёт сабаби қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, инкорни инкор этиш каби қонунлар деб изоҳласа, синергетика уларни тараққиётнинг ягона доимий (универсал) қонуни деб билмайди. Бундан ташқари, синергетика бугунги тамаддун (цивилизация) тараққиётига хос бош тамойил — узлуксизлик (эволюция), босқичма-босқич ривожланиш (коэволюция), мувозанатсизлик, беқарорликнинг барқарор сифат касб этиши, инқирозлар каби қонуниятларни шарҳлаб бердики, улар фан, ижтимоий ҳаёт ривожига борган сари исботини топмоқда.

Синергетика кашф этган тараққиётнинг эволюцион тамойилини таҳлилдан ўтказиб кўрайлик. Бугунги кунда диалектика фани таъкидлаган эволюциясиз инқилоб, инқилобсиз узлуксиз ривожланиш юз бермайди, деган гап эскириб қолди. Чунки эволюция борлиқнинг умумий қонуни сифатида нафақат инсонлар билан инсонлар ўртасидаги, балки инсон билан табиат ўртасидаги бирлик ва муштараклик, ҳамкорликни ҳам ифодалайди. У жамият ҳаётида макон ва замонга боғлиқ геополитик ўзига хосликни ҳисобга олишни талаб қилади.

Жамиятда инқилоблар ҳодисаси йўқ демоқчи эмасмиз. Тарихда кўп-лаб инқилобий тўнтаришлар бўлган. Улар тўғрисида талай-талай асарлар ҳам ёзилган. Бироқ XX аср фани инқилоб тараққиётда ягона йўл эмаслигини кўрсатиш билан бирга, у энг хатарли йўл эканини исботлаб берди. Бинобарин, у эски тизимга тажовузкорлик ва зўравонлик қилиб ағдариб ташлашни, бузишу ўлдиришни, йўқ қилишни назарий жиҳатдан оқлайди. Маълумки, марксча таълимотда ҳам “зўрлик - янги жамиятнинг дояси” деб қаралади. Умуман, инқилобий назарияда зўрлик эътироф қилинади ва унга даъват этилади. Узлуксиз, тадрижий таълимотда тараққиёт эскини бузмасдан, уриш-ўлдиришларсиз амалга ошиши мумкин бўлган жараён экани асосланади. Бу назария ҳозирги замон табиий фанларининг пойидор қонунларига асосланган.

Биз синергетикани жамиятимизнинг бугунги сийсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига тадбиқ этар эканмиз, республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг “Катта сакрашлар, тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун қатъиян танлаб олдик” деган фикридан назарий асос сифатида фойдаланишимиз керак. Чунки бу гап бугунги замон универсал қонунларига мувофиқ келади. У методологик аҳамиятга эга бўлган фикрдир.

Синергетика тараққиёт жараёнида беқарор ҳолат билан барқарор ҳолат,

мувозанатсизлик билан мувозанат ўртасидаги муносабат қонунига таянади.

Кейинги вақтларда фалсафага оид илмий ишларда беқарорлик ва барқарорлик тушунчалари бот-бот тилга олинмоқда. Бу тушунчалар ҳам Илья Пригожиннинг “Беқарорлик фалсафаси” асарида синергетиканинг муҳим тамойили сифатида янгича, аъанавий бўлмаган асосда таҳлил этилган. Олимнинг фикрича, шу вақтга қадар беқарорлик тушунчаси салбий маънода ишлатиб келинган ва унинг асл моҳиятига етарлича эътибор берилмаган. Бугунги замон фани беқарорлик борлиқнинг муҳим бир жиҳати деб ҳисоблайди. Масалан, тебрангич (маятник) ҳаракати эътибор берайлик. У бир меъёрда тебранади, агар тўхтатсак, дастлабки барқарор ҳолатига қайтади. Агар уни тўнтариб қўйсак-чи? У ҳолда тебрангич ё ўнг томонга, ё чап томонга оғиб туради. Бу ҳолат — беқарорликдир.

Шу вақтга қадар беқарорлик ҳолати олимлар назаридан четда бўлиб келди. Маълумки, барқарорлик — қонуният ва сабабият натижасидир. Уни олдиндан билиш, бошқариш мумкин. Беқарорлик ҳодисасининг моҳиятини тушуниш учун унга теран ва синчков назар ташлаш лозим бўлади. Уни сийқа фикр тарзи билан изоҳлаб бўлмайди, дейди Пригожин. Микродунё тўлқин ва корпускулярлар назариясига кўра яхлит булганидек, борлиқ ҳам беқарорлик ва барқарорликнинг ўзаро муштараклигидан иборатдир. Шу сабаб, улардан бирортасисиз дунёни атрофлича ўрганиб бўлмайди.

Шу чоққа қадар табиатшунослиқда кўпроқ детерминизмга — нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишини ўрганишга аҳамият бериб келинди. Табиат ва жамиятни бошқариш ва ўрганишда ҳам детерминизм тамойилига асосланилди. Эндиликда инсон табиат ва жамиятни тўлиқ билиши ва бошқара олиши мумкинми деган муаммо қайтадан бош кўтармоқда. Уни ҳал этиш учун фан ва фалсафа дунёнинг инсон бошқариши қийин бўлган соҳаси — беқарорлиқни ўрганишга киришди.

Беқарорлик детерминизм — ҳоди-

саларнинг сабабий боғланишини билишнинг янги имкониятигина эмас, балки илмий жараённинг инсонийлашишидан ҳам далолатдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, илмий билиш жараёнига инсон фаолияти қўшилгани боис у — инсонийлашган жараёндир. Инсон ўз навбатида шу илмий жараённинг бутун бир жиҳатидир, шунинг учун эндиликда инсон субъектининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бунга билиш жараёнининг инсонийлашиши деб қарамоқ керак. Чунончи, бугун инсон ва табиат уйғунлиги ҳақида гапирар эканмиз, табиий фанлар билан ижтимоий фанлар ўртасида ҳамма вақт мавжуд бўлган умумий жиҳатларга катта эътибор беришимиз лозим. Эндиликда табиий фанлар ижтимоий фанларга яқинлашиб бормоқда. Бадий ижод билан илмий ижод ўзаро бақамти келмоқдаки, илмий мавҳумликка ҳам гўзаллик санъатиға хос усул ва қоидалар татбиқ этилмоқда.

Беқарорлик ва барқарорлик ҳақида гап кетар экан, инсон ва табиат муносабатида қандай ўзгариш юз бераётгани хусусида тўхталиш лозим.

Барқарорлик детерминлашган дунёни инсон тўлиқ назорат этиши ва бошқаришига имкон беради. Бу — табиат инсон иродасига бўйсундирилиши мумкин деганидир. Агар дунё беқарорлигини, уни олдиндан билиш мумкин эмаслигини, ундаги ўзгаришлар натижаси биз кутгандек бўлмаслигини англасак, унга эҳтиёткорлик билан, авайлаб муносабатда бўлишга мажбур бўламиз, дейди Пригожин.

Беқарорлик ҳодисасини ўрганиш инсон шу даврга қадар билмаган кўп нарсани тушунишга, жумладан, фандаги чекланганликни англашга имкон яратди. Чунки шу вақтгача фан кўпроқ барқарорлик ҳодисасига эътибор бериб келган ва табиатдаги ҳодисалар моҳиятига бир томонлама ёндашган. Бироқ бундан табиат ва жамиятда фақат беқарорлик мавжуд экан, деган хулоса чиқмаслиги керак. “Гап шундаки, барқарорлик ва беқарорлик айни бир пайтда пайдо бўлади ва яшайди”, дея таъкидлайди Пригожин.

Синергетика беқарорлик тушунчаси ва хаос — тартибсизлик категориясини фалсафий таҳлил этади. Билмоқ керакки, бу тушунчалар фақат салбий маънода ишлатилмайди. Ҳар қандай эски тузилма янги тизимга ўтар экан, даставвал беқарорлик, хаос юз беради, танглик авж нуқтасига этади. Бу нуқтадаги ҳолатни ўзгаришда оддий тасодиф ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Синергетика тараққиётдаги микро ва макро жараёнларнинг ўзаро муносабатини ифода этади. Масалан, микросоциал ҳодисаларда хаос — тартибсизлик, беқарорлик муҳим ижобий ўрин тутса, макросоциал ҳодисаларда бузувчилик вазифасини бажаради. Шунинг учун давлат тизимида тартиб — қонун устиворлигини талаб қилса, эркин бозор тартибсизлик — нарх-навонинг эркинлашувини тақозо этади.

Синергетика, янги дунёқараш сифатида, “чизиқсиз” тафаккур тарзидир. “Чизиқсиз” ва “чизиқли” каби тушунчалар асли математика фанига хосдир. Синергетика уларни универсал қонунларнинг намоён бўлиши тарзида ишлатади.

Диалектика универсал қонун ва боғланишлар тўғрисидаги таълимот сифатида вужудга келган бўлса-да, асос эътибори билан бир чизиқлик тафаккурга асослангандир. Биз ривожланишни пастдан юқорига, оддийликдан мураккабликка қараб боради, деб ўргатган диалектика таълимоти жамият тараққиётига татбиқ этиб, уни бир йўналишда, яъни ибтидоий тузумдан қулдорликка, қулдорликдан феодализмга, ундан капитализмга, кейин эса социализмга борадиган зарурий қонуният деб тушундик. Тўғри, бу таълимот ҳам қуруқ гап бўлмай, жамиятнинг бир йўналишини ҳисобга олган тафаккур тарзидир. Демак, у — жамият чизиқли (бир чизиқ бўйлаб) ривожланади, деган гапдан иборат эди.

Синергетика, янги фалсафий тафаккур усули сифатида, бир чизиқлилиги билан бирга, чизиқсизлик тамойилини ҳам ёқлайди. Бу тамойил тараққиёт олдиндан белгилаб қўйилган муқар-

рар бир йўлдан кетмай, ҳар бир нарсанинг ички хусусияти ва ташқи алоқадорлиги негизда ҳар сафар янги ва бетакрор йўлдан боришини кўрсатади. Улар воқеликнинг фикрий бичимларига асосланган бўлиши ҳам мумкин.

Синергетикага хос ажралиб чиқиш категориясини таҳлил этиб кўрайлик. У жамиятда тараққиётнинг турлича фикрий бичимини топиш асосида юз беради. Чунки ҳар бир ҳодиса мустақил мавжуд бўлиши учун даставвал ажралиб чиқиши керак. Бундай ҳол фақат жамиятда эмас, табиатда ҳам содир бўлади. Масалан, катта бир дарёдан ирмоқ ажралиб чиқса, ўз йўлидан кетади (илгариги дарё йўлидан эмас). У ҳам катта дарё бўлиб, ўз-ўзини бошқаради ҳамда ўз йўлидан бориб денгиз ва уммонларга қўшилади. Шу маънода Президентимиз Ислом Каримовнинг мустақиллик эълон қилинганидан сўнг “Ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлимиз бор”, дея таъкидлагани табиий ривожланиш тамойилларини теран англаб, тўғри йўл танлаганидан далолатдир.

Синергетика “эркин фикрлаш” деган тушунчани ҳам янгича таҳлил қилишни тақозо этади. Диалектиканинг “Эркинлик — англаб олинган заруриятдир” (Фридрих Энгельс таъбири) деган қоидаси бугунги кунда эркинлик моҳиятини тўлиқ ифодалай олмайди. У инсон қонуният, заруриятнигина англайди ва фақат шу асосда фикр юритади, деган бирёқлама хулосага сабаб бўлади. Унинг тўғри жиҳати ҳам бор, албатта. Чунончи, инсоннинг фикрлаши тартибсиз эмас. У ҳамма вақт ҳам хоҳлаган ишини қила олмайди. Бироқ, эркинлик маълум қоида ва андозалардан халос бўлиш эркинлигини ҳам қамраб олади, акс ҳолда инсон ижодий фикрлашдан маҳрум бўлади. Эркинлик маъносининг янгича талқини шундан иборатки, бир ҳодиса тўғрисида бири-бирига мутлақо ўхшамайдиган турли-туман фикр билдириш мумкин ва уларнинг ҳаммаси ҳам ўша ҳодиса ривожига муайян таъсир этиши шуб-

ҳасиз. Демак, турлича фикр тараққиётнинг турли жиҳатларини ифодалайди. Шунга кўра, уларни тараққиётнинг турли фикрий бичими деб билмоқ керак.

Мамлакатимиздаги турли сиёсий партиялар фаолияти ҳақида гап кетганда ҳам худди шу жиҳатни унутмаслик лозим. Дарҳақиқат, партияларнинг дастур ва низоми бир-бириникидан фарқ қилади. Лекин уларнинг сиёсий мақсади ва йўли Ватанимиз истиқлолига зид бўлмай, ягона тараққиёт жараёнининг турли фикрий муқобилларини ифода этади. Бинобарин, фикр эркинлигини фикрлар қарама-қаршилиги деб тушунишни бир томонлама, янгича фикрлаш услубига мос келмайдиган қараш деб ҳисоблаймиз. Фикр эркинлигини тараққиётнинг турли муқобиллари ўртасидаги ҳамкорлик деб билмоқ керак. Республикаимизда юритилаётган ўзаро ҳамкорлик сиёсати янгича фикрлаш услуби қонуниятларига тўлиқ мос эканини таъкидлаш лозим. Зеро, тараққиётнинг манбаи — ички зиддиятлардир деган назария ҳамма вақт ижобий самара беравермайди.

Исталган янги тузилманинг унсурлари, қайси даражада бўлмасин, ўзаро ҳамкорлик қилсагина мукаммаллашади. Тўғри, диалектикада ҳам ўзаро боғлиқлик деган тамойил бор. Бироқ у тараққиёт манбаи эмас. Тараққиётнинг сабаби, диалектика қонуниятларига кўра, зиддиятлар ва улар ўртасидаги курашдир.

Ватанимизнинг тараққиёт йўли бузиш, йўқ этиш ва тажовуз қилишга асосланган эмас. Ундай йўллар умрини ўтаб бўлган. Зеро, тараққиётга элтувчи йўл — яратувчилик, ижодкорлик йўли, турли хил фикрлаш ва эркинликка асос бўладиган инсонийлик йўлидир. Инсоний яратувчилик ва ижодкорликда, турлича фикрлаш ва ҳамкорликда одамнинг қадр-қиммати, унинг асл моҳияти намоён бўлади. Демократия жамиятининг негизиде ҳам инсонга хос ана шундай муносабат яшириндир.

## «МУРОСА ФАЛСАФАСИ»ГА

### МУРОСАСИЗ СЎНГСЎЗ

Олам — чексиз зарралар уйғунлигидан иборат. Дунёнинг асоси — мувозанат. Тараққийёт ва юксалиш негизи — муроса.

Профессор Иномжон Раҳимовнинг мақоласини ўқиб, донишманд боболаримиз мудом тилда ва дилда тутган шу ҳикматлар хайлга келди. Умуман, бугун Ғарб олимлари “Синергетика” деб атаётган таълимотнинг қаймоғи Шарқ, хусусан, мусулмон алломаларининг фикр меросидан олинмаганмикан? Эътибор беринг, исломий манбаларнинг бирортасида табиат ва жамият ҳодисотлари ўртасидаги зиддият ёхуд қарама-қаршилиқ хусусида гап йўқ. Аксинча, заррадан то коинот қадар — бор мавжудот ажиб бир уйғунлиқда яшаши таъкидланади. Негаки, олам — ягона Оллоҳ ижоди. Ундаги ҳар бир жисм ўз яратувчисига тасбеҳ ва саловат ўқиб туради. Инсоннинг ибодат йўлига кириши — бандалик ихтиёр этиши ана шу уйғунликка қўшилиш, мослашиш аломатидир. Зеро, бандалик — буюк муроса. Муроса эса — эътироф йўли.

Диалектика эътирофдан кўра эътирозга кўп ён босади. У ҳар не мавжудот замирида қарама-қаршилиқ пинҳон дея таълим беради. Бинобарин, неки мавжуд эса уни рад этмоқ ёки бўйсундирмоқ имкони ҳам мавжуд деб билади. Унинг қонуниятларига кўра, дунёни ёнгиш, ҳақиқат — асов отни жиловлаш мумкин. Аммо амалда тамомила акси: ҳақиқат инсонга эмас, инсон ҳақиқатга бўйсуниб яшайди.

Қарама-қаршилиқ — тараққийёт асоси деган гап ҳам, бизнингча, унча тўғри эмас. Акс ҳолда беш-олти йилдан буён сиёсий қарама-қаршилиқлар ичида тўлганайтган Россия Федерацияси тараққийёт бобида барчани доғда қолдириб кетмоғи лозим эди. Афсуски, бундай ҳолат юз бергани йўқ. Жамиятда нисбий мувозанат, нисбий уйғунлик бўлмас экан, бунга эришиш ҳам даргумон. Зеро, Иномжон Раҳимов таъкидлаганидек, “фикр эркинлигини фикрлар қарама-қаршилиги деб тушуниш” бирёқламалик бўлгани каби, уйғун ва ягона олам қарама-қаршилиқ асосидагина тараққий этади, дейиш ҳам пухта уйланмаган гапдир.

Эътироф этиш лозим, қарама-қаршилиқлар кураши исломий таълимотда ҳам мавжуд. Аммо у соф руҳий жараён бўлиб, иймон ва нафс ўртасидаги кураш тарзида кечади. Таъбир жоиз бўлса, у — иймон диалектикасидир.

Диалектика — мантиқ илми. Аммо шўролар замонида ҳалолдан ҳаромни, поқдан нопокни фарқлай олмайдиган “файласуф”лар диалектикадан “сабоқ” бериб келдилар.

У замонда фақат Ғарб илмий амалиётда синалган нарсаларгина жозиба касб этди. Моддий эҳтиёж соҳасида бўлгани каби, илм ва тафаккур борасида ҳам “импорт” ҳодисаси — “товар”нинг четдан келтирилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳолбуки, ўз миллий тафаккур тарихимизда ҳам ўрганишга лойиқ жиҳатлар кўп экан. Буни Ғарбда янгича тафаккур услуги деб таърифланган ижтимоий ҳодиса — муроса, кенглик каби хусусиятлар бизда азалдан муомала-муносабат мезони ва оддий ҳаёт тарзи сифатида қадрланиб келганидан ҳам билсак бўлади.

Мақолада қайд этилган босқичма-босқичлик, муроса, ажралиб чиқиш тамойиллари, адашмасак, тасаввуфдаги тариқат мақомларида ҳам акс этган. Яъни унда бир мақомга тўлиқ етишмай туриб, кейингисига ўтиб бўлмайди. Дейлик, шариятнинг эгалламаган солиқ тариқатга киролмайди.

Алқисса, дунё фалсафа илмидаги янгилıklarдан мудом бохабар бўлиб турсак, ўз маънавий ва тафаккур меросимизга янада яқинлашаверар эканмиз. Бунинг эса фойдаси беқиёс.

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Малик ОРИПОВ

# ФАЛСАФА - ИНСОННИ БИЛИШ ИЛМИ



**Ф**алсафа — инсоний ҳодиса. У жамият ҳаёти, инсоннинг ақлий ва маънавий камолотининг табиий маҳсули сифатида юзага келди. Бугунги кунда у фан сифатида ўқитилиши зарурлиги, табиийки, ҳеч кимда эътироз уйғотмайди. Аммо мустақилликдан сўнг фалсафанинг тутган ўрни ва аҳамияти батамом ўзгарди. Зеро, мустақил давлат ўз тараққиёт йўлини, истиқболни белгилаб берувчи фалсафий тафаккур ва стратегик ғояга эга бўлади. Бинобарин, янги йўналишдаги фалсафанинг мазмуни, мақсади ва вазифалари демократик жамият қуриш эҳтиёж ва талаблари ҳамда давлатнинг миллий манфаатлари билан ўзвий боғлиқдир.

Маълумки, фалсафа — оламни идрок этувчи, уни муайян ғоялар ва қарашлар асосида ифодаловчи дунёқараш тизими; у — шахснинг, миллатнинг ўз-ўзини англаш жараёни, ўтмиш билан бугунни боғловчи маънавий восита; умуминсоний ва миллий қадриятларнинг кишилар онгидаги ифодаси; инсоният тафаккур тараққиётининг маънавий маҳсули.

Демак, фалсафанинг вазифаси оламни инқилобий йўл билан ўзгар-

тириш эмас (ўн йиллар давомида шундай деб келинди), табиат ва жамият тараққиётининг қонунларини билиш ҳам эмас (бу аниқ фанларнинг вазифаси; фалсафа қонунларни шарҳлайди, лекин уларни кашф этмайди), балки тафаккур маданиятини шакллантириш, инсоннинг ўзлигини таниши ва англашига хизмат қилишдан иборатдир.

Шарқ мутафаккирлари фалсафани тиббиёт илмига қиёс этиб, уни маънавий тиббиёт, яъни инсон руҳи ва жамиятнинг маънавий соғломлигини таъминловчи, уларни иллатлардан халос қилувчи илм, деб таърифлаганлар. Зеро, инсон танини бошқарувчи ички қувват — руҳдан иборат. Шунга кўра, киши хатти-ҳаракатининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳам руҳнинг соғлом ёки хасталигига боғлиқдир. Инсондаги яхши хулқ-атвор, олижаноблик, маънавий баркамоллик руҳнинг соғломлигидан дарак берса, ярамас иллатлар унинг хасталиги ифодасидир. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий бундай деб ёзган эди: “Соғлиқ ва хасталик ҳар қандай одамнинг танига ҳам, руҳига ҳам хосдир. Руҳнинг соғломлиги унинг умумий ҳолати билан



ички аъзолари ўртасидаги ўзаро уй-гунликда ифодаланади. Рухдаги уй-гунлик инсонни доим яхши хатти-ҳаракатларга, хайр-саховатга даъват этади, гўзал хулқлар соҳиби қилиб етиштиради. Инсон руҳининг хасталиги шундан иборатки, унинг умумий ҳолати билан ботиний моҳияти ўртасидаги мувозанат бузилади. Оқибатда салбий хатти-ҳаракатлар, иллатлар содир бўлади". Улуғ алломанинг фикрича, фалсафанинг вазифаси руҳ ва вужудни уйғун ривожлантиришдан иборат.

Бугун жамиятимиз ривожланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. У инсон тафаккури ва ижодий ташаббускорлигини жиловлаб турган ижтимоий зулм ва хурофотлардан, ақидабозликдан халос бўлишни, асл инсоний қадриятларни тиклашни тақозо этмоқда.

Модомики, бугунги тараққиёт кишилар дунёқарашини тубдан ўзгартиришни, ижтимоий ҳодисаларни теган идрок этишни тақозо қилар экан, шу чоққа қадар фойдаланилган дарслик, қўлланмалар давр талабларига жавоб бера олмаслиги табиий.

Зеро, Президент Ислом Каримовнинг "Жуда кўп дарсликларимиз шароитга "мослаштирилиб", чалакам-чатти шарҳлар билан нашр қилинмоқда. Улар мазмунан эскирган, илмий-бадий савияси саёз" деган гаплари бежиз эмас.

Дарҳақиқат, охириги уч-тўрт йил давомида фалсафадан бир неча дарслик ва қўлланмалар чоп этилган бўлса-да, бироқ улар тагин эски андоза ва ёндашувларга асосланган. Уларнинг марксча-ленинча фалсафа билан ўхшашлиги яққол кўзга ташланади; таркибий қисмлари, мавзуларнинг баёни ва ўзаро боғланиши олдинги дарсликлардан деярли фарқланмайди. Услубий йўналиши эса табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонуниятларига, яъни материалстик диалектикага асосланган. Ҳодисаларга синфий ёндашув бартараф этилган бир даврда марксизм-ленинизм классиклари асарларидан

олинган фикр-мулоҳазалар, далил-исботлар қисқартирилган ҳолда эски мафкуравий андоза, умумий, мавҳум фикрлар, хусусан, диалектик қонун ва категориялар, ҳаракат ва унинг турлари, материализм ва унинг турлари, материализм ва идеализм, улар ўртасидаги кураш каби масалалар негизида аввалги дарсликлардагидек баён этилиши одамни таажжублантиради. Бу масалаларга фалсафа тарихи нуқтаи назаридан ёндашув, уларни муайян фалсафий тизим ва таълимотлар асосида ёритиш, кўпфирлик, турли илмий мактаб ва оқимлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар кўзга ташланмайди. Тарихий шахсларга баҳо беришда ҳам "материалист-идеалист", "агностик", "реакцион-прогрессив" деган мафкуравий ёрликлардан нарига ўтилмаган.

Яхши маълумки, ҳар бир фалсафий тизим ва таълимот асосчиси диалектика ва унинг қонунларидан фойдаланиб, фалсафадаги онтологик (борлиқ ва онг), гносеологик (билиш назарияси), аксеологик (қадриятлар) каби масалаларнинг ўзига хос ечимини топишга уринган. Шу туфайли ижтимоий фикр тараққиётида оламни фалсафий идрок этиш ва англаш, инсон ва унинг фаолияти, ҳаёт ва унинг маъноси каби азалий муаммолар билан боғлиқ фалсафий қарашлар, ғоялар, мактаблар ва тизимлар вужудга келган. Фалсафа фанини ўқитишнинг асосий мақсади, аввало, тафаккур тараққиётининг муҳим босқичлари ва йирик намояндалари билан таништиришдан, фалсафий таълимотлардаги ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, диний ғоялар моҳиятини очиб беришдан иборат бўлмоғи лозим.

Амалдаги дарсликлар умуман бекфойда ва кераксиз демоқчи эмасмиз. Ҳарҳолда, уларда фалсафа ҳақида умумий маълумот берилган, асосий фалсафий тушунчалар, иборалар ҳамда таърифлар изоҳланган. Аммо буларни фалсафий луғат ва қомуслардан ҳам ўқиб олиш мумкин-ку! Ушбу дарслик ва қўлланмаларда турли фалсафий нуқтаи назарлар ва дунё-

қараш тамойиллари, муаммоларга турли хил ёндашувлар кенг ўрин олмаган, уларда материалистик дунёқараш устиворлиги яққол кўзга ташланади. Бу эса фалсафанинг ижодий ва эвристик (билиш) имкониятларини чеклагани ҳолда унинг турли фикр, ғоя ва ёндашувлар воситасида ривожланиш жараёнини тушунтиришга ҳалал беради.

Шубҳасиз, ҳар қандай фалсафий таълимот даврнинг маҳсули сифатида замонанинг талаб ва эҳтиёжларини ўзида акс эттиради, унга хизмат қиладди. Бинобарин, марксизм-ленинизм ҳам фалсафа тарихида ўз ўрнига эга бўлса, ажаб эмас. Лекин биз идеаллаштирилган, давлат мафқурасига айлантирилган марксизмдан воз кечмоғимиз лозим. Социализмнинг собиқ СССРдаги инқирози айни вақтда унинг илмий-назарий асоси бўлмиш марксизм-ленинизмнинг ҳам инқирозидир. Ягона “илмий дунёқараш”, “башариятнинг йўлчи юлдузи”, “бутун жаҳон меҳнаткашларини ижтимоий зулмдан озод этишнинг бирдан-бир йўли” каби пуч даъволар, бирёқлама ёндашишлар бу таълимотнинг XX аср воқелигидан батамом ажралиб қолишига сабаб бўлди.

Шунга қарамасдан, фалсафий адабиётимизда ҳаёт синовларига дош беролмаган, ўз илмий-ғоявий аҳамиятини йўқотган бу таълимотни қайтадан жонлантиришга беихтиёр уринишлар сезилмоқда.

Атоқли файласуф Жондор Туленовнинг “Ҳаёт фалсафаси” китобида таъкидланганидек, марксизм-ленинизмнинг рационал мағзи — материалистик диалектикадан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлар кишини таажжублантиради. “Буни амалга ошириш учун, — деб ёзади муҳтарам домламиз, — биз ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Энг аввало, ўтмишда ва ҳозирги пайтда хорижий мамлакатларда чоп этилган диалектика масалаларига оид асарларни атрофлича ўрганиб, уларда

мавжуд бўлган ижобий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, диалектика назариясини ҳозирги давр талабига жавоб берадиган даражада билишимиз лозим. Шунинг учун диалектикани мафқуралашган сиёсатдан ҳалос этиб, уни мустақил фан сифатида тиклашимиз ва яна ривожлантиришимиз керак”<sup>1</sup>.

Муаллифнинг мулоҳазаларига кўра, мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини белгилловчи фалсафа турли камчиликлари бартараф этилган марксизм-ленинизмга, унинг диалектик таълимотига асосланмоғи керак экан! Бу — ажойиб таклиф. Бироқ, бу “хайрли” ишни ким амалга оширади, деган савол тугилади. Биринчидан, марксизм синфийлик ва партиявийликка асосланган таълимот, бинобарин, бу тамойилларсиз у — пати юлинган товук. Иккинчидан, қудратли шўро даврида юзлаб илмий тадқиқот институтларида, олий ўқув юртларида диалектик ва тарихий материализм зўр бериб ўқитилган, бу мавзуда минглаб илмий тадқиқотлар ёқланган, сонсаноксиз китоблар чоп этилган, жумладан, ҳурматли домланинг ўнлаб асарлари ҳам шу мавзуга бағишланган эди. Шунча саъй-ҳаракатдан сўнг ўнганмаган эски ароба қургур энди ўнганармиди! Мавлоно Муқимий ҳазратлари айтганидек, “Босганда юролмаган гаддор ароба қурсин”.

Маълумки, марксча-ленинча фалсафа диалектикани соҳрли бир илм, олам сирларининг калити, дунёни инқилобий ўзгартиришнинг беқиёс воситаси деб билар эди. Аслида, барча файласуфлар уни мантиқ илми сифатида тан олган ва унинг қонунларидан фойдаланган. Чунончи, мусулмон дунёсида диалектика “илмул баҳсия” деб номланган. У дунёвий илмларнинг мантиқий асоси ҳисобланган.

Диалектиканинг қонун-қоидаларини яхлит бир тизимга келтирган ва ҳар томонлама шарҳлаб берган зот Маркс эмас, Гегелдир. Унинг икки жилддан

<sup>1</sup> Жондор Туленов. “Ҳаёт фалсафаси” китоби, 58-бет. Тошкент, 1993 йил.

иборат “Логика” асарида диалектика инсон тафаккури ривожининг қонуниятларини белгилаб берувчи мантиқ илми сифатида тадқиқ этилади. Гегель диалектикани дунёни ўзгартириш воситаси эмас, балки мантиқ илми, фикр, тафаккур тараққиётининг ифодаси деб билади. Маркс эса тафаккур ривожланишига хос жараённи жамият ҳодисаларига татбиқ этиб, моддиюнча диалектика тушунчасини жорий этди; унинг фикрича, Гегелнинг идеаллик диалектикаси боши билан турар, уни тик оёққа қўйиб, рационал фойдаланиш керак эди... Бизнингча, диалектикани турли хурофотлардан халос этиб, унга мантиқ илми сифатида тарихан ёндашилса, ҳақиқатга мувофиқ бўлади.

Ўтмиш мутафаккирларининг инсон камолоти тараққиётининг туб асоси экани ҳақидаги ғоялари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамиятимизда рўй бераётган маънавий покланиш, ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш даврида эски сафсатабозлик ва ақидапарастликка асосланган диалектик моддиюнчилик нуқтаи назаридан ҳодисаларга, дунёга баҳо бериш инсофдан бўлармикан? Фалсафа, айрим муаллифлар таъкидлагандек, фақат диалектик материализмдан иборат эмас-ку? Ўйлашимизча, фалсафа фани олдида турган муҳим вазифалардан бири — қотиб қолган аъёна ва ақидаларни жонлантиришга қаратилган уринишларнинг пайини қирқиш, тафаккурни хурофотдан халос этиш, янги дунёқарашни шакллантиришдир.

Фалсафа мавжудот олами билан инсон ўртасидаги муносабат, объект ва субъект, инсон ва жамият каби муаммоларни ҳам ўрганади. Марксча-ленинча фалсафада руҳнинг материяга, онгнинг борлиққа муносабати — фалсафанинг бош масаласи деб қаралган. Бундан муайян мақсад кўзланган, токи марксона инқилобий назариянинг фалсафий асоси бўлмиш материячилик тушунчасини асослаш мумкин бўлсин.

Аслида эса, руҳнинг материяга,

онгнинг борлиққа муносабати оламга ёндашув услубларидан бири эканидан бутун фан тарихи далолат бериб турибди. Инсоният тарихида муҳим ўрин тугган, дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган Афлотун, Арасту, Ибн Сино, Ибн Рушд, Абу Ҳомид Газзолий, Декарт, Кант, Гегель каби файласуфлар; Ньютон, Эйнштейн, Бор сингари табиатшунослар оламни идеаллик асосида идрок этганлар, яъни инсон тафаккури, ақлнинг яратувчилик вазифасини бирламчи деб тан олганлар.

Антик фалсафада ҳам, ўрта аср мусулмон тафаккурида ҳам, XX асрдаги Гарбу Шарқ таълимотларида ҳам асосий муаммо — инсон эди. Инсон қандай мавжудот, яшашдан мақсади не, унинг ҳаёти қандай қонуниятларга асосланади, фозил жамоа қандай вужудга келади каби масалалар файласуфларни мудом жалб этиб келган. Милет мактабининг сўнги вакиллари билан бири Протогор инсонни ҳамма нарсага улчаш мезони деб билди. У — оламдаги барча нарсаларнинг борлигию йўқлигини белгиловчидир. Сукротти ҳақим замонидан сўнг фалсафа инсон, унинг камолоти, касб-кори, бахт-саодати каби муаммоларга эътиборни қаратди. “Фалсафанинг мақсади, — дейди Сукрот, — ҳамма нарсадан шубҳалана билишнинг (скепсис) манбаи ўлароқ, ўзликни англашдан иборатдир”.

Фалсафа — атроф-муҳитни идрок этишнинг ўзига хос шакли, айни вақтда, тафаккур соҳибининг борлиқни турли шаклда ифодалаган дунёқараш ҳамдир. Одам Отамиз дунё юзини кўрганидан то бугунги кунгача ҳар бир тарихий давр муайян фалсафий таълимот, тизимни вужудга келтирди.

Эҳтимол, мустақил мамлакатимизда янги фалсафий таълимот яратиш керакдир? Шахсан мен бу саволга “йўқ” деб жавоб берардим. Чунки истиқлол фалсафани тўғри ўзанга йўналтириш имконини яратиб берди. Фалсафий таълим жамиятимиз ривожининг зарурий эҳтиёжидан келиб чиққан экан, у истиқлол ва истиқ-

болимиз талабларини қондириши даркор. Зотан, мустақиллик шароитида миллат, ватан, давлат, оила, табиат тақдири объект сифатида намоён бўлса, инсон, унинг азалий фазилатлари, миллатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, тинчлик, озодлик, тенглик, ижтимоий адолат учун кураш каби эзгу интилишлар ва идеаллар субъект сифатида, яъни шахс хатти-ҳаракатининг мотивлари, ички сабаблари сифатида юзага чиқади.

Демак, мустақиллик фалсафаси ижтимоий субъектларнинг, шахснинг маънавий-руҳий хислатларини, интилишларини қамраб олган эътиқод, иймон, меҳр-оқибат, инсоф, виждон, ватанга, миллатга садоқат, бурч ва маъсулият, ижтимоий адолат каби тамойилларга таяниши ва муҳими, уларни ҳаётга татбиқ этиш воситаларини яратиши лозим.

Янги фалсафа дарслик ва қўлланмаларида мавҳум ва мужмал тушунчалардан воз кечиб, ўрнига инсон, инсон тақдири, унинг бахт-саодати, комил инсон, миллат, миллатпарварлик, ватан, ватанпарварлик, миллий истиқлол, миллий давлат, ижтимоий тараққиёт сингари тушунчалар кири-

тилмоғи даркор. Мана шу тушунчалар ва ибораларни кенг ёритиш, уларни теран шарҳлаш кўзда тутилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Миллий тафаккурга хос хусусиятлар, бой маънавий меросимиз, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳам дарсликларда салмоқли ўрин эгаллаши даркор.

Баъзилар, фалсафа фанидаги “қонуният”, “зарурият”, “сабабият”, “оқибат”, “моҳият”, “мазмун ва шакл”, “билиш”, “хиссий ва мантиқий билиш” каби истилоҳларни марксча-ленинча фалсафадан қолган мерос, дёб қаттиқ янглишадилар. Фалсафа пайдо бўлибдики, бу масалалар илмий истёъмолда бўлиб келган. Бинобарин, бу пойдевор, услубий тушунча миллий истиқлол тафаккурининг шаклланишида ҳам муносиб ўрин эгалламоғи керак.

Мустақил Ўзбекистонда фалсафани ўқитишнинг яна бир жиҳати — турли фалсафий қарашларни кенг ёритиб боришдан, ўтмиш аждодларимиз меросини ўрганиб, миллий давлатчилигимиз ривож учун асос соладиган янгича тафаккурни яратишдан, ёшларда истиқлол дунёқарашини шакллантиришдан иборат.

*Одам қарон ва қасрни доимий танқил қилишини аниқ изрок этса, руҳининг кайфияти ҳам танқил бўлади. Руҳ кайфияти аниқланган, ҳар қандай руҳий безовталик тўхтайдۇ. Руҳий безовталик тўхтамаган, қалб батманом осойиш топади, хотиржам руҳий ҳолати эгаси эса тафаккурини фаоллаштиришига мойил ва қовил бўлади. Бундай одам ҳар қандай ҳақиқатни бетанол ҳазм қила олади.*

*Конфуций*


*Срасоҳат ва одоб билан гапирадиган одам донини танқил этмас, балки саврлидур. Ҳасад ва ҳадикдан холи бўлган одамгина ҳақиқий донини танқилдур.*

*Будда ҳикмати*



Келажакка элтувчи улов  
«ЎзДЭУавто» корхонасида тайёрланган илк ўзбек автомобили

# ИНТИЛИШ БОР ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ БОР



**Жанубий  
Корея  
Республикаси  
элчиси  
билан  
суҳбат**

Кореяни "Субҳидам бокиралиги ўлкаси" дейдилар. Худо мислсиз гўзаллик ато этган бу юртга инсон қадами илк бор қачон етгани маълум эмас. Бироқ тарих китобларида эрамиздан аввалги 2333 йилда афсонавий Тан Ун корейсларнинг илк давлатини ташкил этгани ҳақида ёзилган. Эрамиздан бурунги 18-йилдан то бизнинг асримизга қадар Корея ярим оролида Когу-ре, Пэкчэ, Силла, Пархэ, Корё, Чосон каби давралар ҳукм сурган.

1910 йилда Чосон давлати Япония мустамлакасига айланди. Корейс халқи Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясидагина озод бўлди. Ҳали эрк таъмидан тўйиб улгурмаган жабрдийда халқ "совуқ уруш" давридаги ғоявий қарама-қаршилиқ оқибатида иккига бўлинди. Шу боис, 1948 йилда ярим оролнинг шимолида Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил топди. Оролнинг жанубий қисми эса Жанубий Корея ёхуд Корея Республикаси деб атала бошлади. 1950-53 йиллар мобайнида Шимол билан Жануб ўртасида биродарқушлиқ уруши давом этди.

Уруш келтирган вайронгарликларга қарамай, Корея Республикаси асримиз сўнгида Осиёдаги энг ривожланган давлатлардан бирига айланиб, иқтисодиёт борасида амалга оширилган муъжизавий ислоҳот самараси ўлароқ "Осиё йулбарси" деган таърифга сазовор бўлди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Жанубий Корея билан қалин ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Умуман, халқимизнинг бу мамлакатга қизиқиши катта. Шунини эътиборга олиб, биз Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Со Кон И билан суҳбатлашишга қарор қилдик.

Авалло, суҳбатдошимизни таништирадик. Жаноб Со Кон И 1940 йилда туғилган. Ихтисоси файласуфлик. У қарийб қирқ йилдан буён дунёнинг Тайван, Қувайт, АҚШ, Бангладеш, Хитой каби мамлакатларида дипломат бўлиб ишлаб келади. Ғоят хушчақчақ, эҳтимол шундандир, анча навқирон кўринади. Силали, икки қизи, бир ўғли бор.



— Элчи жаноблари, маълумки, иқтисодий юксалиш учун илм-фан ютуқларидан фойдалана билиш гоят муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, Япония тажрибасидан биламизки, юксак тараққиётга эришишда халқнинг ўзига хослиги, анъаналари, маданияти ҳам катта урин тутади. Шу маънода “Корея мўъжизаси” асосида қандай омиллар ётади?

— Дарҳақиқат, миллатнинг тараққиётга эришишида халқнинг ўзига хослиги, аجدодларнинг бой маданий мероси ва анъаналарига таяниш, шубҳасиз, муваффақият келтиради. Жаҳон аҳли бир қанча мамлакатлар мисолида бунга амин бўлган.

Кореяни оладиган бўлсак, мамлакатимиз тикланиш арафасида биродаркушлик уруши туфайли ҳаммаёқ вайронага айланган, иқтисодий бутунлай издан чиққан эди. Бу даврда миллат олдида қашшоқлик ва қолоқлик ботқоғида қолиб кетиш ёхуд тинимсиз меҳнат эвазига ўзига муносиб турмуш шароити яратиш йўли турарди.

Шуниси қувончлики, халқимизда янги ҳаёт қуришга иштиёқ, вазиятни теран англаш, уни ўзгартишга қатъий иро-

да топилди. Бу — иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили бўлди, деса м янглишмайман. Албатта, уша даврда мамлакатга узоқни кура биладиган раҳбар президентлик қилгани ҳам муҳим урин тутди. Халқ ўзи ишонч билдирган етакчи ортидан бориб хато қилмагани тез орада аён бўлди.

Кореяс миллатининг ўзига хослиги ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввалло, барча осиеликларга хос ҳурмат, ҳалоллик туйғуси уларда ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим. Биз бирор жойда фирма, қўшма корхона ёхуд ваколатхона очишни ният қилдикми, ишни аввало ўзимиз ҳурматга муносиб бўлишдан, атрофдагилар билан самимий инсоний муносабатлар урнатишдан бошлаймиз. Биз ҳалоллик, барқарорлик, алдовдан ҳазар қилиш, ўзаро манфаатдорлик бор жойдагина иш унгидан келади деб қатъий ишонамиз. Шунингдек, бир ишнинг бошини қаттиқ тутиш, ундан натижа чиқармагунча тинчимаслик ҳам корейс халқига хос хусусиятлардандир. Шу уринда корейс ва ўзбек халқи маданияти, анъаналарида жуда қуп уйғун жиҳатлар борлигини таъкидлашни истардим. Хусусан, меҳнатсеварлик, самимийлик, меҳмондўстлик халқларимизни умумлаштирувчи хислатлар сирасига киради.

— Маълумотларда социалистик мамлакатларда тулиқ саводхонлик таъминлангани, капиталистик давлатларда эса ялпи саводхонликка эришилмагани қайд этилади. Шунга қарамай, айнан капиталистик мамлакатлар ута замонавий илмий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиб, юксак иқтисодий ривожланишга эришди. Сиз бу ҳолни қандай изоҳлайсиз?

— Албатта, ривожланишда саводсизликни тугатиш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ўқиш ва ёзишни билиш — иқтисодий тараққиёт таъминланди, дегани эмас. Боя айтганимдек, ўзгалардан ёмон яшамасликка, ҳаётни ўз-

гартиришга ингилиш, тиришқоқлик ҳисси бутун жамиятнинг орзуси бўлгандагина тараққиёт ҳақида гапириш мумкин.

Жамият уз аъзоларини яратувчиликка, ҳаётга янгиллик киритишга рағбатлантира бориши, уларнинг ижодкорлик хусусияти тулиқ намоён бўлишига имкон яратиши керак. Қаердаки бу борада муаммо кам бўлса, ўша ерда ривожланиш бўлади.

“Капиталистик мамлакатларда ҳамма манфаат учун ишлайди”, дейдилар. Мен халқимизда шундай юксак маданият шаклланганки, у моддий манфаатдорлик инсон ҳаётининг ягона мақсади ва мазмуни бўлиб қолишдан сақлайди, десам хато қилмайман. Маънавияти бой халққина обрў-этибор топади, тараққиётга эришади. Маънавий илдиэларнинг чуқурлиги ривожланишда юксалиш барқарорлигини таъмин этувчи омиллардан ҳисобланади.

— Ҳар бир халқнинг ифтихорига айланган шахслар бўлади. Корейс халқининг тараққиёт тарихида учмас из қолдирган буюк фарзандлари ҳақида сўзласангиз...

— Халқимиз беш минг йиллик қадим ва бой тарихга эга. Бу йиллар мобайнида халқ орасидан беназир ақли, заковати билан фан, маданият ва бошқа соҳаларда улкан кашфиётлар қилган инсонлар етишиб чиққан. Чунончи, Кореяда Олмониядагидан 200 йил аввал ёғочдан ясалган матбаа ускунаси кашф этилган. Кореялик Ли Сун Синг замонавий сув ости кемасининг илк ибтидоий намунасини яратган. Айни пайтда Кем Жу шаҳрида қадимий силла даврида бунёд этилган обсерватория сақланиб қолганки, у Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонасини эслатади. Бундан ташқари, биз буюк император Се Жангни замонавий корейс имлосининг ижодкори деб биламиз. Минг йилдан зиёд вақтдан бери улуг меъмор Ким Те Синг бунёд қилган буддавийлар ибодатхонаси бетакрор гўзаллиги билан кишиларни

ҳайратга солиб келади. Санъат намуналари ҳақида гап кетганда, ўтмишда императорлар бошга кийган тож ҳозиргача сақланиб қолганини, у гўзаллиги, бежирим ишлангани билан мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлганини эслаш жоиз.

Замондошларимиз орасида ҳам жаҳонга таниқли маданият ва санъат намояндалари кўп эканини-да таъкидлаш зарур.

— 1988 йили Сеулда ўтган ёзги Олимпия ўйинлари Корея Республикасининг жаҳондаги обрў-этибори юксалишида муҳим урин тутганидан воқиғимиз. Айтинг-чи, Кореяда спортга қандай аҳамият берилади? Комил инсонни тарбиялашда, сизнингча, спорт нечоғлиқ ўрин тутади?

— Спорт — инсонлар, мамлакатлар ўртасидаги мулоқот ва муносабатларнинг бир воситасидир. Ўйингоҳлар жаҳон халқлари вакиллари ягона оила фарзандларидек бир жойга йигилиб, вақтини хуш ўтказадиган маскан ҳисобланади. Шу боис, бизда спортнинг ривожланишига жуда катта аҳамият берилади. 1988 йилда ўтган ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик бу борада муҳим давр бўлган эди.

Ёзги Олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқига сазовор бўлиш учун Япония билан рақобатлашишга тўғри келганини эсласангиз керак. Ушанда Халқаро олимпия кўмитаси Баден-Бадендаги йигинида бу рақобатда Корея пойтахти Сеул голиб чиққанини эълон қилгани биз учун юксак шараф, масъулият ва ифтихор бўлган эди.

Сеулда ўтган Олимпия ўйинларининг ўзига хос томони шундаки, унда олимпиадага йулланмани кўлга киритган жаҳон мамлакатлари спортчиларининг барчаси иштирок этган эди. Ёдингизда бўлса, 1980 йилда Москва олимпиадасида Америка Қўшма Штатлари, 1984 йил АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ўтган ёзги Олимпия ўйинларида эса СССР спортчилари иштирок этмаган.



Олимпия ҳаракатининг яшовчанлигини, инсон ақл-заковати барибир голиб келишини намойиш этган Сеул олимпиадаси бетакрор спорт байрами бўлган эди. Утган йили Ўзбекистон футболчилари Японияда утган Осие уйинларида илк бор қатнашганига қарамай, катта муваффақият қозонди. Ярим финалда Корея терма командасини мағлубиятга учратганида биз ўзбек футболчиларига тасанно айтдик. Ҳатто уларга ҳавасимиз ҳам келган эди. Ўзбекистонлик спортчилар эришган галаба мамлакатингизда спорт тўғри йўлдан ривожланаётганини кўрсатди.

Шубҳасиз, спорт инсоннинг жисмоний ва маънавий камолотида, соғлом авлодни тарбиялашда бетакрор урин тутади. Шахсан ўзим спортни жуда севаман. Гольф — мен энг ёқтирган спорт туридир. Аммо, афсуски, ҳали Тошкентда гольф уйнайдиган жой йўқ. Шу боис, ишдан бўш вақтимда машинада шаҳар ташқарисига чиқиб кетаман. Қулай майдон топиб, ўзим билан ўзим гольф уйнаб ҳордиқ чиқараман-да, шаҳарга янги куч ва яхши кайфият билан қайтаман.

Спорт нафақат маданий ҳордиқ чиқариш воситаси, у катта иқтисодий фойда келтирувчи соҳа ҳамдир. Келажакда Ўзбекистонда ажойиб спорт иншоотлари, спорт саноати барпо этилишига ишонаман. Зеро, бизда ҳам иқтисодий юксалишдан аввал бу нарсалар йўқ эди. Ростини айтишим керак, ислохотларга энди киришилган маҳалда бизнинг имкониятларимиз гоё чекланган эди. Иқтисодийёт бутунлай издан чиққан, мамлакат табиий захираларга, бой хомашё манбаларига эга эмасди. Ўзбекистон эса ислохотларга маълум иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат сифатида киришди, юртингиз табиий қазилма ва хомашёга ниҳоятда бой. Энг асосийси, меҳнаткаш, улкан салоҳият соҳиби бўлган халқингиз бор. Бу бойликлардан оқилона фойдаланилса, яқин орада Ўзбекистон юксак тараққий этган давлатлар сафи-

дан урин олиши турган гап. Фақат катта ишларга жазм этиш, меҳнат қилиш лозим. Бир сўз билан айтганда, мўъжиза яратиш ўз қўлингизда.

— Сиз дунёнинг кўплаб мамлакатларида элчи бўлиб ишлагансиз. Сайёрамизнинг гузал гушаларини кўриш, улардан завқ олиш насиб этган инсонсиз. Бироқ, журналистлар билан суҳбатларингизнинг бирида кексалик гаштини Ўзбекистонда суришга хоҳишингиз борлигини айтган эдингиз. Айтинг-чи, сизда бундай ният қандай пайдо бўлди?

— Ҳа, рост, кексаликни Ўзбекистонда утказиш истаги ҳозир ҳам сўнган эмас. Тўғри, ҳали Ўзбекистон айрим мамлакатлар каби юксак даражада ривожланмаган. Аммо бу ерда табиат гузал ва анча мусаффо. Инсонлар бадавлат бўлмаса-да, кўнгли очик, меҳмондўст, дили пок. Улар бунёдкорликка иштиёқманд экани мен учун айниқса гоё муҳим. Буюк ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлиш, керак бўлса куч, билим билан кўмаклашиш майли менда бояги истакни уйғотди.

Мен қарийб қирқ йилдан буён дипломатия хизматидаман. Кўплаб ривожланган мамлакатларда бўлдим. Биласизми, у ерларда ҳамма нарса бор, ҳамма нарса тайёр. Одамлар ҳам бойроқ. Бироқ, ёмони шуки, бутун жамият бўлиб бирор эзгу мақсадга интилиш хисси сусайган.

Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар ижодкорлари билан бирга бўлиш менинг ҳам умримни бойитади деган фикрдаман.

Шу ўринда бир нарсани айтмай иложим йўқ. Табиат ошўфтаси бўлганим боис, боя таъкидлаганимдек, мен тез-тез шаҳардан ташқарига чиқиб тураман. Ўзбекистон табиатига ҳали сунъий оҳорлар берилмагани, табиий фусун ва тароватга тўлалиги билан мени мафтун этади. Бироқ, аллакимлар томонидан ёқиб юборилган майсазорларни, тутаётган чиқинди уюмларини кўриб юрагим увишади. Бундай пайтда табиатни иф-

дослантириш, унинг мувозанатига путур етказиш осон-у, экологияни тиклаш мушкул эканидан барча воқиф бўлишини истайман.

— Ўзбек халқининг байрам тантаналарида бир неча бор азиз меҳмон сифатида иштирок этганингизнинг гувоҳи бўлганман. Корейс халқи миллий байрамларини қандай нишонлаши ҳақида сузлаб берсангиз. Сизнингча, байрамлар инсон ҳаётида қандай урин тутади?

— Ҳар бир халқда бўлгани каби бизда ҳам мамлакат миқёсида нишонланадиган байрамлар мавжуд. Эски йилни кузатиш, янги йил, мустақиллик, кузги ҳосил каби байрамлар шулар жумласидандир.

Маълумки, байрамнинг сунъийси куп яшамайди. Узоқ вақтдан буён нишонланиб келаётган байрамлар эса

чет элда ўтказишни одат қилмоқдалар. Шу тариқа айрим байрамлар асл моҳиятини йўқотяпти.

Мен яқинда Ўзбекистонда Наврўз байрами тантанасининг гувоҳи бўлдим. Ушбу ранг-баранг фестивални томоша қилар эканман, ўзбек халқи миллий аънаналари ва байрамларини кўз қорачигидек асраётганига амин бўлдим. Мени қувонтирган нарса шу бўлдики, одамлар байрамни моҳиятига кўра нишонлади. Тантана иштирокчиларининг қалбида янгилашиш иштиёқи, баҳорий орзу-умидлар тулиқ эканини сездим.

Байрам — кўнгил қувончга мойил, қалб шодликка эшикларини ланг очган кундир. Шу боис, назаримда, байрам кунлари инсон умрининг энг сермазмун паллаларидир.

— Ўзбекистон ва Корея ҳамкорли-



бой тарихга, ўзига хос мазмун-моҳиятга эга.

Кореяда байрам кунлари одамлар шаҳардан четга чиқишни ёхуд уларни

ги бугунги кунда муваффақиятли давом этмоқда. Бу алоқаларнинг истиқболли ҳақида сўзласангиз...

— Мамлакатларимиз ўртасидаги

ҳамкорлик алоқалари ривожланишида Президент Ислом Каримовнинг Кореяга, Корея давлати раҳбари Ким Ен Самнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиляпти. Бугунги кунда Асакада барпо этилган “Ўздэуавто” корхонаси, “Ўздэуэлектроникс”, “Кобул-Туйтепа-Такстайл” ва бошқа кўплаб қўшма корхоналар автомобиль, телевизор, видеомагнитофон ишлаб чиқариш, алоқа тармоқлари ишини такомиллаштиришда самарали ҳамкорлик қиляпти. Утган йили икки мамлакат ўртасида маҳсулот айирбошлаш ҳажми 350 миллион доллардан ошиб кетди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада юқори бўлиши кутилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда 200 мингдан зиёд корейс миллатига мансуб фуқаро бор. Улар собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонни бежиз ватан деб билиб, бу ерда муқим яшаб қолмаган. Улар шу заминда ҳаловат топган. Ўзбек халқи уларга меҳр-оқибат кўрсатган. Ўзбекистон ва Корея ҳамкорлиги муваффақиятининг сабабини ҳам ўзбек ва корейс халқи ўртасида шаклланган ана шу ўзаро ҳурмат, дўстлик билан изоҳлаш мумкин.

Алоқаларимиз янги ҳуқуқий асосда ривожланиш босқичига қадам қўйгач, Тошкент — Сеул оралигида “Ўзбекистон ҳаво йуллари”нинг “Ил-62” самолёти қатнай бошлаган эди. Кейинчалик, талаб ва истақдан келиб чиқиб, бу йўналишда ҳафтада бир бор “Аэробус” қатнайдиغان бўлди. Айни пайтда, борди-келдиларимиз кўпаяётгани сабабли, пойтахтлараро ҳафтада икки бор самолёт қатнашига эҳтиёж сезиляпти. Бу — яхшилик белгиси, ҳамдўстлигимиз мустаҳкамланаётгани аломатидир.

Иқтисодий алоқаларимиз барқарор

ривож топяпти. Яқин кунларда Ўзбекистонга Корея ишбилармонларидан иборат катта бир гуруҳ келди. Улар бу ерда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўмаклашувчи доимий марказ — кургазма ташкил этади. Бу маскан икки мамлакат тадбиркорлари учрашиб, мулоқот қиладиган, ўзаро шартномалар имзолайдиган жой бўлади.

Мен элчи сифатида маданий алоқаларимиз ривожини иқтисодий соҳадаги ҳамкорликдан ортда қолмаслигига интиляпман. Бу борада бир талай тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоқалар икки мамлакат халқлари орзу-интилишлари ва манфаатларига мос равишда бундан буён ҳам муттасил ривожланиб бораверади.

— Бу йил сентябрь ойида Ўзбекистон миллий мустақиллигининг беш йиллигини байрам қилади. Ана шу кутлуг сана муносабати билан халқимизга қандай тилаклар билдириш ниятидасиз?

— Боя қайд этганимдек, Ўзбекистон — улкан иқтисодий имкониятлар мамлакатидир. Халқингиз истиқлолни тинч йул билан қўлга киритди. Энди уни мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига эришиш зарур. Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқи бутун куч ва билимини ишга солиб, ўз орзу-ниятларига эришишига тилақдошман. Кутлуг байрам арафасида ўзбекистонлик дўстларимизга соғлиқ-саломатлик, бахт ва фаровонлик тилар эканман, улар доимо ўзларини Ватанининг чинакам соҳиби деб ҳис этишини истайман.

*Амирқул КАРИМ суҳбатлашди.*

**О**дамзод яралибдики, яхшини ёмондан, ҳалолни ҳаромдан, покни нопокдан ажратиш сезгиси билан тирик. Аммо шу чоққа қадар бани башар нима яхшию нима ёмон, нима ҳалолу нима ҳаром, ниманинг асли поку ниманинг жавҳари нопок — тугал бир тухтамга келолгани йўқ. Бу масалаларда бандаси кўпинча ожизлик қилиб қолади. Шундай вазиятларда дунё донишмандлари теран ҳаёлга ботади, бани Одам қавмининг бағрини бир армон тимдалайди: қани, комил бир зот дунёга келсаю бу ма-салаларнинг аниқ бир ечимини топиб берса!

Албатта, бугунги маърифатли дунё бу ибтидоий масалалар талқинида умумий нуқтаи назарга эга эмас, дейиш нодонлик бўлурди. Бугун кексадан то ёш — барчага кундек равшанки, инсоннинг яратувчилик фаолиятига нафи тегадиган нарса — яхши, адолатга мос нарса — ҳалол, зоҳири ва ботини мукаммалу гузал нарса — пок... Бинобарин, одамзод ўзини анча таниб ол-гандек, инсониятга хос умумий мафкура ҳам бордек. Аммо, маълумки, дунё деган бу кўҳна гумбаз остида турфа хил эл-элат, миллат ва халқлар ҳаёт кечиради. Таъкидлаш жоизки, ҳар бирининг ўзига яраша дунёқараш ва мафкураси бор. Ҳатто оддий одам ҳам ўз мафкурасига эга. Табиийки, ҳар бир халқ ва ҳар бир инсон оламнинг азалий муаммоларига ўзича муносабатда бўлади. Инсониятнинг ана шу муносабатларидан шаклланадиган ибтидоий асосдаги умумий бир мафкураси ҳам бор. Тарихдан маълум, мақсад-муддао, дунёқарашнинг табиий ҳар хиллигини теран англамай, қайсарларча тўғрилиқ ва ҳақлик даъвосини қилиш кўпдан-кўп нохушликларга сабаб бўлган, тараққиётга ҳалал берган. Шу боис, маф-курадаги ҳар хиллик инсониятга хос муаммоларнинг умумийлигига асосланишини унутиш ярамайди.

Сир эмаски, ХХ асрда халқларнинг иқти-содий жиҳатдангина эмас, балки маънавий, мафкуравий жиҳатдан ҳам яқинлашиши кўзга ташланмоқда. Бу жараёнда, табиийки, комил ин-сон ғоясига муносабат ҳам ўзгарди, унга инсоннинг ҳақиқий маънавий-жисмоний имкониятлари заминидан туриб қараш бошланди. Бугунги кунда инсоннинг ўзидан кўра у иштирок этадиган ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг оқибатида одам мукаммаллашиб бораётган ишлаб чиқариш тизими талаб этган даражада мукаммаллашмоқда, холос. Ўз-ўзидан бундай бир савол туғилади: техникавий кашфиётларнинг ишлаб чиқаришга муттасил жорий этилиши ва пировард-натижада иқтисодиётнинг юксак даражада мукаммаллашуви комил инсонлар жамиятининг вужудга келишига асос бўла оладими? Одамзод комил инсонни вояга етказиш ва асрий орзусини ушалтиришдан кўра, комил техника яратиш, таъбир жоиз бўлса, ўзининг техникавий муқобилини вужудга келтиришга кўпроқ зўр бермаётганмикан? Шундай булган ҳолда инсоннинг келажак тақдири не кечади? Зеро, бугун инсоний мукамалликдан кўра техникавий мукамаллик эътиборлироқ бўлиб бормоқда. Яъни маънавий

Муҳаммадилҳом  
Йўлдошев

ЎЗИ  
ПОКНИНГ  
ЎЗИ  
ПОК

**Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, плм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман.**

**Ислом ҚАРИМОВ**

эҳтиёж эмас, жисмоний нафс талаби ҳамон бирламчи. Бу кетишда инсонлар жамоасида техника мутлақ ҳукмрон бўлиб олмайдими? Қадимий эртақ ва афсоналарда тилга олинган ғайриодатий кучлар гўё бугун техникавий воситалар шаклида юз кўрсатаётганга ўхшайди.

Шубҳасиз, одамзод тараққиёт орзуси билан тирик. Аммо ҳар қандай тараққиёт маънавият ва ақл-идроқка асосланмоғи лозим. Чамаси, бугунги дунё бу ҳикматни англай бошлади. Ядро қуроллари синовини аста-секин тўхта-тиш, оммавий қиргин яроғларига барҳам бериш, табиатни асраб-авайлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар бунинг умид нишонасидир. Албатта, буларнинг барчаси башарият қалбида эзгу интилишлар чўғи ҳали сўнмаганини курсатади. Боя таъкидладик, бугунги кунда комил инсон гоёсига инсониятнинг реал моддий-маънавий имкониятлари даражасида қараш тамойили мавжуд. Эндиликда тугал комил инсон ҳақидаги ҳар қандай фикр ушалмас орзу, романтик-хаёлпарастларча бир гап бўлиб туюлади. Дарҳақиқат, жаҳоний тамаддунинг ҳозирги босқичида, инсон биологик тур сифатида яшаб қоладими-йўқми деган масала гоёт долзарб бўлиб турган бир пайтда, комил инсонни тарбиялаш ҳақида гапириш бирмунча уринсиздек туюлади. Аммо унутмаслик керакки, инсонга хос муаммоларнинг барчасини фақат бир йўл билан — инсонни мукамаллаштириш воситасида ҳал этиш мумкин.

Маълумки, Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври фалсафаси, адабиёти ва санъатида инсонни улуғлаш гоёси кучли эди. У гоё замирида одамзод ўз аслияти — Яратувчисига муносиб бўлмоғи лозим, шунда олам — атроф-муҳит ҳам одамга муносиб бўлади деган мазмун яширин эди. Умуман, урта асрдаги Уйғониш инсоний, гуманитар уйғониш эди. XX асрни техникавий тараққиёт асри дейдилар. Аслида бу аср ақлий, техникавий уйғониш асридир. Умуман, бундай уйғонишнинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ. Аммо унинг нафсга, манфаатга, баъзан ҳатто

мафкуравий қарама-қаршилиқларга, асослангани ёмон. Таъкидлаш жоизки, техникавий тараққиёт, илғор мамлакатларнинг (сиёсий-мафкуравий манфаатлар сабаб) дунёда ягона ҳукмронликка эришишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, янада тезлашди. Бу жараённинг айрим нуқталарида башариятнинг асрлар мобайнида маънавият, инсонпарварлик борасида эришган ютуқлари ҳам бой берилди. Тафсилотга берилмасдан, асримизнинг ўзида дунё икки бор жаҳон уруши ва мафкуравий қарама-қаршилиқлар гирдобига тушиб қолганини эслаш кифоя деб ўйлаймиз. Маълум бўладикки, аслида мислсиз техникавий тараққиётга туртки берган, унинг аксари ҳолатларда ғайриинсоний йўналишда ривожланишига (ядровий хавф-хатар, оммавий қиргин қуроллари) асос бўлган омиллар ҳам моҳият эътибори билан инсоний, гуманитар масалалардан ўсиб чиққан экан. Яъни мамлакатлар, турли ижтимоий тузумлар ўртасида ўзаро мафкуравий келишув йўқлиги, ягона зўравон тузилманинг пайдо бўлиб қолишига йўл қўймаслик ҳисси ва тараққиёт қарвонида қарвонбошилиқ қилиш иштиёқи шулар жумласидандир. Бошқача айтганда, инсоният маънан баркамол бўлмагани учун кўп ҳолларда ақлини зарарли, зиёнли кашфиётларга сарф этиб юборган.

Англашмишча, маънавияти юксак киши техникавий кашфиётларни гоҳо недир бир ҳайрат, гоҳо недир бир огриниш билан қабул қилади. Яъни ҳамма жонзотларда бўлгани каби, инсон маънавиятида ҳам ўзини асраш ҳисси, ҳимоя майли (руҳий иммунитет) мавжуд. Хусусан, бизнинг халқимиз азалдан юксак маънавиятли бўлиб келган. Эҳтимол, унинг XX асрдаги техникавий янгилликларни гоҳо ҳайрат, гоҳо нохуш қабул қилгани боиси шундадир.

Юксак техникавий тараққиёт билан бирга, мазлум халқларнинг миллий уйғониши ва озодлик кураши ҳам XX асрга хос асосий хусусиятлардан биридир. Мазлум халқларнинг инсоний эркинликни, олий туйғуларни ҳар недан юксак тутиб, озодликка эришгани

тараққиётни ўзга элларни эзиш воситаси деб билган Ғарб дунёсининг кўзини очди. Айнан ана шундай миллий уйғонишлар шарофатидан инсонга хос олий туйғулар — маънавият асослари қайтадан буй кўрсатди. Зеро, озодлик туйғуси инсонни янгилайди, яшартиради, руҳидаги губорларни аритади. Миллий жиҳатдан уйғонган ва ҳурриятга эришган халқ, аввало, келажагининг пойдеворини тиклайдиган авлод тарбияси ҳақида уйлайди. Йўқса, у яна тутқунликка гирифтор бўлиши ҳеч гап эмас. Асримиз сўнггида инсоният ақл мусобақасидан бир оз толиқди. Техника одамнинг рақибига айлана бошлади. Инсон фақат ақл асосидаги эмас, руҳ ва ақл асосидаги комилликни кўмсай бошлади. Шу боис, мустақиллик йулига кирган мамлакатлар маънавиятга муҳим эътибор бера бошлади. Айниқса, бизнинг Ватанимизда бу масала гоят долзарб аҳамият касб этди. Ёш авлод тарбияси, унинг жисмоний, руҳий-маънавий камоли умумжамиyat ишига айланмоқда. Зеро, бизда азалдан шундай булган. Бир болага етти маҳалла-кўй тарбиячилик қилган.

Шубҳасизки, Ватанимиз давлатчилиги янгидан шаклланаётган замонда ҳар бир ватанпарвар ўзбекнинг хаёлидан мустақил юртимнинг бўлажак комил фуқароси қандай инсон бўлади деган фикр ўтади. Аслида, дунёда мутлақо мукамал ва бенуқсон нарсанинг ўзи йўқ. Ягона комил зот — Оллоҳ. Демак, файласуфларнинг баркамол инсон ҳақидаги гаплари нисбий. Аммо ҳар бир замоннинг талаби, кишининг халқ, ватан олдидаги бурчи тақозо этадиган даражадаги инсоний мукамаллик ҳам мавжуд.

Бугунги кунда биз — мустақил юрт фуқаролари учун ўз тили ва миллий тафаккури асосида дунё миқёсида фикр юритадиган, халқига, Ватанига фидойи инсон миллий тимсол, баркамол шахс бўлиб кўринади.

Сир эмас, Туронзамин азалдан мард ва жасур, оқил ва билимдон фарзандлари билан довруғ қозонган. Бу юрт фуқаролари учун инсоний шаън-шараф, Ватан, халқ сезгиси ҳар недан юксак қадр-қиммат касб этган. Умуман, инсоний фазилатлар нуқтаи назаридан, дунёдаги бирорта халқни қусурли деб бўлмайди. Оллоҳ барча халқларни тоза бир нафасдан яратган. Аммо тарихнинг мураккаб босқичларида айрим бадфеъл кишилар, дунё бузилиб кетди, уни

мукамаллаштириш керак, баркамол кишилар жамиятини яратайлик, дея айюҳаннос солдилару ўзларининг бузуқ ниятларини амалга оширишга киришдилар. Шурулар замонда худди шундай ҳол юз берди. Бироқ мустабид тузум ҳарчанд бошидан тегирмон тоши юргизмасин, халқнинг қонида гупурган илоҳий жавҳар — комиллик сезгисини батамом йўқотолмади. Тўғри, халқнинг маънавияти, руҳи, миллий қадриятларига аёвсиз зарар етказилди. Лекин бояги жавҳар — комиллик сезгиси мавжуд экан, халқимиз ўз қиёфасини тўлиқ тиклаб олади. Фақат бунинг учун кулай ижтимоий муҳит барқарор бўлиб турса, бас. Бундай муҳит — Ватанимиз истиқлолидир.

Мулоҳазалардан аён бўлмоқдаки, инсоний комилликнинг икки жиҳати бор. Биринчиси — ботиний, маънавий; иккинчиси — зоҳирий, ижтимоий фаолиятга доир. Бу ҳикмат ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил — ба ёру даст — ба кор” деган шioriда, айниқса, ёрқин акс этгандир. Дарҳақиқат, кўпдан-кўп донишманд аждодларимиз кўнгилдаги эзгу интилишларни соф амаллар билан вобаста этиб яшагани бежиз эмас. Амал кўнгил амали бўлмоғи керак. Дилда бошқа нарсаю ишда бошқа нарса жилва қилса, ҳаётда бузгунчилик кўпаяди.

Бугун юртимизда тарбия ҳам, мафкура ҳам миллий руҳ, миллий қадриятлар асосига кўчмоқда. Табиийки, эртанги кун ёшлари бугунги давр кишиларидан мукамалроқ бўлади. Чунки аста-секин қарор топаётган эркин муносабатлар шахс камолига кенг йўл очади.

Буюк шоир бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳоднинг фазилатларини шарҳлар экан, уни “Ўзи поку кўзи поку сўзи пок”, дея таъриф этади. Фарҳод — ул зот тасавуридаги комиллик тимсоли. Ўзи поклик — руҳий жавҳар софлиги, боя таъкидлаганимиздек, дастлаб одам болаларининг барчасига хос эди. Аммо кўзни ва сўзни покламоқ кўпдан-кўп саъй-ҳаракат, муайян тарбиявий муҳитни талаб этадики, унга барча ҳам муваффақ бўлавермайди. Ўзи пок булган, яхшилик ва эзгуликдан бошқа нарсани уйламайдиган халқимиз бугун мустақил тараққиёт йулидан дадил бораётгани кўнгилга қувонч бағишлайди. Бинобарин, унинг дили ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам кун сайин покланиб бормоқда.

# ҚўНТАҚИМДАТИ МАРЖОНЧИМ - ЗАМАН

Шоира Турсуной СОДИҚОВА билан суҳбат

— Турсуной опа, биласиз, мен ўқувчилик йилларимдан буён шеърларингиз мухлисман. Кейинроқ, талабалик йилларим, юпқагина илк китобчангизни чўнтагимда олиб юрардим. Бугун сиз элга танилган шоирасиз. Лекин жамоат ишларида ҳам тиниб-тинчимайсиз. Турсуной опа, ҳам йигин-ларда қатнашиш, ҳам шеър ёзиш оғир эмасми? Айтмоқчиманки, жонингизни койитмай, фақат ижод билан шугуллансангиз бўлмайдими?

— Нимасини айтасиз, укам! Афсуски, жим ўтириш менинг иқлимим эмас экан. Шеърга сизга қолаётганга ўхшайвердим — бир талай публицистик мақолаларим дунёга келди. Улар қай сифатда битилди, билмадим-у, лекин ҳар гал ёзиб бўлгач, енгиллагандай бўламан. Гоҳида бағримда яна бетоқатлик бошланади, қоғозга эмас, энди элнинг кўзига қараб деб-деб олгим келади. Қарабсизки, саноғи йўқ учрашувлар, баҳсли анжуманлар содир бўлади....

Маънавият муаммоси — менинг қонаб турган ярам. Шу дардни айтиб йиглайвераман. Баъзан унга айтиб кўриб, бунга айтиб кўриб қўзғатолмасам, шартта енг шимариб ўша ишни ўзим қилишга киришаман...

Эсингиз, кучингиз етиб турса, Оллоҳ сизга даъватчиликдай неъматни берган бўлса, сиз туфайли ҳеч йўқ бир юрак уйғониб, бир киши яхши кўчага кирса, армонсиз кетганингиз шу-да, биродар!

— Кейинги йиллар қутилмаган воқеаларга бой бўлди. Мана, сиз ҳам она юртингиз Андижонни тарқ

этиб, “мусофир”га айландингиз. Кечаги Турсунхон Андижоний бугун бир паровоз силкиниши билан Турсунхон Тошкандий бўлиб турибсиз... Умр ўртасида пойтахтга кўчиб келишга нима мажбур қилди? Ёки адабиёт етаклаб келдими?

— Ҳазилдан ташқари айтсам, мен пойтахт излаб келмадим. Бир ёшдан йигирма икки ёшга етгунимча мени шу пойтахтнинг ўзи катта қилган. Ички бир оғриқ билан айтаманки, ёшингиз элликка етиб, умрингиз кунботарга оға бошлагач, ортга боққингиз, ҳаётингиздан узилиб кетиб бораётган нарсаларингизнинг ҳеч йўқ охири шарпалари, эпкинларини кўриб қолдингиз келар экан... Болалигиму ёшлигимнинг ярқироқ бекатлари Тошкентда утган, ота-онамнинг ўттиз-қирқ ёшли навқирон йиллари Тошкентга тўкилган, пойтахтнинг қабристонларида сингилларимнинг хоки ётибди. Шуларга бир тўйиб кетай деб келган дирман, балки...

Ҳазил аралаш айтадиган бўлсам — андижоний феъл бу!

Қолаверса, шоир иним, бир гапни айтай: мени Андижон туққан, демакки, Андижонийман. Ўзингизга аён, сизни ҳам бир қақирдим, юртга қайтинг, деб, икки қақирдим — кўнмадингиз! Марказ сизларни севиб қолдими ё сизлар марказними?.. Бу ёғига ҳушёр турасиз, менинг келишим бежо — кетсам жўн кетмайман, ҳаммангизни битта-битта териб, этагимга солиб кетаман!

— Ҳаёт, шоир айтганидек, “бир бош узумни еб битирмак” каби

**осон иш эмас. Турмушнинг турли кўчалари бор. Бироқ, барибир, бозор иқтисодиётини рўқач қилиб, ўзини савдо-сотиққа урган айрим аёлларни кўрганда одам галати бўлиб кетади.**

**Умуман, савдо-сотиқ аёлларга хос касбми, нима дейсиз?**

— “Савдо-сотиқ аёлга хосми?” деб куйинишдан аввал жавоб берингиз: рўзгор тебратишни аёлга ҳам тенгма-тенг юклаш, эркак бажарадиган ишларни, бозор юмушларини аёлига суриб қуйиш Шарқ эркагига хосми? Уша савдода савдойи бўлиб юрган аёлнинг эри борми? Эри бўлмаса акаси, акаси бўлмаса, тоғаси йўқми? Аёл жигар учун куйиш, орият қилиш, тергаш, асраш эркакнинг иши эмасми, ахир?!

Авваллари эрлар бозордан у-буни кўтариб-кўтариб келиш учун еттига белбоғ боғлаганлар. Ҳозиргиларнинг топгани ялтироқ чарм сумка, уни ҳам фасонга кўтариб оладилар. Туғиб-туғиб олиб кёлай деса (иқтисодий тангликни ўртага солманг), хунари йўқ, ўттиз куннинг якунига мўлтираб утиради. Шарқ аёли ҳеч қачон бундай ер чизиб, ўтириб қолган эркакни кўрган эмас!

Момиқдай қўллари билан шойи галстуклар боғлагандан кўра кетмон, омбир, ранда, бигиз ушласинлар. Юмшоқ диван, креслолар эркаклардан зада бўлди. Эркакларнинг феълидаги синиш ва ўпирилишларни тўлдираман, текислайман деб ҳам аёлларда эркакча хусусиятлар пайдо бўлмоқда. Бу — кулфат!

Биз аёллар бугунлик кунда қомати ҳам, сўзи ҳам, мағзи ҳам йирик, ишлари ҳам яхлит, оилада сардор бўлишга ярайдиган ва ярашадиган, аёлини тузга ҳам зориқтирмайдиган, нафақат ўзининг оиласи, балки авлодидан-да ёмон чиқмасин деб, бутун уруғ-аймоғининг орияти учун куюнадиган эркакларга зор бўлдик. Мана шундайлар ярайдди миллат муҳофазасига! Айни даврда қирқта жонини мингтага келтириб яшаётган аёллар масаласини эмас, ҳақиқий Шарқ ўғлонини қандай тарбиялаймиз, деган муаммо ва мақсадни ўртага қўймоқ зарур!



**— Агар туғишган синглим шеър ёзиб, “Ака, шуни бир ўқиб беринг”, деса, рости, ансам қотади. Бундан кўра рўзгор қилишни ўрган, турмушга чиқишни ўйла, дейман. Аммо шоирликни ҳавас қилган бошқа сингилларимга бундай деб айтолмайман негадир. Аксарият, жўнгина муҳаббат изҳори бўлган шеърларни ҳам эгасига қайтараётиб, “ёмон эмас” деб қўяман. Қизлар шеър ёзмасин демайман-у, бу дард, агар чинакам бўлмаса, яхшиси, уй бекаси бўлишни орзу қилганлари тузукми-кан?..**

— Шоирликнинг, машҳурликнинг азобларини ўзингиз тортганингиз учун уларни аяйсиз-да! Аммо, “аёл зоти қаёқча борарди” деган озгина эркакча беписандлик аралашаётган бўлмасин тагин! Агар Оллоҳ аёлнинг пешонасига аёллик, оналик қисматини битмаганда, “фидойилик” деган илоҳий қудрат аёлга насиб этмаганда — Улугбекнинг ихтироларини эҳтимол онаси яратган, Навоийнинг ёзмишларини онаси битган бўларди. Илмзакода мислсиз чўққи бўлиши мумкин бўлган аёллар рўзгор фарзанд туфайли ўзларида ким яширинганини



билмай ўтдилар. Шунинг учун ҳам тарахда аёл алломаларнинг номи кам.

Ким билсин, Навоийни туққан она Навоийдан-да аёло шахс бўлиши мумкин эди. “Онаси яхши — ҳаммаси яхши” деган нақл бор.

Шоирим, йигитларнинг йўлини Оллоҳим бирмунча текис яратган — миллатнинг қизларига зийрак ва эҳтиёткор бўлмоқ даркор. Иқтидорли қизлар камоли учун елка тутмоқ миллатни кўтаришдай гап.

— **Кўча-кўйда оқ рўмол ёпиниб юрган қиз-жувонларни кўрсам кўзим қувнаб, дилим яйрайди. (Дарвоқе, мана, ўзингиз ҳам “отинча” бўлиб олгансиз.) Айтингчи, бу бирор нимага таассубми ёки анчайин ҳавас?**

— Шоирим, “Султон суягидан тонмабди” деган гап бор. Эллиқдан ошиб бораётган ёшнинг ярашиги шу, бу — бир!

Иккиламчи, тўрт-беш йил аёллар кўмитасида ишлашим жараёнида минг бир тоифа билан сўзлашмоққа тўғри келди. Ҳамма даврага йўл очиб берадиган яшил чироқ шу рўмол бўлди.

Қолаверса, табиий кўркинг «бевафолик» қилгач, айбингни яшириб, ярашиб турган нарсани асрагинг келар экан, бу — уч!

— **“Кўнглим каби ой ҳам яримта...”**

**Тунда ойга қарасам, шу сатрлар ёдимга тушади. Турсуной опа, бу шеърингизда биз билмаган, тушунмаган яна не кечинмалар бор? Қачон, қандай ҳолатда ёзилган у?**

— Йигирма ёшда эдим. Букага ғўза чопигига чиққан эдик. Чекка қишлоқ. Чивин шунақа кўпки, ташқарида тезак тутатиб, чойшаб ёпиниб юриб жон сақлаймиз. Чироқ йўқ, яқин атрофда аҳоли ҳам яшамайди, осмонни томоша қилишдан бошқа иш йўқ. Ўшандаги Бўка осмонининг пастигини айтинг: гўё бошгинангизга тегиб турган қора бахмалдай! Шундоққина кўл чўзсангиз, юлдузлар узилаверади! Фақат яримта Ой жуда безовта — тинмай юради. Орадан икки йилча ўтди, ўша энг яқин келган осмон бот-бот

эсимга тушаверади, ҳалиги яримта Ой эса изимдан эргашаверади, эргашаверади. Бир куни уни шеърга солдим у қутулдим. Унда шундай сатрлар бор эди:

*Қалбимдаги ғамлигимсимон  
Аста босиб келади оқшом.  
Кўёшини йўқотиб осмон,  
Қора либос кийибди, боқсам.  
Юлдузлардан чодир ёпиниб,  
Чиқдим туннинг ҳолин сўргали,  
Кўнглим каби ой ҳам яримта,  
Жой излайди ўзин қўйғали...*

— **Тўқсон ёшли момом бор. Сизнинг отдошингиз - Турсунбиби. Кўзойнаксиз газет ўқийди. Умирида бирон марта “Ватан” деган сўзни тилига олган бўлмаса-да, ҳеч қачон уйдан бўлак жойда тунаб қолмаган. Ҳатто ўз фарзандлари хонадониди ҳам.**

**Момомдан сўраш ноқулай, иккала Турсуной учун ҳам ўзингиз жавоб берақолинг: Ватан нима ўзи?**


— “Ватан” сўзини айтишга мен ҳам қўрқаман. Шу мавзуда бирорта шеър битмаганман ҳам. Агар унинг отини айтиб чақирсам, юрагимни ушлаб турган бир нарса учиб чиқиб кетадигандай...

Ватан ҳақида гапиришдан кўра, уни томир-томирларингиз билан туймоқ лаззатлироқдир!

Пул чўнтакни тўлдиради, омад уйингизни, дўст атрофингизни, дейдилар. Аммо юракларингизнинг қатларигача сингиб, томирларингизга тўлиб, симсим жон узатиб турадиган ёлғиз шу — Ватан! У — неъмат! Таърифи йўқ мавжудлик. Кўнгидаги бебаҳо маржон. У — илоҳий тўхта! Ватаннинг катта-кичиги, хунук-чиройлиги бўлмайди, шунинг учун кимдир саксовул ва қумга пешона кўйиб, ким шўр тупроқни ўпиб, ким музларга тиз чўкиб “Ватаним” дея бўзлайди! Менинг ҳам қўлларим дуода, дейманки:

*...Мени шу ерда бор этди,  
Ўларда шунда ўлдирсин...*

**Муҳаммад ЮСУФ сўхбатлашди.**



*Шеър нокиза тўйчулардан яралади. Сир элас, бугунги шеърнинг тилсиз техникавий тараққийи, беқисс ижтимоий эвришилар шароитида яшаш йўлини ахтарайтган инсоний кечинмалар сасидан тўзилмоқда.*

*Шеър Сироҳиддин Саййиднинг ҳикмати ва эҳтирос алаҳ-гасига йўридан сатрларини кўп бор ўқитасиз. Ҳ - кўнгли кўнглиси. Ҳ - кўнгли шикки ила тарбия топган, унинг шикки билан доғишманг бўлган ижодкор.*

*Олтин ўнда билинар, деган нақл бор. Бугун ҳақиқий шеър - кўнгли гавҳаринини қиймати бозор муносабатлари оловида синалмоқда. Сироҳиддин Саййиднинг яни тўртликлари - ана шу алаҳтада товланиб, ўзлигини намоян элган нағзи намуналаридир.*



Сироҳиддин САЙИДИ

АТАЛИШИ

СОҲИЛДАДИРМАН

МЕНЕ КЎРСАДИ



Кўнгили тубларига ўқиди не тошлар,  
На қувони юпатди, на-да кўзешлар.  
Сўнган ҳаф шуғалага ўқини-ла боқдим,  
Диллимдан фани олиб ботди қуешлар.

\* \* \*

На баъд ва на-да сайилдадирман,  
На аввал ва на-да охирдадирман.  
Менинг қайдалитим сўрма, биродар,  
Мен кўнгили ашаммиш соҳилдадирман.

\* \* \*

Меҳр топмасман ўз меҳримдан ўзга,  
Ҳмр ҳам кўрмасман умримдан ўзга.  
Хел ким тушунмаган дунёда мени,  
Кўксимда йиғлаган кўрғимдан ўзга.

\* \* \*

Қанча молу давлат тупроқдир, илдир,  
Негук мағводир бу, негук манзилдир?  
Менинг йўқотганим кўнгилдир, эй дўст,  
Менинг излаганим балки бир дилдир...

\* \* \*

Агарчи баланду паспдамиз, эй дўст,  
Барибир бир йўлдан қайтамыз, эй дўст.  
Менга таяла бермас, сенга қошона,  
Оқибат тупроқмиз, майсамиз, эй дўст.

\* \* \*

Ўйқашдир бу йўлиниг шому саҳари,  
Хабарлари бисер, кўлдир хатарни.  
Эй дўст, Фаридиддин Аштордин ўрган,  
Энг узок сафардир кўнгили сафари.

\* \* \*

Кўксимни ендирган ўтлуғ оҳ — ўзини,  
Мен жоҳ изламасман, елимиз жоҳ — ўзини.  
Эй дил, сенга атаб лоҳлар қаздим мен,  
Ўзимга бўлгансан бир кун лоҳ ўзини.



\* \* \*



Бир хас шивирда қанла хабар бор,  
Бир тош Замирида қанла сафар бор.  
Бир гўр сукутида қандалар садо,  
Бир юлдуз нурида қанла хатар бор.

\* \* \*

Қулманг, мушқул қалиб енгилни топдим,  
Йўқ ўтлар ибра мен сингилни топдим.  
Сиз олтин топдингиз излай-излай, мен  
Ахшара-ахшара кўнгилни топдим.

\* \* \*

Негун мушқурдирсан, эй яшил бозим?  
Ўтмиш менинг фаслим — менинг гул бозим.  
Энди ифқираган қушчаларинга  
Бишпадан ин бўлмай ҳар бишпа доғим.

\* \* \*

Бу дунё гаразғўйи лошлар дунеси,  
Ривкор кўзлару қошлар дунеси.  
Бошинга тош егар ҳар бир буғжидан,  
Негук дунедир бу тошлар дунеси?

\* \* \*

Тоҳи туфроқ янглиз сўқмоғингдаман,  
Тошқин сел, кўкдаги тақмоғингдаман.  
Тоҳи деворинга хасман, эй кўнгил,  
Тоҳи шабнам янглиз ялғозингдаман.

\* \* \*

Ишладим минг йиллик ибор тағида,  
Кўнгил ҳам юмшади тошлар тафтида.  
Бир ялғоқ ногаҳон кафтимга кўнди  
Сўфи Оллоғринни илиқ кафтидай.

\* \* \*

Юрган — дарё, юриб, дарё бўлдим мен,  
На манзил, на дашту сахро билдим мен.





Қай бир қирғоқларда қалиб кетдинг, Тул,  
Энди ўз замонига бўйро бўлдинг мен.

\* \* \*

Ўмрини энг ўзгал манзилларидан  
Кетдинг — кўзларининини соҳилларидан.  
На қирғоқ авендир энди, на макон,  
Не суд ўзилган бу ой, йилларидан?

\* \* \*

Билмам, ўртамизга не сўров тушди,  
Орага фалакми в биров тушди?  
Айрилдик, тоғларга қор тушди, эй Тул,  
Ўшал тун кўнимлга илк қиров тушди.

\* \* \*

Ғарби ўшал дилдор, ул подиқасан,  
Ўшал латофату ул соҳиқасан.  
Кўзларини тубида бир мунг кўрдим, Тул,  
Сен олис вшлиқдан бир хопиқасан.

\* \* \*

Наҳотки орзулар бўй бермас энди,  
Осмон кўнимларга тўй бермас энди?  
Наҳот эсимгалардай эсимиб кетдик, Тул,  
Наҳотки ҳел нарса бўй бермас энди?

\* \* \*

Сенсиз ишқ ҳадвали тузилмаган, ер,  
Сен бўлсанг, дил мулки бузилмаган, ер.  
Нозик белларинига бу ҳсон фишмаси  
Қамаф бўлмагунда ўзилмаган, ер.

\* \* \*

Эй, сен — Андиқонда йиллаган бурбуй,  
Эй, сен — Самарқандда куйиб ўтган гул,  
Негук налтишидан мен бўлдим адо,  
Эман сен, мен негун бунда бўлдим кул?





\* \* \*

Саболаф, еш кетган акамдан айттинг,  
 У кўрган, кўрмаган рақамдан айттинг.  
 Агарда ул сорн гузор этсангиз,  
 Менинг ифтиқ, вайрон ёқамдан айттинг.

\* \* \*

Ҳасрат ўловнда ўтинман, емғир,  
 Қисмат қирғовнда пушунман, емғир.  
 Бунчалар мутойин, илиқ ёғурсан,  
 Онам йиғладими бу пун ҳам, емғир?

\* \* \*

Япроқдан уй қурдим, майсадан — хона,  
 Шудринг ва юлдуздан ўриятдим ойна.  
 Осмондан зангори дарғалар олдим,  
 Ғулдан эшик қилдим, дилдан — остона.

\* \* \*

Яраб қолафми деб бирор кунимга,  
 Ҳасрат сотиб олдим сўнги пунимга.  
 Энди иккимиз ҳам иснолмаймиз  
 Қанга ўрансак ҳам иссиқ пунимга.

\* \* \*

Шанимда ям-яшил япроқ бўлган Дард,  
 Кўнгиш ҳақоннда пупроқ бўлган Дард.  
 Қанчалар кўп, узок текканим сайин,  
 Ҳаргиз қалаймайин, кўпроқ бўлган Дард.

\* \* \*

Кўнгиш кунгайдир-у, вале кул йўқдир,  
 Кўнгиш бир кул истар, вале ул йўқдир.  
 “Пулдор кимсаларда йўқдир саховат,  
 Саховат аҳлида вале пул йўқдир”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Саъдий Шерозийдан





\* \* \*

Ай, Асқар Махкам, бозорни кўргил,  
Бозорда гуфтору гузорни кўргил.  
Биз испаган уллар пул сотар бунда,  
Бул ақойиб, гаройиб гулзорни кўргил.

\* \* \*

Худбин осмонга йиқмас камалак,  
Бахил қозонда пишмас сумалак.  
Мунофиқ томида қизгалдоқ унмас,  
Шўнгиз турмушта қўнмас капалак.

\* \* \*

Ўтди пул фаслимиз, ҳазон фаслимиз,  
Қўп узоқ йўзимди талош, баҳсимиз.  
Шаклу шамойида инсонмиз гарланд,  
Афсуски, тўнғиздир ҳамон нафсимиз.

\* \* \*

Худо даргоҳида олиқсан, инсон,  
Дунё коргоҳида нелуқсан, инсон?  
Жаҳонга сизмайин елмоқлар нелун,  
Ўзинг-ку зарфадан келиқсан, инсон?


\* \* \*

Менинг зоҳирим ҳам доҳилим — эй дил,  
Келиб тўхтаганим соҳилим — эй дил.  
Бу тўқин, серҳосил даҳр боғида  
Менинг арзиммаган ҳосилим — эй дил.

\* \* \*

Айб эпманг, агарин дилимдан айтдим,  
Аслида мен обу иллимдан айтдим.  
Челаклар ифра бир баринҳазоним —  
Ҳазонлар ифра бир иллимдан айтдим.





**Ў**збекистон Республикаси Давлат маданият ва санъат вазирлигининг музика муаллими, халқ артисти. Хамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти ва Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофотининг соҳибдори, кампартнер итсон, устоз композитор Мутаал (Мутаваккил) Бурҳонов 80 ёшга тўлди. Ў кишининг нозик романслари, жўрсуз хор қўшиқлари, жозибали вокал-симфоник асарлари, кино ва сахна учун ёзилган музикалари ХХ аср ўзбек санъатида муҳим ўрин тўтади. Миллий муштароф музикамиз акваналарини замонавий Фарб музикаси тажрибалари билан омуҳталаштириши борасида композитор фақат амалий иши билан эмас, назарий фикрлари билан ҳам санъатимизга хизмат қилиб келди. Музикадан гап кетса, бас, у кишининг кўлири дили оғилади. Шу боис, кўйидаги сўхбат ҳам музика тажриблари аглиги сероҳани ва сержиллодир.

— Мутаваккил Музаинович, сизни аввало табаррук ёшингиз билан самимий қўлаймиз. Халқимиз истиқлол сурури ила нафас олаётган шу замонда умрингизга умр кўшилиб, тақлидчилари кўп-у, такрори йўқ бурҳонийча тафаккурингиздан янгидан-янги наво дурлари яралсин.

— Эзгу тилакларингиз учун ташаккур, Тўхта-синбек! Кам бўлманг, барака топинг!

— Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир, деб ёзган экан устоз Абдулла Қодирий. Журналхонлар сиз ҳақингизда кўп нарса биладилар. Аммо ўзингиздан эшитмоқ мароқлироқ. Умр йўлингизни қисқача эслаб ўтсангиз.

— Мен қадим Туркистоннинг маънавий марказларидан бири, не-не алломаларнинг киндик қони тўкилган, умрбоқий “Шашмақом”нинг ватани — Бухорои шарифда таваллуд топганман. Отам — Музаиниддин Бурҳоний Бухоро мадрасаларидан бирида мударрис — ҳисоб муаллими бўлган эканлар. 1919 йилда, инқилобий ҳаракат авж олган бир пайтда, амирнинг фармони билан кўп бегуноҳ одамлар “жаҳид”, “инқилобчи” ва “кофир” деган айбловлар билан Регистон майдонида қатл қилинган. Бадният кишилар отамни ҳам “жаҳидларнинг жосуси” деб иғво қилганлар. Амир аввал отамни қатл этиш ҳақида фармон чиқариб, кейинроқ (онамининг авлодларидан бўлмиш муфти Абдулло Хўжанинг аралашуvidан сўнг) жазони уй қамоғига ўзгартиради. Шу воқеа сабаб, кўрқиж касалига гирифторм бўлган отам бир ой утар-ўтмас бандаликни бажо келтирадилар. Бу фожа оиламизга қаттиқ таъсир



# ҚАЛБ МАВЖИДАН ЧИҚҚАН САДОЛАР

Композитор Мутаваккил БУРҲОНОВ билан  
санъатшунос Тўхтасин ҒОҒУРБЕКОВ суҳбати

этди. Катта акам Мисбоҳ, катта опам Моҳида, кичик опам Фотима, кичик акам Минҳож ва мен онамнинг қарамоғида қолдик.

Онамнинг исмлари Шопошшо бўлган. Волидамни Исмоил Сомонийлар авлодидан деб эшитганман. У киши аммаларининг тарбияти остида вояга етган эканлар. Эсимда, онам художўй, ўқимишли, чевар, жуда камтар ва меҳрибон аёл эдилар. Ота-онамнинг бир-бирига ҳурмати беқиёс бўлган. Айтишларича, онам келинлик даврида ош пиширишни билмас экан. Бирданига меҳмон — хотин-қизлар келиб қолган. Онам ўн чоғлиқ меҳмонга мўлжаллаб қозонга ўн пиёла гуруч солган, натижада ош бузилган. Шунда нима қилишини билмаган онам отамга дардини ёрган. Отам эса паранжи ёпиниб, ичкари ҳовлига кириб, дарҳол қайтадан ош пишириб, яна паранжида ташқари ҳовлига чиққан экан.

Дард келса, қўша-қўша келади, деган гап тўғри экан. Отамнинг вафотидан сунг етти йил ўтиб, волидаи муҳтарамамиз ҳам фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар. Бизни амакиларимиз тарбиясига олди. Утилмаганда оғир хасталик катта опам ва кичик акамни ҳам олиб кетди. Катта акам — Мисбоҳ Бурҳонов фирқа аъзоси бўлди. Кейинчалик Тожикистон Республикасининг ҳукумат аъзоси, “Тожикистони сурх” газетасида бош муҳаррир муовини лавозимларида ишлади. У 1933 йилда бегуноҳ қамалди ва 1937 йили “халқ душмани” тамғаси остида амакиларим Масҳариддин, Мукамал (Мукамал амаким Бухоро Халқ Республикасининг Адлия вазири бўлган. У киши Файзулла Хужаевнинг энг яқин дўсти эди. Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилоби та-

рихидан материаллар” китобида бу ҳақда маълумотлар бор) ва Муаммир Бурҳоновлар билан бирга отувга ҳукм қилинди. Орадан кўп йиллар ўтиб, аниқроғи, 1965 йилда жигарларимнинг бегуноҳдан-бегуноҳ қурбон бўлганини тасдиқловчи ҳужжат қўлимга тегди. Минг афсуски, ҳақиқат ниҳоятда кечикиб қарор топган эди. Бугун жигарларимнинг қабрлари қаердалигини ҳам биров билмайди. Уларнинг Бухоро ва Душанбедаги музейда сақланиб қолган суратларигина кўнгилга бир оз таскин беради, холос.

— Успириш бошингизга тақдирнинг шунча беаёв синовлари тушиб турган бир пайтда, қалбингизда мусиқага, умуман, санъатга муҳаббат пайдо бўлишини сизнинг ҳаётга барибир ишонч-эътиқод билан қарай олганингиз, шунга куч-ирода топа билганингиз самараси, деса бўладими?

— Бунга бир сўз билан “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб бериш жуда мушкул. Кечган ҳаёт йўлимга боқиб гоҳида қувонсам, гоҳида йиғлайман... Зеро, унда шодлик, қувонч, ижод завқи, кутилмаганда келган омадли онлар сурури... Улар кўп ва айни пайтда дардли, фожиали дамлар ҳам кам эмас. Келинг, яхшиси, мусиқа борасидаги илк қадамларим, илк устозларим ҳақида гапириб берай.

1928 йилда таниқли этнограф олим Николаи Назарович Миронов ташаббуси билан Самарқанддаги Шердор мадрасасида Мусиқа ва хореография (ҳозирги Санъатшунослик илмий-тадқиқот) институти ташкил этилиб, ёшлар танлов асосида қабул қилинадиган бўлди. Даврининг етук маърифатпарварларидан бўлмиш катта амаким Масҳариддин Бурҳонов мусиқага қизиқишимни сезиб, мени шу илм даргоҳига етаклаб келган эди. Ушанда,

янглишмасам, 12 ёшларда эдим. Танловдан ўтганлар орасида Дони Зокиров ва мен энг ёши эдик. У пайтлари мазкур даргоҳ ҳам илмий, ҳам таълим муассасаси бўлиб, аввалида озгина оврупоча бошлангич маълумот, аксариятида эса мукаммал шарқона билимлардан сабоқ берар эди. Бу ерда мен машҳур ҳофиз Домла Ҳалим Ибодов ва танбурчи Ҳожи Абдурахмон Умаровдан “Шашмақом” тизимини, найчи Абдуқодир Исмоилов ва кўшнаичи Аҳмаджон Умрзоқовдан Фарғона чолғу ва ашула йулларини, созанда ва шоир Матюсуф Харратов — Чокарийдан Хоразм мусиқа услубларини зўр ҳавас билан ўргандим...

— Дарвоқе, Мутаваккил ака, ана шу анъана — махсус мусиқа ўқув юртларига ўзбек мусиқа “шева”лари билимдонларини жалб этиш кейинчалик, айниқса, асримизнинг 50-йилларида деярли унутилаёзди. Айтинг-чи, сиз ҳозирги аср мўъжизаси — компьютерлар даврида ўшандай таълим усулини қўллаш фикрига нима дейсиз?

— Менимча, консерваторияни кейинги йилларда битириб чиқаётган композиторлар, мусиқашунослик ва бастакорлик борасида ижод қилаётган созандаларда худди шу камчилик — воҳабай мусиқа услубларидан беҳабарлик яққол сезилмоқда.



Бояги анъана асосида таълим беришни бошлангич, ўрта ва олий мусиқа ўқув юртларида кечиктирмай йўлга қўйиш лозим. Ваҳоланки, жойларда ҳақиқий устозликка арзигулик санъаткорлар анчагина. Фақат уларни излаш, ўқув муассасаларига таклиф этиб, билимларидан тулиқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яна шуни таъкидлаш зарурки, барча бўғиндаги мусиқа ўқув муассасаларида ун беш асрлик тарихча эга, ижодий услублари беқиёс монодиязамин<sup>1</sup> бастакорлик синфлари очиш фурсати аллақачон етган.

— Мутаваккил ака, адашмасам, сиз Москва консерваториясида ҳам таълим олгансиз. Самарқанддаги сабоқлардан сўнг оврупоча йўсиндаги ўқув тизими бўлмиш бу даргоҳдан сиз нималарни ўргандингиз?

— Очиғини айтсам, замонавий композитор учун ҳар иккала тизим сув билан ҳаводай зарур. Чунки булар бири бирини истисно этмай, ижодкорга Мағриб ва Машриқ анъаналари асосида ягона муштарак йўлни очиб берар экан.

— Шу ўринда бир савол туғилади — узр, гапингизни бўлдим — бугун бот-бот қулоққа чалиниб турган “Ўзбекларга опера керакми?”, “Хор мусиқаси, симфоник асарлар зарурми?” қабилидаги фикрларга нима дейсиз?

— Бундай гаплар замирида ўта тор ва биқўқ тасаввур ётади.

— Фикрингизни давом эттириб, унинг бир исботи, қолаверса, ибратли ижодий ечими сифатида сизнинг 50-йилларда яратилган, Туркистондаги деярли барча халқлар, кейинроқ хорижий Шарқ — афғоний, эроний кўшиқларни созлар жўрисиз хор учун қайта ишлаган асарларингизни олсак. Улар наинки Ўзбекистонда, балки минтақамизда шу йўналишдаги хор мусиқаси тараққиётига туртки бўлди. Қолаверса, 1973 йилда Алматида илк бор ижро этилган эронча “Гўле Гандум” ва

<sup>1</sup> Монодиязамин — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида анъанавий мусиқа ижодига хос услуб.

курдча “Дамкўл-Дамкўл” кўшиқлари бирикмасидан ташкил топган яхлит партитурангизни Шарқ мусиқаси тарихи ва анъанавий шарқшунослик сир-асрорларининг уста тадқиқотчиси Махдий Баркашлий (Оллоҳ у кишини раҳмат қилсин) ҳамда эронлик бошқа санъаткорлар нечоғлиқ олқишлагани ва юксак баҳолаганини унутиб буладими?

Сиз деярли бутун ижодий фаолиятингиз мобайнида Алишер Навоий шеърлятига асосланиб турли жанрларда асарлар яратгансиз. Бу шеърлят сизни нечун бунчалик ўзига жалб қилиб келмоқда?

— Мен ҳазрат Алишер Навоий шеърлятига ва ул муборак зотнинг ўзига бағишлаб “Табассум қилмадинг...” романси, “Алишер Навоий” драмасига мусиқа, “Алишер Навоийга қасида” ва “Алишер Навоий” операси каби бир талай асарлар ёздим. Бунинг сабаблари бор, албатта. 30-йилларда Алишер Навоий дostonлари асосида яратилган “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” сингари мусиқали драмаларни томоша қилиб таъсирланган эдим. Уруш йилларида Ҳамза номидаги драма театрининг бадиий раҳбари ва бош режиссёри Маннон Уйғур менга Иззат Султон ва Уйғун қаламига мансуб “Алишер Навоий” спектаклига мусиқа ёзишни топширдилар. Спектаклда бош ролни бетакрор санъаткор Аброр Ҳидоятлов ижро этиб, мени қойил қолдирган эди. Уша йилларда дўстим, ёзувчи Ойбек домланинг “Навоий” романини ўқиб ҳам қаттиқ таъсирланганман. Шу-шу, ҳазрат Алишер Навоий шахсияти ва ул зотнинг ижоди қалбимни беҳад ҳаяжонга солиб келади.

— Атоқли санъаткорлар, давлат арбоблари назарига тушган инсонсиз. Айниқса, ўзбек санъатининг йирик намояндаси Муҳиддин Қориеқубов ва ижод аҳлининг ҳомийси Усмон Юсуповнинг меҳри сизга бўлакча бўлган экан...

— Ҳа, шундай. Бу ҳақда мен эсдаликларим битилган асар — “Бурҳоннома”да ҳам батафсил ёзганман.

1935 йилда Москва консерваторияси қошида ўзбек опера студияси очилиб, Муҳиддин Қориеқубов унга директор этиб тайинланган эди. Уша йиллар мен ҳам Москвада ўқиб юрганым боис, бир куни кўчада у кишини учратиб қолдим. Муҳиддин ака менга меҳ-

рибонлик билан боқиб: “Мутаваккил, азоб чекиб юрманг, студиямизга кирсангиз, битириб, сўнгра консерваторияда ўқишни давом эттираверасиз”, дедилар. Бундай самимий таклифни қабул қилмасдан иложим йўқ эди. Розибулдим.

Чамамда, мазкур студия ҳақида қисқагина маълумот бериб ўтиш зарур. У расман “Ўзбек опера студияси” дейилган эса-да, XX аср мусиқа санъатимизда ижрочилик — хонандалик, дирижёрлик ва композиторлик каби ижод турлари шаклланишида муҳим ўрин тутди. Студияда Муҳиддин Қориеқубов, Ҳалима Носирова, Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокиров, Саодат Қобулова каби анъанавий ва оврапоча хонандалик услубларини ўзвий ривожлантира олган забардаст ижрочилар, Фазлиддин Шамсиддинов ва Баҳром Иноятлов сингари миллий санъат мусиқамиз жонкуярлари бўлмиш дирижёрлар, Мухтор Ашрафий, Сулаймон Юдаков каби композиторлар таълим олганлар.

Усмон ака ҳақида гапирсам, у киши уруш йилларида Муқимий номидаги театр учун янги бино қурдирганлар. Умуман, санъаткорларга мудом гамхўрлик қилувчи бир инсон эдилар. Тез-тез бастакор ва артистларнинг уйига келиб, ҳолидан хабар олар, иқтисодий жиҳатдан ёрдам берад эдилар. Концерт ва спектакллар томошасига ўзлари билан вазирларни ҳам олиб келардилар.

Уруш йиллари айнан Усмон Юсуповнинг саъй-ҳаракати билан амалга ошган бир хайрли ишни айтиб берай. Маълумки, уруш даврида Ленинград Давлат консерваторияси Тошкентга кўчирилиб, 1941–42 йилни Ўзбекистонда бошлади. Бу ўқув юрти ўқитувчилари ва талабалари машғум уруш бошланганига бир йил тўлган кун — 1942 йил 22 июнида Дмитрий Шостакович қаламига мансуб машҳур “Ленинграднома” симфониясини Ўзбекистонда собиқ СССРда учинчи бўлиб ижро этдилар. Ана шу асарни ижро этиш пайтида, ҳаво 43 даража иссиқ бўлишига қарамай, Усмон Юсупов бошчилигида республика ҳукумати аъзоларининг барчаси залда ҳозир бўлганини кўплаб ленинградлик санъаткорлар мамнуният билан хотирлаб, китобларида қайта-қайта таъкидлаб ёзганлар.

— 50-йиллар, аниқроғи, 1951 йилда миллий санъат мулкимиз, хусусан, Бухоро “Шашмақом”и ва Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йуллари, шунингдек, бетакроп дostonчилигимизга ноурин зарба берилиб, булар бари “феодал маданият маҳсули” деб эълон қилингани эсингизда бўлса керак?..

— Ҳа, албатта. Бу нохуш “кампания”да фақат бир гуруҳ мансабпараст, мусикадан узоқ кишиларгина эмас, минг афсуски, ўзбек мусика санъатининг “асосчилари” деб ҳисобланган айрим композиторлар ҳам, умри бўйи Ўзбекистонда яшаб, мусикий бойлигимизнинг қадрига ета олмаган мусикашунослар ҳам бўлган.

— Сизнинг ижодкор сифатида шаклланишингизда Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби алломалар, Дмитрий Шостакович, Қора Қораев, Отар Тактакишвили сингари улкан композиторларнинг ё бевосита, ё билвосита таъсири бўлса керак? Гап фақат ижодий таъсир масаласида эмас, мен инсоний фазилатларни ҳам назарда тутяпман.

— Ундай бўлса, бу азизлар сирасига устоз шоир Лоҳутий, ҳақгўй ва жасур ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорни ҳам қўшиб санамоқ жоиз. Мен уларнинг барчасидан ростгўйлик ва “ҳақиқат эгилади, лекин синмайди” нақлига амал қилиш сабоғини олдим.

— Хабарингиз бор, она юртимизда “Ўзбекистон — Ватаним маним” мавзuida қўшиқлар кўрик-танлови эълон қилиниб, ҳозир унинг энг авжи палласи. Сизнингча, Ватан ҳақидаги асл қўшиқ қандай бўлиши лозим?

— Менинг назаримда, бундай улғ мақсадга бел боғлаган ижодкор аввало ўзи Ватанинг чинакам фидойиси бўлиб, асарини юракдан ёзиши зарур. Ҳар қандай шеър ёки куйдан яхши қўшиқ чиқавермайди. Шоир ва бастакорнинг бирга кечган изланиши натижасидагина муқаддас истиқлолни қўлга киритган Ватан ҳақида бутун эл жўр бўлиб куйлайдиган қўшиқ яралиши мумкин.

— Сизнинг Ватанимиз Мадҳиясига ёзган мусиқангиз йиллар синовидан, нуфузли танловлардан голибона ўтиб келаётганини биламиз. Шу мусиқаннинг тарихи хусусида ҳам тўхталсангиз.

— 1946 йилда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Мадҳияси учун ёпиқ танлов ўтказилган эди. Танловда шоир Темур Фаттоҳнинг шеъри ҳар жиҳатдан мукамал деб топилди. Шундан кейин Мадҳияга мос мусика яратиш учун бастакорлар ўртасида ёпиқ танлов эълон қилинди. Омадим бор экан, менинг мусиқам маъқул топилди. Мадҳия матнида “халқлар отаси” Сталиннинг номи бор эди. Кейинчалик, шахсга сифиниш оқибатларини тугатиш даврида матн қайта ёзилди. Янги таҳрирдаги Мадҳияга Темур Фаттоҳ билан Туроб Тула ҳаммуаллиф бўлди. Мусиқа эса асл ҳолича қолаверди.

Халқимизнинг асрий орзуси амалга ошиб, мустикалик қўлга киритилгач, ўз-ўзидан янги мадҳияга эҳтиёж туғилди. Ёпиқ танловда атоқли шоир Абдулла Орифнинг шеъри голиб бўлди. Сўзни мусиқага уйғунлаштириш борасида Абдуллажон билан бирга бир муддат ижод этдик. Ниҳоят, Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида халқ ноиблари Мадҳияга мўлжаллаб ёзилган учта мусиқани тингладилар. Бу гал ҳам омад кулиб боққан экан, мусиқам кўпчилик овоз билан ҳеч бир ўзгаришсиз тасдиқланди. Бундан беҳад қувонаман.

— Мутаваккил ака, биламиз, ижодкор одамнинг қалби бир зум ҳам ҳаловатда бўлмайди. Айниқса, мусиқага шайдо ижодкорнинг дили дарёдай мавжлидан туради. Сизнинг қалбингиз мавжидан бугун қандай садолар таралмоқда?

— Шоир бўлиб кетинг-э, Тўхтасинбек! Тўғри, қалбим ҳамон мавж уриб турибди — ижоддан тўхтаганим йўқ. Яқинда бадиий ўқиш усталари, хонандалар ва хор ҳамда симфонияли оркестрга мўлжалланган “Абадий хотира” деб номланган беш қисмдан иборат асаримни ёзиб битирдим. Унда теран тафаккур соҳиблари — буюк ижодкорлар Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва Усмон Носирнинг шеърларидан фойдаландим. Мен ёшлигимда улар билан мулоқот қилганман. Партитурамни қатагон қўрбонлари бўлган амакиларим Масҳариддин, Мукамал, Муаммир ҳамда акам Мисҳоб Бурҳоновлар руҳини ҳам шод этиш ниятида яратдим. Илоё, у қора булутлар халқимиз бошидан абадул-абад даф бўлгани рост бўлсин!

*Сирожиддин РАУФ ёзиб олди.*

**Ф**ан-техникани тараққий эттириш билан инсон имкониятларини кенгайтди. Бир зумда ер юзининг исталган манзили билан боғланиб, биродари билан худди юзма-юз утиргандай сузлашиш, ухлаб тургунча утган фурсат ичида қитъадан қитъага утиш одатдаги ҳол бўлиб қолди. Одам Ернинг тиргалари — тоғларнинг энг баланд чўққиларини чўқморлаб чиққани етмагандай, Баҳри Муҳитнинг энг чуқур қаърини ҳам кавлаштириб ташлади. Тиниб-тин-чимас бу мавжудот бир-биридан ўзиш, бир-бирини ҳайратлантириш иштиёқида мунтазам мусобақа қилиб, товушдан тез учар самолётлар, санокли сониялар ичида миллион хил ҳисоб-китобни жамлаб берадиган компьютерлар, одаму ҳайвон таънасининг ички тузилишию минг газ тупроқ-тошнинг тагини худди ойнадагидек равшан намойиш этадиган мўъжизавий қурилмалар ихтиро қилди. У искаб топадиган ўқлардан тортиб, исталган манзилдаги ҳар қандай нишонни беҳато урадиган даҳшат қуролиларини ҳам яратди. Инсон ақл-тафаккурининг бу каби ҳайратомуз мўъжизалари, афсуски, унинг ўзини андак ҳайратлантириб, завқлантиради, холос.

Дейлик, хонадонимиздаги чироқлар дастлаб ҳаммани лол қолдиргани шубҳасиз. Ҳозир эса улар рўзгорнинг одатдаги эътиборсиз бир ашёсига айланиб қолган. Темир болта ҳам, “Мерседес” машинаси ҳам шундай “мукофот” ланган. Яхшидан яхши-си, мукамалдан мукаммали пайдо бўлаверганидан кейин буюмларнинг тақдири бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Хўш, аълосидан аълосини ихтиро қилган инсон нега ўз мўъжизаларидан қаноатланмайди? Нега у заҳмат эвазига эришган кашфиётларидан доимо ҳайратланавермайди? Нега у машаққатлар билан топган янгиликларидан баъзан буткул юз ўгиради? Нима учун бирининг топилдигини бошқаси топмайди? Ақл мўъжизаларини Ойга кўндиролган, неча юз йиллик олис манзиллардаги сайёралар билан сузлашган инсон нега ўз-ўзини бу тарзда инкор қилади? Шунинг учунки, у инкор билан ақлини улғайтирмоқчи, маишатини янада мукамаллаштирмоқчи, тирикчилик тарзини фаровонлаштирмоқчи, ўзлигини топмоқчи бўлади. Шу боис одам мутасил инкор билан яшайди. Бироқ тирикчилик таъминотига тула-тўқис эришиш билан одам ўзлигини топа олармикан?

Йўқ. Тирикчилик эҳтиёжлари туганмас. Улар алдамчи, ҳийлагар. Рўзгор даҳмазалари одамнинг куч-қувватини сўриб, адо қилади. Улар инсоннинг сурату сийратига яширинган илоҳийликни англашига муттасил халақит беради. Турмушнинг адоқсиз юмушларига алданмаганлар эса, ўзининг илоҳий эканидан, зоҳирию ботинида Оллоҳнинг мукаммал мўъжизалари пинҳон эканидан воқиф бўлади ва билганидан билмагани бисёрлигига иймон келтиради.

Қуръонда «Дарҳақиқат, биз одам балаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру баҳрга — қуруқлик ва денгизга чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда қўнғонлардан афзал-устун қилиб қўйдик» (“Ал-исро” сураси, 70-оят), дейилади. Оллоҳ

## ИЛОҲИЙ

## ИМКОНЛАР

## МАНЗИЛИ

инсонни ана шундай улуглагани, мўъжизалар маскани қилиб яратгани учун у юз йил яшаса-да, ўзида яширинган сирларнинг мингдан бирини ҳам тушунолмаي ўтиб кетади.

Албатта, у ақл-тафаккури, фаҳм-фаросати билан кўриб, ушласа бўладиган, неча-неча авлодини лол қолдирадиган бинолару Ойдан ҳам олис масканлар билан "тиллашадиган" ажабтовур ускуналар яратишда давом этаверади. Бироқ ботинида уша ҳайрат уйғотувчи мулку ашёлардан муҳташамроқ, улугворроқ мўъжизалар, сир мавжудлиги хусусида мушоҳада қилмай ўтаверади. Пайгамбарлар кўрсатган мўъжизалар ҳикмати, оддий одамлар ҳаётида юз берадиган гайритабиий ҳодисалар сири ҳақида ҳам кўп ўйланавермайди. Ваҳоланки, одам яратган нарсалар эмас, унинг ўзи мўъжиза. Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий "Кимёи соадат" асарида инсон вужудида пинҳон илоҳий қудратнинг улугворлигига шарҳ бериб, бундай дейди: "Шундай шариф ва комил дил эгалари бўладикки, улар фаришталар жавҳарига яқиндир. Бундай зотларга ўз танларидан ўзга мавжудот ҳамма вақт тобедир. Масалан, уларнинг ҳайбати шер ва йулбарсга тушса, шер ва йулбарс муте булур. Улар бирор беморга юзланса ва истаса, касал киши сиҳат топар. Тани соғ одамга ғазаб билан тикилса, бемор қилур. Агар ёмғир ёғмоғини истаса, ёғдирур".


Оллоҳ назар қилган бу табаррук зоти шариф комил зотларнинг истаги билан содир бўладиган гаройиб ҳодисалар тажрибада кўп бор кўрилганини таъкидлайди.

Муътабар манбаларда бир ривоят нақл қилинади. Нажмиддин Кубронинг уйига бир савдогар келганида ҳазрат қавий ҳолатда турган экан, савдогарга бир назар солиши билан валий даражасига өтказиб қўйибди. Савдогар тижоратни қўйиб, Кубронинг ижозати билан юртига кетибди ва элни Ҳақ йўлига даъват этиш билан умр ўтказибди.

Хуш, қайси институт, қайси ташкилот ёки маҳкама одамни бир зумда шу тарзда ўзгартира олади? Албатта, унинг машғулоти, касб-кори, мансаб-амалини эмас — ўзини, яъни сийратини. Одамни ўзгартириш дарёдан бир пиёла сув олиш ёки даладан ўтин те-

риб келиш сингари озгина ҳафсала билан битадиган жўн иш эмас. Чунки, одамнинг феъл-атвори, дунёқараши йиллар давомида шаклланади. У аста-секинлик билан метиндай мустаҳкамланиб, миянинг ҳужайраларигача михланиб кетади. Бу жараёнда шунчалик меҳнат зарур бўладикки, унинг ҳисоби-га ақл ожизлик қилади. Ахир, ота-она чеккан машаққат; боғча мураббияси ва мактаб муаллимининг меҳнати; тева-рак-атроф таъсири; радио, ойнаи жаҳон, матбуот сингари муассасалар сарфлаган заҳматни қайси ўлчовга сиф-

## Абдулла УЛУГОВ



дириб бўлади! Нажмиддин Кубро эса руҳиятидаги мўъжизакор қудрат билан бир одамни ўзгартириб юборган...

Инсон руҳидаги пинҳон имконларнинг миқёсига ҳаёл ожизлик қилади. Чунки ҳаёл кўз кўрадиган ҳодисаларнигина қамрай олади. Тасаввурда жонланган манзараларни ҳаёт воқеаларига қиёслаш, менгзаш мумкин бўлади. Нажмиддин Куброга қудрат берган илоҳий кучни эса тафаккури юксак киши ҳам қоғозда акс эттириб беролмайди. Ҳа, инсонда ана шундай гайришуурий салоҳият яширинган бўлади.

Инсон ақли билан яратилган фантехника мўъжизалари қанчалик улугвор бўлмасин, илоҳий мўъжизалар шарҳида, шубҳасиз, ночорлик қилади.

"Сенга лозимдурки, ҳақиқатингни талаб қилгайсен, ўз аслинг не нимарсадур ва не ердин келибсен ва не ерга

боргунгдур? Бу олам манзилгоҳига не ишга келибсен ва сени нима учун яратибдур? Саодатинг не ишдадур?" дея инсонга мурожаат этган буюк имом Ғаззолий, яшашдан мақсад ўзликни топиб, Ҳаққа эришишдир, дейди. Ана шундай ният билан яшаганлар инсоннинг олам мўъжизаси эканини, у сирли, қиёссиз илоҳий имконлар манзиллигини намойиш этганлар.

Албатта, Парвардигор ҳар бир бандасининг дилини унинг феъл-аъмолига яраша ва ўзи истаган даражада илоҳий имконлар манзилига айлантдириб қўяди. Марҳамати улуг Оллоҳ бандаларини неъматидан бенасиб қўймасдан, кунгиллари қатига уларнинг ўзлари англаб-англамайдиган ғайритаъриф қувватларни жойлагандир. Хусусан, туш — шарҳига ақл ожизлик қиладиган сирдир.

...Куз охирлаб, қиш ҳали кучга кирмаган пайт. Даладаги юмушлар тугаб, қишлоқларда тўй-томоша бошланган. Ҳавода қорнинг захри сезилади. Серқатов катта йул бўйидаги бекат гавжум. Одамлар тўйга отланган. Урта буй, оппоқ соқоллари кўксини тўлдирган қария оқсоқланганича уларга яқинлашди. Бекатдагилар қариянинг истиқболига юриб, ундан ҳол-аҳвол сўрадилар. Сал утмай қора от минган, баланд қомати ўзига ярашган, келбатидан қирқларни қоралаган одам ҳам келди. Қария ҳассасини дўқиллатиб унга яқинлашди-да, отнинг жиловидан тутиб, бундай деди: "Саломатмисиз, ҳосилот? Шу кеча тушимда отингиз эгарининг қоши учиб кетди. Худо ас-расин-да, бир фалокат бўлмасин! Биламан, тўй эгаси ҳам тун ёпишган қадрдонингиз, ҳам қавмингиз. Шундай бўлса ҳам, бугун кўпқарига борманг. Отингизни элтиб боғланг-да, майли, Термиз тарафдаги тўйга жўнанг. Улар ҳам ўзимизнинг қариндошлар. Ана, жўраларингиз ўша тарафга жўнамоқчи бўлиб турибди. Ҳамроҳ бўлинг. Автобус бирпасда етказади. Тўйни томошалаб, яна кечкурун қайтасиз". Онда-сонда кўчага чиқадиган, уйда уззукун китоб қараб, тасбеҳ ўгириб ўтирадиган бу чолнинг бехислат эмаслигини биладиган ҳамқишлоқлар оғиз очиб чурқ этишга журъат қилмади. Ҳосилот эса отидан ҳам тушмасдан қайсарлик билан: «Туш-пушингизни қўйсангиз-чи. Қачон қараса, элга эс

бўлиб юрасиз!» деди-да, отга қамчи босди. Жилов чолнинг қулида бўлганиданми ё бошқа сабаблими, от урнидан кўзгалмади. Жаҳлланган ҳосилот аччиқ билан устма-уст қамчи урди. Зарбнинг зўридан жонивор чолни суриб, қулидан жилов чиқиб кетди... Эртасига кечкурун юк машинасида ҳосилотнинг мажақланган мурдасини келтириб, қабрга қўйдилар... Кўпқарида узининг оти тепкилаб ташлабди. Қалласи торс тепасидан ўйилиб кетибди. Тудада айил бўшаб, эгар ортига сурилган, ҳосилот отнинг орқасига осилиб қолганми-ей...

50-йилларнинг адоғида юз берган бу воқеага гувоҳ бўлганлар ҳали ҳам гапириб, чолнинг ўшанда "Одамнинг бор бўлиши Худодан, хор бўлиши ўзидан" деганини бот-бот эслаб турадилар.

Албатта, хислат эгалари ҳам илоҳий имконларига ўз-ўзидан, осонгина мурассар бўлмайдилар. Кунгил кузини очиш учун гоят кўп риёзат чекадилар. Оллоҳнинг "Мен жин ва инсни фақат ўзимга ибодат қилмоғи учунгина яратдим" ("Ваз-зорият" сураси, 56-оят) деган каломига сидқидилдан итоатда бўлиб, риё, таъмасиз тортган машаққатлари эвазига мўъжизалар намойиш этадилар. "Ҳар бир оғирлик — машаққат билан бирга енгиллик ҳам бордир" ("Шарҳ" сураси, 5-6-оят) деган, барча сир у синоатни билгучи Парвардигор инояти билан улар ҳатто асбоб-анжом ва дорисиз даволайдилар, бу сингари ғайритаъриф ишлари билан инсоннинг илоҳий кудрат соҳиби эканини далолатлайдилар. Балки шунинг учундир, Сулаймон Боқиргоний инсонни улуғлаб бундай деган:

Ҳар ким кўрсанг, Хизр бил,

Ҳар тун кўрсанг, Қадр бил.

Бирор бир касб-корга астойдил меҳр қўйиб, риё, таъмасиз интилиш — инсондаги илоҳий имконлар дарвозасига солинган қалитдир.

Машҳур кимёгар Менделеев оламшумул кашфиёти — унсурлар даврий жадвалини тушида кашф этган. Альберт Эйнштейн ҳаётида ҳам худди шундай ҳодиса содир бўлган. Бироқ Менделеев ҳам, Эйнштейн ҳам ёки бошқа олимлар ҳам кашфиётлари тугилган лаҳзадаги ҳолатларини аниқ ифода қилиб беролмайдилар. Физиклар, кимёгарларгина эмас, ҳатто атоқ-

ли шоир, ёзувчилар ҳам машҳур асарлари қай тарзда ёзилганини тулиқ шарҳлай олмайдилар. Чунки у ҳолатлар — ҳали бандаси англаб етмаган сирдир.

Рухда таърифсиз тиниқлик пайдо бўлган лаҳзаларда киши вужудида қандайдир бир ҳолат рўй беради. Ана шу

Одамзод азал-азалдан жисман тозаариб, руҳан покланишни орзулаб келади. Шу ниятда у атторлик ашёларидан тортиб атом қуролигача, турли таълимотлардан то саноксиз қонунларгача ўйлаб топади. Аммо негадир ихтиро ва кашфиётларга овора бўлиб, Оллоҳнинг улғувор мўъ-



«Асалдан ҳам шириндир, эркаласа бобомлар...»

тозариш туфайли одам аллақандай юксакликка кўтарилади, узида қиёссиз бир ўзгариш содир бўлганини сезади. Қизиғи шундаки, бу ҳодисани атрофдаги одамлар сезмас экан-у, бироқ ҳайвонлар яхши пайқар экан. Шунинг учун илоҳий ишқ эгаси Мажнуннинг олдида энг ҳуркак жониворлар — кийикларнинг келишига эртақдаги ҳодиса деб қарамаслик керак.

жизаси бўлмиш ўз вужудига эътибор бермайди. Агар инсон тирикчилик ташвишларини унутиб, танасидаги ҳикматлар хусусида сидқидилдан ўйга толганида эди, илоҳий имконларини тулиқ англаган бўларди. Афсуски, одамзод Ойдан ошиб мўъжизалар излаб юрибди-ю, ўзи аслида илоҳий мўъжизалар манзили эканини билолмаяпти.



# Кашфиёт

## НОВЕЛЛА

**1956** йили 61 ёшида вафот этган Коррадо Алваро ижодининг дастлабки босқичида Италиянинг гекка қишлоқларида яшовчи дехқонлар ҳаётидан, туриш-турмушидан ҳикоя қилувчи сара адиблардан бири сифатида ҳурмат қозongan. Кейинчалик унинг ҳикояларида, ҳусусан, ҳажмдор романларида инсоннинг руҳий дунёсини изчил тадқиқ этишига мойиллик кўради. Алваронинг асарларида машҳур француз адиби Марсел Пруст (1871-1922) ижодий мактабининг таъсири яққол кўзга ташлана бошлади. Шу тариқа адиб ижодида реализмнинг ўзига хос янги қирраси — адабиётшунослар айтмоқчи, неореализм номоён бўлди, шаклланди, назарга тушди. "Кашфиёт" новелласи Алваронинг ана шу услубда яратган етук асарларидан. Унда нуаллифгинакам психолог ёзувчи сифатида образ руҳий келиш-маларининг энг назик тебратишларини бадиий тадқиқ этади. Ҳар қандай инсон феълида уграши эҳтимоли бўлган руҳий таназзул наҳзаларини танади ва бундай ноҳуш наҳзаларда инсонийлик қиёрасини сақлаб қолувчи куч ҳам инсоннинг ўзига ато этилганини кўрсатади.

**Б** у жаноб умрида қўлига қалам тутиб қогоз қораламаган ва ҳеч қачон кўнглини ёриб бировга бирор воқеани ҳикоя қилиб бермаган. Осойишта, ҳалол яшади, қариган чоғида рўзгорини тебратишга етарли маблағ жамғариб, шаҳар чеккасидан уй-жой қилди, уша ерда тинч-осуда умргузаронликни давом эттирди. Янги уйга кучиб утгач, нима бўлдию, алмисокдан қолган хат-қоғозларни куздан кечириб тартибга келтириб қўйишни кўнгли тусади. Галадонларни кавлаштираётиб аллақачон унутиб юборган — саргайиб, титилиб кетган қўлэзма-ларни топди. Ҳаётда кўпни кўрган одам эмасми, эски ёзувларга бирров-бирров куз югуртирдию уларнинг бахридан утиб, йиртиб ташлади. Айрим қоғозлардаги ёзувларда у дунёю бу дунё тилга олиб бўлмайдиган, оғиз очиб бошқаларга айтилмайдиган кўнгли султ кетиш дамлари ҳақида сўз юритилган эди. Мана, улардан бири, 19.. йил март ойининг 13-кўни деб бошланган варақ...

"Эрталабдан ҳаво айниди. Осмон иркит тусда, замин эса тор ва ҳаддан ташқари биқиқ. Аллақайларга бош олиб кетиш керакмикан?.. Қайққа, қай томон-

ларга кетаман?.. Бошпана топиш илинжида таниш-синашта жойларни бир-бир хотирадан утказасан, бироқ уларнинг бари хира ва совуқ рангларга бурканган нохуш жойларга ўхшаб туюлади: дарахтлар қилт этган ҳаво тўлқини сезилмайдиган фазода бесўнақай бир алфозда қотган; тоғлар бегона, денгиз хомуш ва бузариб кўринади. Одамлар эса гап-сузлари, дард-ташвишлари билан чучмал ва бетаъсир туюлади. Бундай пайтда кўнгил гоҳ у, гоҳ бу хотиралардан панох истайди, ҳаёл қадим хотиралар орасида сарсон-саргардон изғийди, таниш гўшалар кўз ўнгингда гавдаланади ва шу аснода кўз кўриб қулоқ эшитмаган кашфиёт қилиш керак, деган қарорга келасан. Инсон ҳаётида юз берадиган бундайин лаҳзалар беҳад хатарли: ахир, тақдири таваккал қилияпсан-а! Тасодифий учрашув, қўққисдан оғзингдан чиқиб кетган бир оғиз сўз бутун туриш-турмушингни остин-устун қилиб юбориши ҳеч гап эмас; шу боис бундай пайтларда оғир дардга дучор бўлган бемордек уйингда, тўрт девор орасида биқиниб ўтиришдан афзалроқ чора йўқ.

Ҳамма гап, мана, нимада: атрофимиздаги одамларга қандай инсон сифатида кўринишни истасак, шунга ҳаракат қиламиз, аслида қандай инсон эканлигини ўзимиз биламиз ва илло-билло асл қиёфамиз кўз-кўз булишини истамаймиз. Аксари бошқаларнинг назарида қандай одам бўлсак, ўзимизни шундай одам деб ҳисоблаб юрамиз. Шунга қарамай, баъзан ўзгаларнинг ўзимиз ҳақимиздаги тасаввурини эшитиб ҳайрон бўламиз. Ақлни ишлатиб кўрайлик: биз ўзимизнинг ташқи қиёфамиз ҳақида ҳам аниқ тасаввурга эга эмасмиз-ку, одатимизга айланиб кетган хатти-ҳаракату имо-ишораларимизни ҳам дуруст билмаймиз, кулганимиз ва сўзлашганимизда юз-кўзимизда кузатиладиган ифодаларни кўрмаймиз. Ваҳоланки, бошқалар айна шу аломатлардан келиб чиқиб қандай инсон эканлигимиз ҳақида муҳокама юритадилар ва бизни баҳолайдилар.

Кўпинча ўзимиз ўзимизни ураб-чирмаб ташлаган қобикни ёриб-очиб ташлашни ва узоқ йиллардан буён ўзгаларнинг назаридан пинҳон тутиб келган сиру синоатларимизни ошкор қилишни кўнгил тусаб қолади. Одатда бундай ниятлар ўзимиздан кўнглимиз тўлмаган, қониқиш ҳосил қилмаган ва аввалги яшаш тарзимизни бас қилиб буткул янгича яшаш истаги тўғилган дақиқаларда пайдо бўлади. Тўғри, эс-ҳушли одам учун ярашмаган одат бу. Шунга қарамай, айнан шу қабилда иш тутадиганлар бор. Аҳён-аҳёнда қулоққа шундай гаплар чалинади: "Эшитдингми, шу-ундай бообрў, боодоб, хушаҳлоқ Н. ёлгон-яшиқ билан юз минг лирни гўмдон қилиб юборибди-я!" Яна, нима эмиш, "Ўзидан нақ йигирма ёш кичик қиз билан топишиб, аллақайёққа бош олиб кетибди". Қарабсизки, Н. мутлақо бошқа одамга айланади, у ҳақдаги бурунги тасаввурингдан асар ҳам қолмайди; туриш-турмуши ва бутун умри алдам-қалдамдан ортмаган, муттаҳамлик ёхуд жуфтакни ростлаб қолишдан бўлак мурод-мақсади йўқ одам бўлиб чиқади.

Мен муттаҳамлик билан кун кўриш ва аллақайёқларга бош олиб кетиб яшаш ҳақида гапирдим, холос. Аммо-лекин бирмунча жун усуллар билан ҳам бошқа одамга айланиш мумкин, мисол учун, касб-кор ўзгартирилса бас, одату майлларинг, қилиқларинг ҳам ўзгара бошлайди. Бошқа одам бўласан-қоласан, ҳеч кимса танимайди. Ахир, танамиз ҳам муттасил ўзгариб турадию! Айтишларича, инсоннинг танасидаги ҳужайралар ҳар етти йилда тўласича янгиланади, эски ҳужайрадан бирортасиям қолмайди.

Хулласи калом, кишилар етти ухлаб тушига кирмаган тарзда, ҳеч бир режапежасиз ўз ҳаётини ўзгартирадилар: бундай ўзгариш туйқус юз берган дилнинг равшанлашиш онлари, ўз ҳаёт тарзини фавқуллодда янгилаш ва ўзга қиёфага кириш истагининг маҳсулидир.

Муҳими, ҳаёт тарзини ўзгартириш майлига кўнгил сушт кетмаслиги лозим. Бунинг қийин жойи йўқ: биргина имо-ишора ёки қилиқ билан ҳам кўп нарсани чаппасига айлантириб юбориш мумкин. Инсон зоти бир нарсани зинҳор унутмаслиги даркор: ҳар кас ўзига буюрилган тор қобикқа мослашиб, жойлашиб олмоғи ҳамда ўз чекига битилган юмушни адо этиб юришдан аёлороқ йўл йўқ. Шунда ҳаммаси жойида — ҳаммаёқ осойишта, кимнинг қандай инсон эканлиги, туқимтабиати ё ҳушмуомалами, муғамбирми ё соддадилми — ҳамма-ҳаммаси беш қўлдай аён бўлади. Шундагина феълингиз шахсиятингизнинг ўзгармас ва муқим қисмига айланади, у бўлар-бўлмасга ўзгарвермайди. Шундай ҳам бўла-

дики, артистга айрим қилиқлар мутлақо ўтиришмагани каби, муайян кишига буткул ёт қилиқлар, имо-ишоралар, хатти-ҳаракатлар ҳам учрайди. Ва ақл-ҳушимиз тўлишиб-тирсиллаб турган дақиқаларда ҳам барча амалларимиз узгалар назарида шаклланган феъл-атворимизга мос келиши ҳақида ҳисобот бермай-миз.

Гоҳо шунақаси ҳам учрайди: бирон мардумнинг ўтмишини кавлаштираверасан-кавлаштираверасан-да, уша банда ҳақидаги бор тасаввуринг остин-устун бўлиб ўзгаради: ҳамма у кишимни кўнгилчан ва одамохун ҳисоблаб юрган-у, у бўзуқ ҳаёлларини пинҳон сақлаб яшаган писмиқ нусха бўлиб чиқади; ёхуд, хотамтойлиги ва самимияти билан ном қозонган одамнинг яқин-атрофидагиларга нисбатан улғудай ҳасадгўйлиги фош бўлади, қупол ва феъли оғир кишининг қалби эса меҳр-муҳаббатга лиммо-лим, ўзи эса фариштатабиатлиги аёнлашади.

Мисол тариқасида айтсам, камина босиқ-вазмин одам сифатидан обрў-эътибор топганман. Эҳтимол, бошқаларнинг мен ҳақимдаги тасаввуридангина келиб чиқиб шундай хулосага келмаган бўлсам, аслида ҳам шундай. Бугунга ухшаш ҳаво тунд ва бефайз кунлар бир замонлар, ҳў-ў гўдақлигимда чеккан озорларимни эслаб тўсатдан дилим сиёҳ була бошлайман. Гапириб ўтиришнинг ўзи кулгилику-я, тошойна рўпарасида қаққайиб соқолни қиртишлар эканман, бетимдаги ҳар бир ажин ёки из пайдо бўлгани боиси ўзимга, ёлғиз ўзимгагина аён эканлигидан қалбимда оғир изтироб кўз очади. Қиёфамда сабр ва тоқат сурати зоҳирланар-зоҳирланмас қулогимдан томогим томон кетган сезилар-сезилмас ажин изи чуқур чандиққа айланади. Умрнинг энг дилкаш лаҳзаларидан бири — тошойнага термилиб турган лаҳзаларимиз, ўтмишимиз ва эҳтиросу ҳаяжонларимиздан ҳикоя қилувчи шохид — ўз қиёфамиз билан юзма-юз қоламиз. Тонгда ўз-ўзимиз билан мулоқот чоғидаги энг таъсириль жойи — чеҳрамизга битилган нафосатни англашдир. Мен ўтмишини ташкил этган жисмсиэ, лекин тирик оғриқдан ҳалос бўлишни орзу қилгандек қуринаётган кўзгудаги қиёфадошимга лоқайд қараган эмасман. “Э, ҳа-а, бу, ўзларимми? Ким бўладилар жаноблари, кўнгиллари нималарни тусайди? Истиқболда нималар кутмоқда, сизни?” деган саволлар билан сендан кўз узмай турган бу нигоҳ нималарга қодир! Инсон зоти бирки, ҳамма-ҳаммасини чин кўнгилдан сева олгинг, тушуниб етгинг ва уларнинг барига бутун вужудинг билан ишонгинг келади. Не боислардан ҳаммаси аксинча ва биз ўзимизни тарбиясиэ ва бебош болалардек тутамиз? Ахир, бир оғиз сўэ айтсак олам гулистон-ку!.. Йўқ, ҳеч ким шу бир оғиз сўэни айтмайди, айта олмайди...

Кўнларнинг бирида ғалати ҳодиса юэ берди. Кийиниб кўчага отланаётиб, бир зумгина ҳаяллаб стол ёнига ўтирдим. Кўз унгимда тақир, бўзранг девор, ҳар қаричи таниш, сувоқчининг андавасидан қолган изларгача таниш. Бу ёруғ дунёда девор қанча вақт қаққайиб турса, ушбу излар ҳам тураверади.

Хонамдаги жиҳозларни янада яхшироқ ҳис қилиш учун уларни бегона назар билан қузатаман. Ўз урнида турган ёки пала-партиш сочилиб ётган ҳар бир жиҳозу буюмдан садоқатли ва итоаткор жонзотнинг майин ва сокин товуши эшитилаётгандек бўлади. Улар ўзгармайди, улар менга бирдай садоқатли, мен ҳам уларга бефарқ эмасман. Ахир, хонамдаги муъжаз коинот қасрининг яратгувчиси менман, бу ерда мен томонимдан ўрнатилган ва абадул абад ўзгармас тартиб-интизом, ҳарқалай, узоққа бормайди: мен қанча умр кўрсам, шунча давом этади, тамом. Мени қўршаб турган ҳамма нарса сабр-тоқат, хотиржамлик ҳамда менинг донишлигимга, фозиллигимга ва яна бир қарра фозиллигимга бўлган ишонч-эътиқод билан нафас олади. Ҳали уйқуда ётган оила аъзоларим ҳам шундай ўйлайдилар. Ҳамманинг фикри шу. Ваҳоланки, арзимас бир нарса... Дейлик, салгина кўл учи билан...

Кўз унгимдаги беҳад силлиқ ва топ-тоза девор сатҳида каттагина сиёҳ доғи чаплашиб, ёйилиб бормоқда. Доғнинг ёйилишига ва гоҳ дарахт, гоҳ саккизоёқ, гоҳо эртақлардаги махлуқотни эслатувчи ғалати-ғаройиб шакл-шамойиллар ҳосил қилиб настага оқиб тушаётганидан кўз узмай ўтирибман. Бу — менинг ишим. Менинг қароматим бу. Бунинг учун ортиқ азият чекмадим, қўлимни салгина ҳаракатга келтирдим, холос — столда турган сиёҳдонни олиб деворга қараб отдим ва мутлақо янги воқелик кашф қилдим. Демак, ўзим янгиландим, янги жонзотга айландим. Айланган заҳотим хонамдаги барча буюмлар, жиҳозлар


узининг аввалги қиёфасини ўзгартирди: назаримда, китоблар, майда-чуйда лашлушлар, стуллар бир жойга уюлиб, даргазаб оталарининг вазоҳатидан ўтакаси ёрилаётган болакайлар каби бир бировининг пинжига кириб кетди. Баъзи фильмларда айна шундай манзаралар кўзга ташланади. Кўп ўтмай хонага оқсоч аёл кириб келади, у боқий ҳаётнинг саҳар палласидаги уйғониш лаҳзаларини ҳар сафар шу ерда қарши олади, мен эса бу пайтда стол ёнида уйчан-хотиржам утирган буламан. Оқсоч аёл бир менга қарайди, бир деворга анграяди, сўнг яна бамайлихотир утирган мен томон ўгирилади. Сўнгра менга, “Вой, шури-им, нима бўлди-и?” ёки, “Тавба-а, жаноб...” деса керак, ҳойнаҳой. Лом-мим демаслиги ҳам мумкин. Қаҳва кўтариб келган патнусини столга қўйиб, нафасини ичига ютганича бамайлихотир кўринишга ҳаракат қилиб, хонадан отилиб чиқиб кетиш истагини сездирмасликка уриниб, ўша заҳоти изига қайтар. Айна шундай манзаранинг шоҳиди бўлган одамдек, назаримда, оқсоч аёл зумда қўшни хонага чиқадийо ранг-кути ўчиб-гезариб ҳозиргина уйқудан уйғонган жаноб нима иш қилиб қўйганини айтиди ва... таҳликали ва хавотирли қиёфаларда тепамга қўрқапса кириб келаётган одамларнинг ҳаяжонини тасаввур қилиб турибман. Бу тонг ўғил-қизларим мен билан хайр-хўшни насия қилиб мактабга жунайдилар, уларга, отангиз жуда бандлар, деб айтишади. Мен эса бениҳоя хотиржам, ҳатто мамнун, рўҳим тетик ва кўнгилчан бир кайфиятда ўтирибман. Хонага аёлим кириб келганини кўриб унга жилмайиб қарайман, бироқ бу жилмайишим билан аҳволимни бешбаттар оғирлаштирган буламан: бундай вазиятларда жилмайиш ақлсизлик, овсарлик аломати ҳисобланади. Эҳтимол, даргазаб қиёфада кўринганим маъқулроқдир? Шундай қилсам, аёлим, “Нима, мазанг йўқми? Толиқдингми? Ётиб, дамнинг олишинг керак”, деб қўярда-қўймай тепамдан кетмайди. Аммо-лекин тиржайиб, барини ҳазилга йўйсам — адои тамом бўлганим шу, бу билан ўзимнинг ўзгаларга тушунтириб бўлмас телба-тескари қилигимни бешбаттар мавҳумлаштириб юбораман.

Тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганимни яхши тушунаман. Орадан неча йиллар ўтмасин, ўшбу вазиятда кечган лаҳзалар ҳаётимда қора доғ бўлиб қолаверади; энди одамлар менга бошқача назар билан қарайдилар, бир марта кутургдай бўлиб эгасига ташланган ўй ҳайвони ишончини йўқотгани каби, мана шу дақиқалар сабаб, бундан кейин атрофимдагилар менга эҳтиёткорроқ муносабатда бўладилар. Бурунги ҳолатимга қайтсам, табиий, ҳеч ким мендан ўшбу қилигим сабабларини сўраб-суриштирмайди. Бундан қатъи назар, айна шу дақиқаларда ҳукм сурган ҳолат бир умрга мени таъқиб қилаверади, кўни-қўшниллар, дўкончилар бундан хабар топадилар, оқсоч аёл-қизларнинг оғзидан менинг номим тушмайди. Яна қу-ўп йиллар киройи ва сипо яшаган тақдиримда ҳам, оила аъзоларим мени хастага, кўни-қўшниллар эса овсарга чиқарадилар. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса олпоқ деворга сивёҳдонни улоқтирган одамга ким ҳам ишонарди дейсиз? Ҳеч нарсадан ҳеч нарса стулларни синдириб ташлайдиган, дастурхонга терилган чинчиларни шарақлатиб ағдар-тунтар қиладиганлар ҳам учрайди. Фақат ундай нусхаларда бундай қилиқ одат тусини олгани учун ҳам бошқалар бундан ортиқ таажжубга тушмайдилар, улар учун бу, оддий ҳол ҳисобланади. Бироқ, кимсан шу-ундай жиддий ва сипо қиёфали жаноб...

Бу — шайтон васвасаси эди, холос. Сивёҳдон жойида турибди. Андавадан мерос излар элас-элас сезиладиган сип-силлиқ, топ-тоза деворда тангадек доғ-дўғ ҳам кўринмайди. Ҳикоя қилганларимнинг бари хаёлимда кечди, холос. Жар ёқасига яқинлашиб қолган эканман. Оқсоч аёл қаҳва кутариб кирди, жиҳозлару ёюмлар жой-жойида, оқсоч аёл турқи-тароватим одатдагидек аканини кўриб хотиржам тортади. У деворга кўз қирини ташлаб ҳам қўймайди, ҳозиргина хаёлларимни жунбушга келтирган уйлاردан у хабарсиз. Дунё гузал. Ҳамма нарса батартиб. Менинг ҳам эс-хўшим жойида. Хаёлларимни безовта қилган дайди уйларга келсак, улар ҳақида ҳеч кимга лом-мим деб оғиз очмаганим маъқул, уларнинг барини қалбимнинг кўз илғамас қаърига кўмиб ташламоғим керак. Ҳар бир киши ҳар кўни қилиши зарур бўлган жасорат ҳам шу”.

*Рус тилидан*

*Хуршид ДҲСТМУҲАММАД таржимаси*



Николай Амосов — машҳур жарроҳ, юракшунос олим, атоқли кибернетик. Ҷ бугун илмий фаолиятини юрак сирларини ўрганишга бағишлаган. Овозаси оламни тўтган бу гаройиб инсон бир неча йилдирки, бамисоли узлаётга текитиландек — олтавий ахборот воситалари билан, илмий жамоатчилик билан мулоқотларини тўхтатиб, хонақошнинг умр кечирмоқда. Ўзининг эътибори эътишга қаралганда, бу йиллар унинг ҳаётидаги энг оғир давр бўлган.

"Мен қариллик нима эканини

бор вужудим билан ҳис қила бошладим: танам, қўл-оёқларим оғирлашиб, юрган пайтда гандирақлаб кетардим, мадорсизлик мени бошдан-оёқ гўлаб олаётган эди. Ажал нақд тепага келиб қолган эди. Қўз ўрнинда умримнинг сўғиши ош йиллари бор "тароватни" билан намоен бўла бошлади... Шунда мен ўзимга ўзим хитобан "Йўқ!" дедим. Ва қариллик билан олишмоққа киришдим... Бугун шуни айта оламатки, ўз вужудимдаги тажрибаларим ҳозирга гакки бўлаётгани йўқ: қариллик текитиб, яшариб бораётганимни ҳис қилмоқдаман".

Николай Амосов ҳозир 82 ёшда.

Ҷ юрак хасталигини бошидан кечирган, танасига иккинчи марта кардиостимулятор ўрнатилган. Унинг юраши бу мураккаб усеқуна билан бундан ўн бир йил муқаддам "ошино" бўлган эди...

Академик Амосов экинчи хийлагина қўзилган ихтиёрий суқўтти бузиб, хориждаги олтавий газеталардан бирининг мухбири билан суҳбат қурди. Қўйида шу суҳбат асосида тайёрланган мақолани эътиборингизга ҳавола эътилоқдамиз.

АМОСОВНИНГ  
ЮРАК  
СИРЛАРИ

Қариллик дегани нима? Аввало, бу ирсий хужайраларда белгилаб қўйилган табиий бир ҳолатдир. Ҳар қандай тирик вужудда ҳам дастлаб ўсиш ва ривожланиш, кўпайиш жараёнлари кечади. Кўпайиш дастури ниҳоясига етгач (асосан қирқ ёшга қадар), инсон энди табиат учун, ўз биологик турини давом эттириш учун ортиқ даркор бўлмай қолади. Шундан сўнг қариш жараёни ўз йўли билан тезроқ ёки секинроқ кечаверади, бу энди одамнинг ўзига ато қилинган энергияни қай тариха сарф қилишига боғлиқ.

Ҳа, бизнинг ҳар биримизга ўлчаб берилган энергия заҳираси бор! Шу заҳирани сарф қилиб бўлдингизми — тамом, бу дунё билан хайрлашаверинг! Бу фараз соф назарий мазмунга эга, аммо у каламушларда тажриба қилиб куриб исботланган: агар ҳар қандай жонзот туғилган кунидан бошлаб шу энергияни иқтисод қилса, умри ўртача 30-40 фоиз узаяди.

Қарилликнинг иккинчи сабаби — жигарда, буйракда, мия ва бошқа аъзоларда турмуш муаммолари туфайли турли хил асоратлар тўпланиб қолишидадир. Бунда ташқи муҳит, бемаъни ҳаёт тарзи ҳам таъсирини ўтказди. Ва шу тариха одам аста-секин сафдан чиқиб қола бошлайди... Ниҳоят, жисмоний залвор ҳам камаяди, машқий кўникмаларнинг бузилиши кучаяди. Бу — қарилликнинг учинчи сабаби. Мен айни шу ҳолат билан курашмоққа қарор қилдим.

Бунинг учун махсус машқлар методикасини ишлаб чиқдим. Тажрибага қадар ҳар кун эрталаб уч километр масофага югурар эдим. Тажриба бошлангач, бу кўрсаткични икки баравар кўпайтирдим. Гимнастик машқларга келсак, ҳар бир машқдаги ҳаракатлар сони тўрт баравар оширилди. Ҳозир мен тўрт минг ҳаракат бажараман, шундан уч мингтасини гантел билан адо этаман. Гантелларнинг иккитаси беш килограммдан, биттаси ўн килограммдан иборат. Бундан ташқари, мунтазам равишда тош кўтариш машқлари билан ҳам шуғулланаман. Умумий ҳисоб билан айтганда, кунига уч-тўрт соат тош кўта-

риш машқлари билан банд бўламан. Қария одамга бундан бошқа қандай иш ҳам бўлсин? Эрталаб соат олтида радиони бураб, Би-Би-Си хабарларини эшитган кўйи бадантарбия қиламан. Кейин югуриш учун кўчага чиқаман. Шу кунларда ҳаво қаттиқ совиб, ер музлаб тойгончиқ бўлиб кетгани учун беш километрлик кунлик мажбуриятини хонанинг ичида гантел машқлари билан алмаштиришга тўғри келди. Барча ахборот телекўрсатувларини бадантарбия қилган ҳолда томоша қиламан. Шунга ўрганиб қолганман. Бадантарбиядан сўнг албатта совуқ ваннага тушиб ювинаман. Илгарилари бундан қўрқардим. Қарангки, қариллик туйғуси йўқ бўлди, нафас олгандаги ҳансираб-энтиқишлар ҳам барҳам топди. Яна аввалгидек бир оёқда туришга ўргандим. Бўлмаса, шимимни ўтирмасдан кия олмас эдим. Хотира, эслаш қобилиятига келсак, у мен уйлагандек яхшилангани йўқ. Лекин қон айланиш кучайди, буни ҳар ярим йилда текширтириб тураман.

“Бемухлат тажрибаларим” давом этган шу икки йил мобайнида касалга чалинмадим. Сўнгги йилларда пайдо бўлган стенокардия белгилари ғойиб бўлди. Ҳатто эски “душманим” — умуртқа поғонаси ҳам безовта қилмай турибди. Хуллас, ўзимни бутунлай соғлом сезмоқдаман. Энг муҳим ўзгариш шундан иборатки, вужудимда жисмоний бардамлик туйғусини ҳис қилиб турибман. Бундан ўн йил муқаддам, яъни юрагимга кардиостимулятор қўйилмасдан бурун қандай юриб-югурсам, ҳозир ҳам шундай юриб-югура оламан. Аммо кайфиятим яхши эмас: хўш, бу яшаришнинг нима зарурати бор? Анча бўлди, мен операция қилмай қўйганман. Саксон яшар чолнинг бошқалар юрагига сунъий клапан тикиб ўтиришининг ўзи эриш туюлади. Институт директорлигини ҳам аллақачон топширганман. Шу тариха мен касб-кор доирасидан четга чиқиб қолдим. Қарасам, ишни менсиз ҳам эплашяпти. Бир томондан, бу — яхши, демак, бошлаган ишим давом этапти.

Тажриба жараёнида шу хулосага келдимки, ёшликни ҳеч қачон қайтариб бўлмайди, лекин инсон вужудини яшартириш мумкин экан. Албатта, бу ирсий дастурни орқага қараб ҳаракатлантириш эмас, аксинча, нафақат мускулларни, балки регуляторларни ҳам узлуксиз машқ қилиш туфайли эришиладиган натижадир. У салбий жараёнларни вақтинча тўхтатиб, қариш жараёнини секинлаштиради. Ахир, мен бундан икки йил муқаддам бир оёқда 200 марта сакрай ёки тўсинга беш марта тортила олармидим? Ёки кунига беш-олти километр масофани илгаригига қараганда тезроқ югуриб ўта олармидим?

Табиийки, ҳаддан ташқари кучқувват талаб қиладиган бундай машқларни бажариш учун қай тариқа овқатланиш керак, деган савол туғилади. Кексаликнинг яна бир чатоқ томони шундаки, организмдаги синтез суръати сусайиб, парчаланиш суръати ўзгаришсиз қолади. Биобарин, кекса одам зарур миқдордаги оқсилнинг парчаланишига эришмоқ учун ёш одамга нисбатан кўпроқ жисмоний ҳаракат билан банд бўлмоғи лозим. Шунинг учун мен овқатланиш режими вақтинча катъий назорат қилиб бориш асосида ташкил этганман. Ҳозирги пайтда оғирлигим 52-53 кило, буйим — 168 сантиметр. Тамадди қиладиган емакларим ҳам оддий. Асосийси, овқатнинг калорияси кам бўлиб, мева-сабзавотлар кўпроқ бўлиши керак. Чунки уларда витамин, микроэлементлар, яъни организм нима билан тирик бўлса, шу нарсаларнинг барчаси мавжуд. Мен кунига тахминан 300 грамм хом сабзавот маҳсулотлари ва 100-200 грамм олма танаввул қиламан. Нонни иштаҳа билан ейман. Нонуштага ярим литрли кружкада сутли қаҳва ёки какао ичаман. Сарёғ, сметана истеъмол этмайман. Сабзавотларга ўсимлик мойини хотиним жуда кам миқдорда солади. Гуштдан ҳам ўзимни тияман. Эрталаб бир дона котлет, кечқурун бир паррак колбаса менга кифоя.

Алкоголь борасида шундай фикрдаман: ози — дори, кўпи — захар. Ёшлик пайтим ва вояга етганимдан

сўнг мен умуман ичган эмасман. Ўсмир кезларимда бир марта ичиб кўриб қаттиқ беҳузур бўлганман, шу боис ҳар қандай алкаголь ҳам менда нафрат уйғотадиган бўлиб қолган эди. Ёзувчи Дольд-Михайлик билан танишгунимга қадар бу ҳол давом этди. Биз у билан дўст эдик. Мен уни операция қилган эдим, афсуски, орадан беш йил ўтиб вафот этди. У майпараст эди. Ана шу одам менга ичишни ўргатди... Шу тариқа мен ўн беш йил чамаси яхшигина ичиб, яхшигина лаззат қилиб юрдим. Ҳозир ҳам ича оламан. Винони унча ёқтирмайман, аммо ўткир ароқ ёки коньяк бўлса, юз граммча ичишим мумкин. Агар меъёри билан истеъмол қилинса спирт организмдаги радионуклидларга барҳам беради ва ундан айтарли зарар келмайди...

Баъзан, инсон қанчалик бадавлат бўлса, унинг умри шунчалик қисқа бўлади, чунки у эртаю кеч бойлик топиш ташвишига, ҳаддан зиёда ейиши-ичишига берилиб кетиб соғлиғидан ажралади, деган фикрларни эшитиб қоламан. Бу гап нотўғри. Одам қанчалик бой-бадавлат бўлса, умри шунчалик узун бўлиши керак. Агар у бадавлат ҳамда ақлли бўлса, умрини узайтириш учун зарур шароитларни ярата олади. Муттасил бир бурда нон топишни уйлаб яшаш эса кишини қирқ ёшидаёқ қаритади. Афсуски, бугун аксарият-кўпчилик шундай ҳолатни бошидан кечирмоқда, негаки, жамият қашшоқ.

Бундан ташқари, умрнинг узун-қисқалиги инсоннинг феъл-атворида ҳам боғлиқ. Бировга ҳасад қилмайдиган кишилар ҳаммадан узоқ умр кўради. Ён-атрофидагиларга хушмуомалада бўладиган оққўнғил одамларнинг ҳам умри дароз бўлади...

Дўстим — академик Лошкарёв кўпдан буён “бошқача физика мавжудлиги, баъзан у биз билган физика билан туташганида мўъжизалар рўй бериши” ҳақида фикр юритиб келади. Кибернетик олим сифатида шу хусусда, яъники одамларнинг руҳиятига қандайдир махфий воситалар ёрдамини таъсир ўтказиш билан боғлиқ турли мишмишларнинг ҳақиқатга нечоғли

тўғри келиши хусусида гоҳо мендан ҳам сўраб қоладилар. Мен бу масалалар билан жуда қизиқаман, бу борада амалга оширилган ишлардан ҳам хабардорман. Чиндан ҳам, кўпгина мамлакатларда психотроп қурол яратиш муаммоси юзасидан тадқиқотлар олиб борилади. Собиқ СССРда КГБ, Мудофаа вазирлиги каби идоралар бу масала билан қаттиқ қизиқар, экстра-сенслар, гипнозчиларни махфийлаштиради. Аммо бу соҳада бирон бир жиддий натижага эришилгани йўқ. Фарбда ҳам худди шу аҳвол. Кўпинча аниқ самаранинг ўрнини хомхаёл эгаллайди. Лекин тадқиқотлар давом этмоқда ва айтиш мумкинки, вазият унчалик ҳам умидсиз эмас. Бироқ, баъзилар шов-шув қилганидек, бутун мамлакатни “гипноз қилиб ташлаш”, бу — бориб турган уйдирма.

Экстрасенсорика масаласига келсак, у албатта, бор нарса, лекин уни ҳаддан ортиқ бўрттириш керак эмас. Баъзан экстра-сенс рақ касалини даволабди, деган ғирт ёлгонларни эшитиб, ёқангизни ушлаб қоласиз. Умрим давомида мен буни исботлайдиган бирорта ҳам: далил кўрмадим, ваҳоланки, эллик беш йиллик врачлик фаолиятим мобайнида кўп нарсани бошимдан кечирдим. Экстрасенсор услубга асосланган даволаш йўлларининг “қудрати” ни ҳам сезмадим. Улар бизнинг рационал медицина билан мусобақалашолмайди. Гиёҳ билан даволаш ҳақида ҳам шу фикр-ни айтиш мумкин. Гиёҳлардан одам шифо топиши мумкин, бу ҳақда баҳс бўлиши шарт эмас, аммо ҳар жойда ўсгани учун уларнинг меъёрини аниқ белгилаш мушкул, шу боис, меъёри тўғри белгиланмагани туфайли анъанавий дори-дармонлар қанчалик зарар келтирса, улар ҳам шунчалик зиён қилади.

Энди худога ишониш хусусида. Агар мен худога ишонсам эди, қанчалар соз бўларди! Ахир, худога ишонч-нимада акс этади? Инсоннинг улмас-лигига бўлган эътиқодда. Худога астойдил ишонадиган одам, озми-кўпми пок-ҳалол яшаган бўлса, ўлимидан сўнг бошқа дунёга қадам қўйишига асло шубҳа қилмайди. Ҳар қандай

диндаги ҳудожўй инсон учун ўлим борлиқни маҳв этгувчи куч бўлиб туюлмайди. Диннинг бош моҳияти ҳам ана шунда. Бинобарин, дин улуг бир неъматдир. Зеро, инсонларда нимагадир ишониш эҳтиёжи мавжуд. Инсон жамоат бўлиб яшар экан, йўлбошчиға ишониши керак. Гуёки ёш бола оёққа туриб мустақил бўлгунига қадар отасига ишонганидек. “Худо бизга бирон иш қилиб бермайди, аммо шу ишни қилишимизга ёрдам беради”. Кўриб турганингиздек, бу тушунча гоёт беғараз ва аини вақтда барчани бирдек қаноатлантиради. Худо гоёси мияларимиз нейронларига мустақкам ўрнашгани учун моддий тус олган. У бамисоли социализм гоёсига ўхшайди — утопия, лекин моддийлашган шаклда. Демак, худо ўйлаб топилган, аммо миллиардлаб одамнинг мия нейронларига чуқур жойлашгани, миллион-миллион китобларда тарғиб қилинган сабабли худди табиат ёки техника сингари моддий бир тушунчага айланган. Бинобарин, аксарият кишиларнинг (барчанинг эмас) ирсий ҳужайраларида эзгуликка ишонч ре-цепторлари, яъни идеалга эҳтиёж бор. Бу нарса фақатгина эзгу худо гоёсининг “биологик” экани билан изоҳланади. У жамиятга катта ижобий таъсир кўрсатадиган қудратли куч сифатида маълум.

Шунинг учун мен ўз даҳрийлигимни тарғиб қилмайман, дин тарғиботи эса шубҳасиз, наф келтиради. Коммунистларнинг динни ман қилганидан халққа коллективлаштириш, репрессия деган балолардан кўра кўпроқ зарар етган. Бу ҳол, ўз навбатида, инсон феъл-атворида худбинлик ва тажовузкорликнинг кучайишига, унда бешафқат майлларнинг авж олишига олиб келади. Инсон табиатан бошқа жонзотларга қараганда тажовузкор ва бешафқат. Аммо эволюция унга тафаккур ато этгани учун у кашф этиш, ихтиро қилишга ҳам қодир. У ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир ҳис-туйғусини машқ қилдириши, жумладан, шафқатсизликни ва тинчликсеварлик майлларини ҳам машқ қилдириши мумкин. Олижаноблик майлини инсон ўзи мансуб бўлган тур вакилига нисбатан бошқа жонзот-



ларга қараганда ортиқ даражада намоён қилмайди. Худбинлик, худпарастлик ва шафқатсизлик одамзотда шу қадар кучлики, бу соҳада доим ҳам охири бахайр вазиятларни бошорат қилиш амримаҳол. Эркинлик, хусусий тадбиркорлик инсондаги худбинликни ривожлантиришга хизмат қилади. Ёлғиз дингина одамларни бирлаштириб, меҳр-шафқат деган нарсаларни ёдга солиб туради.

Сиз, эҳтимол, у ҳолда табиат бундай худбин, тажовузкор ва бахил жонзотга қандай чидайди, деб сўрарсиз. Ақл-идрок соҳиби бўлмиш одамзотнинг асосий яшаш тамойили — ҳаётдан ҳузур-ҳаловат, лаззат олишдан иборат. Албатта, инсон оиласини, жамиятни ўйлаб, ҳатто келажакни деб меҳнат қилади, аммо буларнинг барчасида уни ҳаракатга келтирадиган бош омил шундан иборатки, у бундан лаззат олади. Иккинчи томондан эса, доимий қониқмаслик ҳисси уни бетиним ҳаракатга солиб туради. Инсоннинг биологик моҳияти унинг тафаккур қудрати билан узлуксиз зиддиятда бўлади... Бизнинг очкўзлигимиз, танбаллигимиз, пешқадимликка интилиш каби цивилизация томонидан рағбатлантириб туриладиган хусусиятлар биосфера ва башариятга бевосита хавф солмоқда...

Хуш, нажот йўли қайда? Яна тош асрига қайтишдами?

Мен бир вақтлар "Инсониятни бир миллиард гўштхўр ва ярим миллиард автомобилчи ҳалок қилади" деб айтган эдим. Ушанда фикримни бирмунча қуюқлаштириб ва кўполроқ тарзда ифода қилган эканман. Аммо ҳамон шу нуқтаи назардан қайтган эмасман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: агар овруполик ва америкаликлар ҳам Жанубий-Шарқий Осиё халқлари сингари жуда оз миқдорда гўшт истеъмол қилганларида эди, улар учун йилига жон бошига 300 килограммдан дон кифоя қилган бўлур эди. Ҳолбуки, цивилизациялашган оврупо жамиятида киши бошига йилига 1000 килограмм дон тўғри келади. Уч баравар кўп! Бу дон қаёққа кетяпти? Табиийки, гўшт етиштиришга. Озиқ-овқат дефицити эса, биринчи галда, қанча гўшт ва

гўшт маҳсулотлари истеъмол қилингани билан белгиланади. Шунинг учун ҳам мен гўштхўрлар цивилизацияни барбод қилади, деб айтаман. Автомобилчилар эса ҳавони заҳарлайди...

Эшитишимга қараганда, ҳамкасбим — микрохирург Святослав Фёдоров ўз умрини программалаштириб чиққан эмиш, ҳатто кунни қачон битишини вақт-соатигача олдиндан аниқ билар эмиш. Агар менинг юрагим хаста бўлмаганида ва стимуляторга суяниб яшамаганимда эди, озми-кўпми ишонч билан 90 ёшгача яшайман, деб айта олган бўлур эдим. Ҳозир эса... ҳозир менинг тажрибам исталган лаҳзада поёнига етиши мумкин... Боз устига, энди ҳаёт ҳам мен учун аввалги жозибасини йўқотди. Табиий эҳтиёжлар кескин камайди, ижтимоий манфаатлар барҳам топди, чунки менинг



Юз билан юзлашган умр дуоси:  
— Илоҳим бандасини иймондан айирмасин!

жамиятдаги мавқеим тубдан ўзгарди, севикли касбимга яроқсиз бўлиб қолдим. Шуҳратпарастлик мени ортиқ безовта қилмай кўйди. Хўш, ҳаётимга маъно-мазмун бағишлайдиган яна нима қолди? Оддий қизиқувчанлигу мутолаа. Афсуски, у ҳам кундан-кунга камайиб бормоқда. Дарвоқе, яна бир нарсa — “бошқа физика”, яъни экстра-сенсор ҳодисалар ҳам мени бирмунча ҳаяжонлантиради.

Баъзан ўйга толиб қоламан: наҳот, ҳаёт аталмиш бу буюк қудрат,

буюк укубатнинг ниҳояси фақат шу бўлса? Очик эътироф этолмайман, аммо кўнглимнинг туб-тубида бир илинж милтиллаб туради: балки туйқусдан худонинг жамоли намоён бўлиб қолар? Инсон тафаккурининг ўзига хос жиҳати ҳам шунда. Бундан нарида ҳеч нарсa йўқлигини билиб тураман, аммо барибир ҳаёл... Қани эди, мен ҳам худонинг борлигига ишонсам, унга иймон келтирсам ва дилимни ўртаб ётган беҳисоб саволларга жавоб топсам!..

*Мухтарам журналхон! Мана, асримизнинг улкан алломаларидан бири бўлмиш академик Николой Амосовнинг зиддиятли фикр-қарашлари билан танишдингиз.*

*Қанчалар эътиробли тазарру!*

*Бу улкан тафаккур соҳибининг мардона эътирофлари кўнглингизда ҳам ҳайрат, ҳам таассуф уйғотган бўлса, эҳтимол.*

*Бу — бир ярат. Даҳрийлик — худосизлик, иймонсизликнинг қандай аянчли оқibatларга олиб беришини аниқлашчи ёрқин бир далаил. Суҳбатдошимиз қанчалик теран илм ва заковат эгаси бўлса-да, унинг қалбидa Рухнинг барҳаётлигига ишонч йўқ.*

*Унинг барча руҳий тараққуслари, маънавий ҳаловатсизлиги, юрагини кўрғошиндай кемпрувчи шубҳа-гумонларга ҳам аслида шў ҳол сабаб эмасмикан?*

*Эътибор қилган бўлсангиз, муаллиф ўзининг қарилмадан, Бинобарли, Улимдан кўрқмаслигини қайта-қайта писанда қилади. Аммо унинг сохталиги биллииб қоладиган кўтаринки таъкидлари замбирда ниҳоннинг номълумлигидан кўрқув ҳисси яққол сезилиб туради.*

*Сир-сноатга тўлиқ борлиқни фақатгина моддийчилик нуқтаназаридан тушуниш ва тушунтиришга бўлган урниниш ана шундай бесамар ва янглиш натижаларга олиб келади.*

*Ҳазрати шайх Башир Хофий бундай деганлар: “Улимдан кўрққаннинг кўнглида шак бордир. Мўмин киши Улимдан кўрқмагай. Чунки Улим Ҳақ Таолога етиштирувчи восттадирким, мўмин ундан қочмаслиги позил”.*

*Амосовнинг тажрибаларидан келиб чиқадиган яна бир хулоса шунки, маънавият нури билан, ялғиз ёғду билан йиғрилмаган илм бамисли қисми урэн сингари гариб ва бежаводир. Бу тажриба даҳрийлик йўли ҳар қандай буюк ақл-парокни ҳам боши Берк кўчага элтишидан даполат беради. Оллоҳни танимаслик, унга иймон келтирмаслик, фақат шў фоний дунёга били қўлиб, охираат дунёсини тан олмаслик, дунёвий илмдан ўзга ялғиз — ялғиз қайб’ул эътироф этмаслик инсон ҳаётини моҳият ва маъносидан маҳрум қилади, одамзод табиъатидаги муаллиф кескин қоралаган номарғуб хислатларнинг авж олишига сабаб бўлади.*

*Дарҳақиқат, шопр топиб айтганлидек: “Сени таниммаган кимсалар шўрлик...”*

ТАҲРИРИЯТ

Ҳаётининг нураккаб, зиддиятини, эврилиши нуқталарида тарих саҳнида муҳом буюк шахслар пайдо бўлади. Уларнинг тақдирини те-  
рақ тадқиқ этмай туриб, қша тарихий нуқталардаги ижтимоий-  
сий ҳаракатни тугал англаб етиши мумкин. Ана бир муҳим жиҳатини  
шундаки, бу буюк шахслар қисмати давр воқеа-ҳодисалари воситасида  
бир-бирига узвий боғланиб кетади. Бир инсоннинг текшиги тузилган фожиа  
иккинчи бир зотнинг келмишида ҳам акс садо бериб туради.

Қадим Туркистоннинг хуфриятларвар, маҳрифатларвар фар-  
зандлари — Абдурауф Қўшраб ва Қрайзулла Хўжаев ана шундай  
— ҳаёти тақдир ойинасида бир хилда акс этган тақдирдош, қис-  
матдош инсонлар эди. Ул зотларнинг ҳар иккиси ҳам муборақ  
затин — Бухорои шарифда табаллуқ топди. Ҳар иккиси ҳам  
амирликнинг дунёвий маҳрифат нуридан анга бебахра қолган муҳи-  
тида воқеа етди ва бу тузунни ислоҳ қилишга бел боғлади; ҳар икки  
аждоғимиз ҳам большевикларнинг эски сийсий тизимларга қарши  
курашини дастлаб ялғизлик сари отилган йўл деб тушуниди ва тез  
орада бу фикр хато эканига ишонг ҳосил қилди; халқимизнинг ҳар  
икки курашган, ҳалолу ҳақиқӣ фарзанди ҳам охиқ-оқибатда ёвуз  
тузуннинг қурбони бўлди. Хулмас, бу шахслар тақдири фақат бир  
мақсад — Ватан озодлиги йўлига бағишлангани боис ҳам тоят  
муштаракдир. Зеро, буюк ва олий мақсад йўлидаги бирлик инсон-  
ларни диндош, диндош ва тақдирдош этади.

Ватанимиз истиқлоли шарофатидан Абдурауф Қўшраб ва  
Қрайзулла Хўжаев тақдиридаги ўхшаш ва экин жиҳатлар ана бир  
қўтлуқ воқеа билан бойийдган бўлди. Ҳукумат қарорига мувофиқ  
бу нўрғабар зотларнинг табаллуқ тўғлари — Абдурауф Қўш-  
рабнинг 110 ешига, Қрайзулла Хўжаевнинг 100 ешига тўғлани —  
муस्ताқил Ўзбекистон истиқлолининг беш йиллик байрати татбиқана  
қилинадиغان йилда нишонланадиغان бўлди. Озодлик курашчиларининг  
муборақ тўғи озодлигимизнинг беш йиллигига тўғри келгани ҳам  
тақдир қаромати бўлса ажаб эмас!

Маҳрифиятимиз чўр бўйи Ҷеҳоз ва шоирд, сирдош дўст бўлиб  
яшаган бу икки буюк тақдир соҳибини хотирлашга ҳазин этар экан,  
уларнинг номини ҳурман саҳифаларида ҳам етма-ен топ этишини  
лозим топди.

Севара ҚАРОМАТИЛЛАХҶАЕВА

# ҚАЛБИМТА МАҢТУ МУХРЛАҢТАҢ...

Абдурауф ФИТРАТ ҳақида хотиралар



«Отамни сўнгги бор олиб кетганларида мен саккиз яшар қизалоқ эдим...» (Севара Қароматиллаҳжаева — иккинчи қаторда, унгдан биринчи)

Отамни сўнгги бор олиб кетганларида мен саккиз яшар қизалоқ эдим. Лекин у киши билан боғлиқ хотираларни яхши эслайман.

Онам Ҳикматой Фитратова (асл фамилияси Қандова) 1932 йилда отамга турмушга чиққанида 19 ёшда экан. Бу воқеа Самарқандда бўлган. Орадан кўп ўтмай жумҳурият пойтахти Тошкентга кўчган. Шундан сўнг отам ҳам оиламиз билан Тошкентга келган. Аввалига биз Олой бозори яқинидаги бир кўчада — ҳозирги шаҳар прокуратураси жойлашган уйнинг ёнгинасидаги кичкина бир хонадонда истиқомат қилганмиз. Кейинчалик, онамнинг айтишича, Гулистон деган жойдан каттакон ҳовли сотиб олиб яшай бошлабмиз. Гулистон Бешоғоч ва Чақар даҳаси ўртасидаги обод манзиллардан эди. Бу кўчадаги уйлар ташқаридан қараганда унча даббали бўлмаса-да, лекин пишиқпхта қурилган, кўпчилиги ичкари-ташқарили эди. Бизнинг ҳовли Қўрай гузаридagi 116-рақамли уй эди. У ҳам кўш дарвозали, ичкари-ташқарили, саҳнлари кенг, уйлари пешайвонли, ёруғ ва баҳаво ҳовли эди. Бир ёнида болалар уйи, иккинчи ёнида эса боғча мураббиялари тайёрлайдиган техникум бўларди.

Отam ҳовлига онасини ҳам кўчириб келган эди. Настар биби жуда доно, ўқимишли, ҳар бир гапини ўйлаб, чертиб-чертиб гапирадиган аёл эдилар. Унча қари бўлмаса-да, ҳаёт аччигини кўп татиганидан қадди анча букчайиб қолган эди. Аммо ҳеч кимга сир бермас, тақдирдан шикоят қилмас, бошини ҳаммиша тик тутарди.

Отаси савдогар бўлган экан. У киши оиласини ташлаб кетган пайтда отам жуда ёш бўлган. Отаси Марғилонга бориб уйлангач, бир қиз кўрган. Маҳбуба деб исм қўйганлар. Настар биби отамнинг ўғай синглисини унча хушламаган, ўйига келишига ижозат бермаган. Айни чоғда бибимиз ҳеч кимга



"Онам Ҳикматой Фитратова отамга турмушга чиққанида 19 ёшда экан..."

турмушидан, эридан зорланиб бирон оғиз гапирмас, қули ишдан бўшади дегунча китоб ўқир эди. Кўпинча кечки пайтлар ўғли билан бирга китобхонлик қиларди. Она-бола бир-бирини жуда яхши кўрарди. Отам ҳар гал ишга кетар экан, албатта онасининг ҳузурига кириб салом берар, қандай ётиб-турганини суриштирар, нималарга муҳтожлигини сўрар эди. Кечкурун ишдан қайтганда ҳам онасига салом беришни қанда қилмас, баъзан эса кечки овқатдан кейин алламаҳалгача онасининг ёнида чақчақлашиб ўтирарди. У киши тез-тез онасини совға-салом билан сийлаб турарди. Бир куни қалам ҳақи олганида бибимизга тақинчоқ олиб келди. Онанинг боши осмонга етиб, ўғлини узоқ дуо қилди. Отам қамалганидан кейин Настар биби узоқ яшай олмади — уруш йилларида вафот эди. Оллоҳ раҳмат қилсин!

Гулистондаги ҳовлимиз жуда файзли эди. У ерда гул бениҳоя кўп бўларди. Бир тараф — телпақгул, бир тараф — атиргуллар, яна бошқа анвойи гуллар... Уларга отамнинг ўзи қарарди: қулидан гулқайчи тушмас, бутоқларни тинимсиз қирқиб турар, сугорар, тагларини юмшатиб, ўғит солар, сира эринмас эди. У киши ҳар куни гулдасталар саралаб, хонтахта устига кўярди. Отам гулларнинг рангию атринигина яхши кўриб қолмай, улардан дори-дармон ҳам тайёрларди. Айниқса, атиргул баргларида мураббо пиширишнинг сирини яхши биларди ва уни доим кишига қувват берувчи дармондори сифатида истеъмол қиларди.

Ҳовлимиз файзли бўлганиданми ё бошқа сабабданми, уйимиздан меҳмон аримасди. Энг кўп келадиганлардан бири Ғафур Ғуллом эди. Отам у кишини ҳурмат қилар, қувноқлиги ва гапга чечанлигини ёқтирарди. Ғафур Ғуллом ҳовлимизни шу қадар ёқтириб қолган эдики, кейинчалик Арпапоё кучасида бино этган уйини бизникидан нусха кўчириб қурган эди. Элбек, Лоҳутий, Шайхзода ва Чўлпон сингари ижодкорлар ҳам кўп келиб турарди. Чўлпон домла кўпинча дўппи кийиб келардилар. У кишининг иккита дўпписи бўлиб, бири мошранг, иккинчиси жигарранг духобадан эди. Қанд касали бўлгани учун ёнида қутичага солинган дори олиб юрар ва ҳазиллашиб: “Бу — менинг қандим”, дердилар. “Қандингиздан менга ҳам беринг” десам, куларди-ю, бермас эди. Иззат Султон отамнинг аспиранти эди. Шу боис у киши ҳам тез-тез келиб турарди. Уйимизга яна форсий тилни яхши биладиган руслар ҳам ташриф буюрарди. Улар орасида иккита новча, хипча эркак айниқса диққатимизни тортар эди. Кейин билсақ, улар атоқли шарқшунослар Евгений Бертельс ва Болдирёв экан. Меҳмонлар орасида фақат таниқли одамларгина эмас, оддий кишилар ҳам кўп бўлган. Уйимизга уша кезларда тез-тез келиб турган бир ҳинди йигитни айниқса яхши эслайман. Иسمи Фақир Мамат эди. У қайсидир бир институтда таҳсил оларди. Афсуски, отам ҳибсага олингач, кўп ўтмай у ҳам қамалди. Кейинги тақдири қандай кечганини билмайман.

Отамнинг меҳмонлари фақат шоиру адиблар эмас эди, улар ичида санъат аҳли, айниқса, мусиқага, қушиққа ихлосманд одамлар ҳам бўларди. Кўчамизнинг бошида машҳур ҳофиз Домла Ҳалим Ибодов турардилар. У киши бирор кун ҳам бизникига киришни қанда қилмасди. Домла баъзан Тўйчи ҳофизни етаклаб келарди. Меҳмонлар орасида ёш бўлса-да, аллақачон доврўф қозонган Карим Зокиров ҳам бўларди. Отам у кишини жуда яхши кўрарди. Ҳовлидаги катта уйнинг тепаси шийпон эди, одатда уша ерда ўтириларди. Шоирлар тўпланиб қолса, шеърхонлик бўлар, мумтоз шоирларнинг ғазалларидаги айрим байтлар ва ҳатто айрим сўзлар хусусида баҳс юритилар эди. Ҳофизлар даврасида эса дутор ва танбур садолари янграр, юракларни ўртовчи қушиқлар жарангларди. Бундай ўтиришлар узоқ давом этарди. Баъзан китоблар ҳақида мунозара кетарди. Отамнинг жуда катта кутубхонаси бўлган. Кутубхонаси торлик қилиб қолгач, яна махсус бир хона қурилган эди. Китоблар ичида араб, форс, ҳинд, турк тилида битилганлари кўп эди. Рус ва Оврупо тилларида ёзилган китоблар ҳам анча эди. Меҳмонлар кўпинча уларни қулига олиб кўрар, баъзан битта-ярим китобни отамдан сўраб олиб кетардилар.

Шеърхонлик қилинмаган кунларда шоҳмотбозлик бўларди. Отам шоҳмотга жуда ишқибоз эди. У кишининг фил суюгидан ишланган ажойиб шоҳмоти бор эди. Жуда берилиб ўйнардилар. Доналар устида кўп ўйланар, баъзан тонг отгун-

ча шоҳмот тепасида қолиб кетган кезлари ҳам бўлган. Эҳтимол шунинг учундир, бувим — онамнинг онаси икки-уч айтиб, отамни бу уйиндан қайтармоқчи бўлган. Аммо бир иш чиқмаганидан кейин, у кишининг буйруғи билан мен шоҳмотни маҳалла чойхонасига олиб бориб берганман.

Отам Самарқанддан Тошкентга келганимиздан сўнг Тошкент Давлат педагогика институтида дарс бера бошлади ҳамда Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб хизмат қилди. У кишининг педагогик маҳорати беқиёс эди, нотиклик санъатини яхши эгаллаган эди. Ўзбек ва Шарқ мумтоз адабиётини жуда яхши билар, кўпгина адабий матнларни ёддан ўқий оларди. Шунинг учун кўп ўтмай, дарслари тилга тушди, талабаларнинг ихлоси ортгандан ортди. Отам илмий ходим сифатида ҳам зукко олим эканини аллақачон исбот қилган эди. 30-йилларда у кишининг мумтоз адабиётга бағишланган бир талай тадқиқотлари эълон қилинди. Аини чоқда отам бадиий ижоддан ҳам тўхтагани йўқ. Менга шуниси аниқ маълумки, 30-йилларнинг иккинчи ярмида у киши композитор Мухтор Ашрафий билан бирга Бухоро амирлиги тарихига оид опера яратиш борасида ижодий ҳамкорлик қилган ва “Тулқин” деб аталган опера либереттосини ёзган. Операнинг намоиши бўлди, унга қалам ҳақи ҳам олинди. Лекин асар қайта сахна юзини кўрмади — отамни қамоққа олдилар. Шундан бир оз ўтгач, опера ҳақида тақриз чиқди. Унда афсус ва надоматлар билан “халқ душманининг асари сахнага қўйилгани” айтилди, қанчадан-қанча маблағ ҳавога совурилганидан шикоят қилинди.

Йиллар ўтиб, мен Мухтор Ашрафийдан опера либереттосининг тақдирини сўрадим. Ашрафий: “Мен уни уша пайтдаёқ ёқиб юборганман!” деб жавоб қилди.

Отам қамалишидан сал аввал яна бир-икки бор таҳқирли воқеани бошдан кечирган эди. Уша кезларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш туғрисида ҳукумат қарори чиққан ва бу қарор ўта шафқатсизлик билан амалга оширила бошлаган эди. Кўплар ўн-ўн беш дақиқа ишга кечиккани учун ҳам қамоққа ҳуқм этилган эди. Нимадир бўладию, отам ҳам ишга 5 дақиқа кечикиб қолади. Дўппи деса бош олиб келишга одатланган идора раҳбарлари дарҳол пашшадан фил ясайдию у кишининг ишини судга оширади. Уни олти ойга мажбурий хизматга маҳкум этадилар, яъни олти ойгача маошидан муайян қисми давлат фойдасига мусодара қилинади.

Отам 1934 йилда Эрон шоҳи юборган совға — ноёб китобни олгани учун икки кеча-кундуз НКВДда тергов берган.

Отам бағрикенг, саховатли, олижаноб одам эди. У киши теварак-атрофидагиларга қўлидан келганча ёрдам беришга интилар, муҳтожларнинг ҳолатини чиқаришга ҳаракат қиларди. Уша пайтлардаёқ дунё миқёсида танилган олим, машҳур ижодкор бўлишига қарамасдан, жуда камтарона ҳаёт кечирар, “нафс балоси” деган нарсадан узоқ юриш пайида бўларди. Бир мисол айтاي. Отам Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хужаев билан дўстона алоқадан эди, уникига тез-тез бориб турарди. Файзулла Хужаев ҳам отамни сидқидилдан ҳурмат қилар, иззатини жойга қўйишга уринарди. Шундай яқинликка қарамасдан, отам бу юксак мартабали дўстидан имтиёз ва қулайликлар сўрашга ҳаракат қилмаган. Уларнинг дўстлиги икки ҳамюртнинг, икки ҳамфикр олимнинг ҳолисона, самимий дўстлиги эди.

Отам ҳовлимиздаги бир хонани ёш шоир Насриддин Раҳимийга бериб қўйган эди. Насриддин Раҳимий ҳам бухоролик бўлиб, «Нун Раҳимий» тахаллуси билан шуҳрат топган. У киши Тошкентга келиб жойсизликдан анча қийналиб қолган. Бахтга қарши, Раҳимий ҳам отамдан кейин қамалиб кетди. Бир неча йилдан сўнг у кишини озод қилдилар.

Отамнинг Абдурахмон деган укаси булар эди, ўн йилча бурун оламдан ўтиб кетган. Отам у кишига ҳам Гулистондаги ҳовлисидан жой берган, акалик қилиб пешонасини силаган. Нима бўлибди, деб ҳайрон бўлишингиз мумкин. Укаси бўлганидан кейин жой ҳам беради, пешонасини ҳам силайди, бунинг нима ҳайрон қоладиган жойи бор? Гап шундаки, Абдурахмон жиндай ақли ноқис, бадфеъл одам эди. Унинг жаҳли тез, сал нарсага ловиллаб ўт олиб кетар, оғзига келганини қайтармай гапириб юбораверарди. Хуллас, ака-ука ўртасидаги муносабат унча

илиқ эмасди. Бунинг устига, Абдурахмон ака акасига кўпинча панд беради. Масалан, отам Бухоро Халқ Жумҳурияти ҳукуматида нозир бўлиб ишлаган кезларда жиндай молиявий камчиликлар содир бўлади. Аслини олганда, уларни қилган одам Абдурахмон ака бўлган-у, айб отамнинг бўйнига тушган. Шу каби кўнгилсизликларга қарамай, отам укасига уйдан жой берган.

У кишининг бағрикенглигини кўрсатадиган яна бир воқеани айтиб берай. 30-йилларда телефон деган нарса анқонинг уруғи эди. У ҳатто отлиққа ҳам топилмасди. Жумҳурият раҳбарияти отамнинг хизматларини ҳисобга олиб, уйимизга телефон ўрнатиб беришга қарор қилади. Бироқ иш битай деганда у киши: "Телефон мендан кўра болаларга кўпроқ зарур", деб уни ёнимиздаги болалар уйига тортиқ қилиб юборади.

Ана шундай бағрикенг ва серсаховат инсон эдилар. У киши утмишда утган буюк аждодларимизнинг ишлари ҳақида гапириб, улар олға сурган гоյларни тарғиб қилар экан, гапириш ва ёзиш билангина чекланмай, ўзи ҳам бақадри имкон ўша гапларга амал қилишга интиларди. Отам кўпни кўрган, кўп нарсани ўққан, ҳаёт қозонида обдон қайнаб, зуваласи пишган одам эди. У киши ҳадеганда умидсизликка тушмас, ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўзини йўқотмас, балки ундан қутулиш йўлларини излар эди. Рўзгорга ҳам жуда мослашган, ҳамма ишни қилиб кетаверар эди. У киши жуда яхши ошпаз эди. Ошни ҳам, бошқа таомларни ҳам шундай ўринлатиб пиширар эдики, таъми оғзингизда қоларди. "Овқат қилишни қаердан ўргангансиз?" деб сўрасак, "Ўзумини енг-у, боғини суриштирманг", деб қулиб қўяқоларди. Бир кеч дастурхон атрофида гурунглашиб ўтирганимизда, гап айланиб у кишининг ёшлигига бориб тақалди. Шунда отам боғалиги ҳақида гапириб, бундай дедилар: "Менинг ёшлигим анча қийинчиликда кечган. Айниқса, Истанбулда яшаганимда жуда қийналганман. У ерда ўқишимга отам қарши бўлган. Шунга қарамасдан, Истанбулга кетворганман. Раъйини қайтарганим учун отам газабланиб, пул бермай қўйган. Истанбулдай катта шаҳарда бир тийинсиз қолиб кетганман. Кейин, сабаби тирикчилик, деб ҳар хил ишларни қилишга мажбур бўлганман. Бир қанча вақт бозорларда қовун олиб, уни тилимлаб сотиб кун ўтказдим. Кейин ошхонада хизмат қилдим. Катта ошпаз жуда қаттиққўл ва талабчан эди. Яхшиям шундай бўлган экан, ҳаш-паш дегунча бинойидек ошпаз ҳам бўлиб олдим".

Яна бир кун отам Ҳиндистонга боргани ва у ерда ажойиб-ажойиб воқеаларни бошдан кечирганини гапириб берган эди. Бир гал ёнидаги бор пулини йўқотиб қўйибди. Нима қилмок керак? Қайтиб кетишга йўлқирани қаердан топса бўлади. Шунда яна топқирлиги қўл келибди: бозорбошида ўтириб, сартарошлик қилибди. Ун-ун беш кун деганда кераклича пул ишлаб топибди.

Отам бинойидек табиб ҳам эди. Уйдагилар дардга чалинса, ўзи қарар, доридармонни ҳам ўзи тайёрларди. Ҳар хил гиёҳларнинг шифобахш хусусиятини яхши билар, уларни қайнатиб, бир-бирига қўшиб, таъсирчан дорилар тайёрларди. Бир кун менинг оёғим қаттиқ оғриб қолди. Шунда отам ўзи тайёрлаган доридан ичирди ва оёғимга қоратикан тузни қиздириб босди. Оғриқ қолди. Отам массаждан ҳам хабардор эдилар. Бир гал онамнинг боши қаттиқ оғриб қолди. Шунда отам онамнинг бўйнидаги битта томирни топиб эзгилади, силади, бош оғриги босилди. Отамнинг Эрондан олиб келган кулоҳи бўларди. Уни ўзи ҳазиллашиб "Лечебний кулоҳ" деб атардилар. Қон босими кутарилганда шуни кийиб ўтирардилар. Ҳарқалай, фойдаси бўларди.

Энди у кишининг болажонлиги, оилапарварлигидан икки оғиз гапирай. Мен онам билан бу хонадонга келганимизда икки яшар қизалоқ эдим. Болалигимнинг олти йили шу даргоҳда ўтди. Аммо шу йиллар мобайнида мен ўзимни асло етимча ҳис қилганим йўқ, бирон марта бўлсин хўрланиб, камситилган эмасман. Аксинча, у киши менга жуда меҳрибон, жуда ғамхўр ота бўлган, бирон марта жеркиб, дағал гапирган эмас, мудом пешонамини силаган, кўнглимини кўтарган. Энди билсам, у киши бола табиатини теран тушунадиган моҳир педагог ҳам бўлган экан. Ҳарҳолда, у киши менинг юрагимда ғамхўр, сахий, олижаноб ота сифатида муҳрланиб қолган.

У киши ҳар гал кўчадан келса, қуруқ келмас, қўлимга хўрозқандми, қуртми,



попукми тутқазар эди. Келиши билан мен истиқболига пешвоз чиқар, у киши пешонамдан ўпмоқчи бўлиб энгашганида мен бўйнидан кучоқлаб олардим. У киши дарров ичкарига шошмас, мен билан бамайлихотир гаплашиб турар, ҳол-аҳвол сўрар, кун бўйи нима ишлар қилганимни сўрарди. Кейин-кейин отамнинг рағбати билан бир одат чиқардим — ҳар куни унинг ишдан қайтишига бирорта савол топиб қўядиган бўлдим. У киши гапимни эшитиб: “Аввал боланинг саволига жавоб бериш керак”, дерди-да, сўраган нарсамни тушунтириб кетарди. Ҳар қандай мураккаб саволга ҳам албатта жавоб берарди.

Бир куни отам ишдан келганида: “Ота, жид дегани нима?” деб сурадим. У киши эса: “Ие, бу сўзни кимдан эшитдинг?” дедилар. Мен бўлган воқеани айтиб бердим.

Дарвозамиз ёнидаги болалар уйининг тўрт-бешта тарбияланувчиси кундузи кўчада мушшлашиб қолди. Тўғрироғи, уч-тўртта бола биттасини ўртага олиб роса урди, тепди. Боланинг уст-боши тупроққа беланиб, бурни қонади. Болалар ҳар гал уни калтаклаётганида “Жид! Жид!” деб қичқирарди. Отам гапларимни эшитдию қовоғи осилди. Кейин: “Майли, қизим, бугун кеч бўлиб қолди. Бу саволингга жавобни эртага топамиз”, деди. Эртасига эрталаб мени етаклаб болалар уйига борди. У ердаги болаларни тўплаб анча гаплашди, нималарнидир ҳикоя қилиб берди, кейин кечаги мушшлашган болалар билан сўзлашди. Ниҳоят, кеча калтак еган болани олдига чақиртириб, ундан суради: “Ўртоқларинг сендан кечирим сўрашмоқчи, кечирасанми?” Бола: “Ҳа, кечираман”, деб жавоб берди. Шу тарзда жанжалга барҳам берилиб, “яраш-яраш” бўлди. Отам кейин менинг саволимга жавоб бериб: “Жид” — жухуд дегани. Миллатнинг яхши-ёмони бўлмайди, қизим”, дегани ёдимда.

Отам мени жуда яхши кўрар, инжиқликларимга ҳам чидар эди. Инжиқлик қилсам, уришмас, аксинча, гаройиб ҳикоялар айтиб мени йўлга солишга уринарди. Мен сутни ёмон кўрардим ва “сут ичмайман” деб хархаша қилардим. Бир куни отам мени ёнига ўтқазди-да, олис Ҳиндистон ҳаётидан ҳикоя қила кетди: “Ҳиндилар ҳар куни кўзаларини кўлга олиб сутга югуради. Улар сутни жуда яхши кўради. Ҳиндиларда сигирни уриш у ёқда турсин, унга ўшқириб ҳам бўлмайди”. Шундай деб, Ҳиндистон манзаралари тасвирланган китобдаги суратларни кўрсатди.

Ҳозирги Бешоғочда, Комсомол кўли ўрнида Форобий мактаби жойлашган эди. Унда рус тили ҳам ўқитиларди. Отам мени шу мактабга ўқишга берди. Аммо у уйимиздан анча олисда эди. Шунинг учун отам мени ҳар куни мактабга узи олиб бориб қўярди. Кечқурун эса бошқа биров олиб келарди. Турмушимиз ана шу тарзда осойишта ва масрур кечиборарди.

Кунларнинг бирида уйимизга беш-олтита шапка кийган, шинелли одамлар бостириб кирди. Улар сўкиниб, дўқ-пўписалар билан уйимизни ағдар-тунтар қилди, кейин отамни олдларига солиб олиб чиқиб кетди. Мен ва онам зор-зор йиғлаб қолавердик. Шундан сўнг отамни бошқа кўрмадим. Орадан тўрт ой ўтгач, онамни ҳам қамадилар. Мени эса Қўмлоқдаги болалар уйига топширдилар. У ерда олти ойча бўлдим. Кейин мени тоғам олиб чиқиб кетди. У киши Савдо халқ комиссарининг муовини, каттакон бир универмагнинг директори эдилар. Орадан кўп ўтмай у кишини ҳам қамадилар.

Бу воқеалардан ярим йилча ўтиб, онамни қамоқхонадан озод қилдилар. Онам қайтиб келгач, бирга Гулистондаги уйимизга бордик. Аммо, минг афсуски, уйимизга аллақачон бошқа одам кириб олган экан. У бизни оғиз очиргани ҳам кўймади: “Қани, дарров йўқолинглар, халқ душманининг думлари! Ҳозир яна турмага тиқиб қўяман!” Яқиндагина қамоқхонадан чиққан, камераларнинг қуланса ҳиди ҳали димоғидан кетмаган онам иккимиз ночор қайтиб кетишга мажбур бўлдик. Онам бир куни отамни сўнгги марта кўргани ҳақида гапириб берди. Бир гал аёлларни неғадир муддатидан олдинроқ турма ҳовлисига сайрга олиб чиқибдилар. Кейин “тасодифан” Фитрат отамни ҳам айлантиргани олиб чиқибдилар. Кунлар анча совиб қолган экан. Отам таниб бўлмас ҳолда экан: соч-соқоли тақир олинган, кўзлари ичига тортиб кетибди. Ранги синиқ, кайфияти шикаста. Уйдан олиб кетган аёлнинг ўртасидан уйиб, кийиб олибди. “Бу охириги кўришимиз,

лекин мен хурсандман", дебдилар отам. "Нимага хурсандсиз?" деб сўрабдилар онам. "Сиз билан учрашганимга". Бошқа гаплашишнинг имкони бўлмабди. Улар йиглаб ажралибдилар.

Уша воқеалар содир бўлганида мен тўққиз-ун яшар эдим. Лекин болалигимга қарамай, бу фожиалар аламини тўлиқ чеқдим. Уша пайтларданоқ менга "ЧСВН" деган тавқиланъат ёпишди. Бу — халқ душманининг оила аъзоси деган маънони билдирар, бундай тамга олган одам ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум этилар, ҳар қадамда хўрланар, оёқости қилинар эди. Бундай одамни ҳамма суқар ва ҳақорат этарди.

Отам шарқшунос бўлишимни орзу қилар эди. Мен унинг орзуси ушалиб, руҳи шод бўлсин деб, 1947 йилда Урта Осиё дорилфунунининг (ҳозирги ТошДД) шарқ факультетига ўқишга кирдим. Аммо факультет декани Абдурахмон Ҳамроев ва декан муовини Левицкийлар менга кун бермас эди. "Халқ душманининг қизисан, факультетдан кет!" дея пуписа қилардилар. Лекин мен ариза бермадим. Фақат фарзандли бўлганимдан кейин анча вақт ўқишга қатнай олмай қолдим. Деканлик буни дарсни қанда этиш деб ҳисоблаб, мени ҳайдаш ҳақида буйруқ чиқарди.

Ҳамма сиздан юз ўгирган пайтда бирор одамнинг бир оғиз гапи кўнглингизни тоғдай кўтариб, юрагингизда мангу из қолдирар экан. Ҳарқалай, бу дунёда яхшилар ҳам оз эмас экан, шулар туфайли ҳаёт — ҳаёт-да!

Мен ўрта мактабдаги имтиҳонларни шошилинич топширганман. Уқитувчилар орасида Турсун Собиров деган муаллим буларди. Бир куни у ўртоқларидан отам тўғрисида эшитибди. Мени олдига қақириб: "Хафа бўлманг, отангиз катта одам, албатта ёруғликка чиқади, яхши кунлар келади", деб кўнглимни кўтарди.

Мен, айниқса, Абдулла Муродхўжаевнинг яхшилигини сира унутмайман. Новчадан келган, хипчабуй, сочлари оппоқ қор тусли, чеҳраси мулойим бу одам кўп вақтлар Маориф вазири бўлган, мен учрашган вақтда эса Чет тиллар институтида ректор эди. Ҳадеганда ҳужжатларни тахлаш иложи бўлавермади — "отаси халқ душмани" деган гапдан нарига силжишнинг иложи йўқ эди. Аҳволни Абдулла акага тушунтирдим. У киши: "Мени отса отиб юборсин, уни халқ душмани деганининг ўзи халқ душмани", деди-да, мени талабаликка қабул этиш ҳақида буйруқ чиқарди. Бу воқеа 1953 йилда бўлган эди.

Ана шунақа яхши одамлар туфайли мен омон қолдим, ўқиб олий маълумотли бўлдим.

Мана, яхши кунлар ҳам келди. Ўзбекистон мустақил булди. Бугун ҳукумати-миз отамнинг — ўзбек маданиятининг йирик арбоби, истиқлол курашчиси Фитратнинг 110 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Бу хайрли ишлардан отамнинг руҳи ғоятда шод бўлиши шубҳасиз.

*Эй нуқадас Муронининг хаёли, кетмай тўр, айрилма.  
Энимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма!  
Фортим, Муроним, сендан айрилмоқ — менинг қилишим.  
Сенинг қуғр қилмоқ — менинг тирикчилигимдур...*

*Эй қуғр Мурон, арслонлар қилмаси! Қайгурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йиғитларинг, эски арслонларинг — ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмашишдур!*

*Абдурауф Қ. ИМРАТ*

ИҶТИМОЙ

ҲУҚУҚ

ҲАҚИҚАТ

**Б**у зотнинг ҳаёти ғоят зиддиятли кечди. Шу боис унинг тақдири ҳақидаги ҳукм-хулосалар ҳам беҳад хилма-хил. Сир эмас, мустабид тузум давридаги ҳукмрон мафкура аввалига уни коммунистик партиянинг миллий ўлкалардаги содиқ ва фидойи вакилларида бири сифатида рағбатлантириб, таъриффу тавсиф этиб келди. Сўнгра, бундай инсонлар партиянинг стратегик мақсадларига тўлиқ мос келмаслигини сезиб қолгач, ундан халос бўлиш йўлини қидирди ва “миллатчи”, “бойнинг боласи”, “жаҳон империализмининг малайи” каби айбловлар билан ноҳақ жазога маҳкум этди. Гарчи кейинроқ, коммуна салтанатининг демо-

кратик тараққиёт талабларига мослашиш давларида бу зотнинг шахси номигагина оқланган бўлса-да, унинг тақдирига шубҳа-ҳадик билан қараш давом этди. Таъкидлаш жоизки, фақат Ватанимиз мустақиллигидан сўнг Файзулла Хўжаев шахсини холис ўрганиш ва унинг тақдирига халқимиз, юртимиз 70 йилдан зиёд вақт мобайнида бошдан кечирган воқеалар асосида баҳо бериш имкони туғилди.

Совет давридаги тарих фанининг энг катта камчиликларидан бири шунда эдики, у ижтимоий ҳодиса ва инсонлар ҳаётига тузумнинг сиёсий манфаатлари нуқтаи назаридангина баҳо берарди, Илмда, дунёқарашда мудом синфийлик тамойиллари юз кўрсатиб турарди. Нарсалар, ҳодисалар ва шахслар гўё “яхши” ва “ёмон” дея аталувчи икки метин баррикада ортига тизилган бўлар эди. Кимнидир ёки ниманидир “яхши” дедингизми, бас, бунинг исботи учун зарур “ёмон”ни ҳам топиш талаб этиларди. Афсуски, Файзулла Хўжаев тақдирига ҳам худди шундай ёндашиб келинди. Ҳолбуки, у ғоят мураккаб ва зиддиятли шахс эди...

Хўш, бу зот тақдиридаги мураккаблик ва зиддият боиси нима эди? Файзулла Хўжаев нисбатан қисқа умри мобайнида бир талай сиёсий тузум, ижтимоий бўҳронлар ичида яшади. У хурофот ва жоҳиллик ботқоғига ботган амирлик тузумини ҳам, замон талаб этган даражада ислоҳот юритолмаган рус чоризмини ҳам, демократия ва озодлик ваъда қилган Февраль инқилоби даврини ҳам, Октябрь тўнтаришию большевизмнинг кейинги ғолибона юришларини ҳам — хуллас, XX асрнинг биринчи ярмидаги барча офат-балоларнинг ҳаммасини кўрди, кўрдигина эмас, уларнинг фаол иштирокчиси бўлиб ҳам яшади. Шунга яраша унинг онги ва шуури, руҳи ва эътиқоди ҳам ўзгара борди.

Маълумки, Файзулла Хўжа Бухоро амирлигининг энг нуфузли зотларидан, йирик савдогар Убайдулла Хўжа Қосимхўжаевнинг ўғли эди. Савдо аҳли азалдан дунёнинг барча ўлкалари билан алоқа қилиб келган, мудом турмушдаги

янгиликлардан бохабар бўлиб турган. Табиийки, Убайдуллахўжа ҳам анча маърифатли одам эди. У Россия шаҳарлари билан тижоратни яхши йўлга қўйган, Масковда савдо ваколатхонаси ҳам мавжуд эди. Дунё ўқиган, илм излаганга кулиб боқаётганини фаҳмлаган Убайдуллахўжа икки йилча Бухоро мадрасаларидан бирида таълим олган ўғли Файзуллахўжани Масковга олиб бориб, хусусий муаллимлар кўлида ўқитади. Табиийки, ёш Файзуллахўжанинг онгида икки хил ҳаёт, икки хил таълим ва турмуш тарзини солиштириш, қиёслаш имконияти тугилади. Унда ўша даврдаёқ она юртидаги кўпгина жараёнларни замон талабларига мослаштириш, ислоҳ этиш фикри тугилади. Зеро, XIX аср охири ва XX аср бошида Бухоро амирлиги иқтисодий-сиёсий, маданий жиҳатдан тараққиётда жуда орқада қолган эди.

XX аср бошида Туркистонда авж олган жадидлар ҳаракати Файзуллахўжанинг орзу-интилишларига мос келар эди. Шу боис у 1913 йилдан бошлаб бу ҳаракатнинг Бухородаги етакчи раҳбарларидан бири сифатида фаолият юритди. У бу ҳаракат воситасида халқни дунёвий маърифатга ошно этиш, ўзига хос миллий анъаналардан воз кечмаган ҳолда Оврупо маданиятининг маъқул жиҳатларини ҳаётга жорий қилиш, миллий ходимлар тайёрлаш, Туркистонда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш каби сиёсий вазифаларни ҳал этишни кўзлар эди. Жадидчилик бу пайтда уюшган куч сифатида кўзга ташланмас, у айрим зиёлиларнинг маърифатчилик ишларидангина иборат эди.

Жадидлар Бухородаги сиёсий тузумни ислоҳ этиш борасидаги фикрларини Бухоро амири Саид Олимхон кўллаб-қувватлашига катта умид боғлаган эди. Негаки, амир ҳам Петербургда оврупоча усулда таҳсил кўрган ва табиийки, тараққийпарвар, ҳур фикрли ҳукмдор бўлса керак деган тасаввур уйғотар эди. Бундай ишонч кўпгина давлатманд, бообрў зотларнинг, жумладан, Файзуллахўжанинг амакиси Латифхўжанинг ҳам ҳовлисида янги мактаб очилишига туртки бўлди.

Файзуллахўжа жадидлар ҳаракатига мансуб зиёли сифатида янги мактаблар очиш, уларга зарур адабиётларни топиб бериш каби ишларда фаол иштирок этди. Унингдек фаоллар ташаббуси билан Бухорода “Ширкат — баракат” ҳиссадорлик дўкони очилди. Жадид савдогарларнинг



маблағи ҳисобига очилган бу дўкон ҳомийлигида Исмоилбек Ғаспирали, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат сингари буюк маърифатпарварларнинг асарлари Россия ва Туркия мамлакатларида чоп этилиб, Бухоро халқига тарқатилар эди.

1913-16 йиллар мобайнида жадидлар ташвиқотни янада кучайтиради. Бу ҳаракатнинг ўн икки кишидан иборат Бухородаги раҳбарияти тасдиқланади. Бу орада Когондаги мусулмонлар гурунгида ҳаракатнинг қурултойи бўлади ва унда Марказий Қўмита таркибига Файзуллахўжа ҳам сайланади. Шундан сўнг Марказқўмнинг ҳар бир аъзоси муайян вилоятда ва Бухоро шаҳрининг ўзидаги биронта маҳаллада ўн икки кишидан иборат махфий қўмита тузишга киришади. Шунга биноан, мазкур қўмиталар аъзоларининг ҳар бири шунча



Файзулла  
Хўжаев  
оила  
аъзолари  
даврасида

кишидан иборат ўз уюшмасини ташкил этиши тавсия қилинади. Файзуллахўжага Кармана вилоятида шундай қўмита тузиш топширилади.

Февраль инқилоби натижаси ўлароқ жадидларнинг бу йўналишдаги ҳаракати тезлашиб кетди. Бухоро жадидларининг Марказий Қўмита йиғилишида Россия пойтахтига юбориладиган табрик телеграммаси матни тайёрланди. Унда бухоролик жадидлар инқилобни чин дилдан қўллаб-қувватлашини билдириб ва шу билан бирга, Муваққат ҳукумат ҳамда Петроград Советидан амир Олимхонга тазйиқ ўтказиб, сиёсий-иқтисодий ислохотлар ўтказишга мажбур қилишни илтимос этади. Муваққат ҳукуматнинг жавоби амирнинг нафсониятига тегмай қўймайди ва у жадидларнинг жиловини тортиб қўйишга ҳозирлик кура бошлайди.

Жадидларнинг 1917 йил 8 апрель куни бўлган намойиши даҳшатли хунрезликка сабаб бўлди. Ҳаракатнинг фаол иштирокчилари — тараққийпарвар кишилар зиндонга ташланди. Файзуллахўжа чоризм тасарруфидаги янги Бухорога (Когон) қочиб, жон сақлаб қолди ва бир неча кундан сўнг Янги Бухоро ишчи-аскар депутатлари ҳамроҳлигида ва Самарқанд қизил аскарлар полки-

нинг алоҳида бўлими жангчилари ҳимоясида она шахрига қайтди. Улар Саид Олимхон билан музокара юритиб, юзага келган низони тинч ҳал этиш, жадидларни сиқувга солишга чек қўйишни талаб этмоқчи эди. Аммо амир улар билан музокарага киришмасдан, барча вакилларнинг ҳаётини «қадимийлар» қўлига топшириб қўяди. Эски Бухоро вокзалида шай бўлиб турган қизил аскарлар воқеадан хабар топиб, тутқунда қолганларни эсон-омон шахардан олиб чиқишга муваффақ бўлади.

Бу орада жадидлар ўртасида келишмовчилик юз беради. Туркистон Ишчи-аскар депутатлари советининг IV съезди ёш бухороликларнинг қуроли ёрдам сўраб қилган мурожаатини эътиборга олиб, уларга кўмак бериш ҳақида қарор чиқаради. 1918 йил февралининг сўнгги пайшанба куни Туркистон Республикаси Комиссарлар Совети Раиси Федор Колесов бошчилигидаги янги ҳарбий эшелон Бухорога келади. Тарихда “Колесов воқеаси” номи билан машҳур бўлган бу ҳарбий тажовузни Бухоро ислом лашкари даф этишга муваффақ бўлади. Амирлик ёш бухороликлар ва уларнинг сардори Файзуллаҳужани халқ бошига тушган барча офат-балоларнинг айбдори деб эълон қилади. Амирнинг фармони билан Файзуллаҳужа ўлим жазосига маҳкум этилади. Ёш бухороликлар партиясининг аксари аъзолари Тошкент ва Самарқандда муҳожирликда яшай бошлайди. “Колесов воқеаси”нинг ташаббускори сифатида Файзуллаҳужа қаттиқ қораланади. Бундай шароитда у Марказкомдаги фаолиятдан четлашишни афзал кўради. Шу тариқа Масковга — РКП(б) Марказий Қўмитасининг Мусулмонлар коммунистик ташкилоти ҳузурига ёш бухороликларнинг мухтор вакили мақомида жўнайдди. Бу ерда икки йил мобайнида партиясининг наشريётчилик фаолиятини йўлга қўяди.

1920 йилда Файзуллаҳужа Тошкентга қайтиб келади ва бу ерда ёш бухороликлар инқилобчи партиясининг Туркистон марказий бюросини ташкил этади. Унинг муҳаррирлиги остида партиясининг марказий нашри — “Учкун” рўзномаси чоп этила бошлайди.

Барча бухоро жадидлари каби Файзуллаҳужа ҳам Лениннинг сўзларига ишониб, большевиклар ёрдамида қолоқ амирлик тузумини ағдариб, уни ҳақиқий тараққиёт йўлига олиб чиқиш умидида эди. У коммунистик ҳаракат, адолат, тенглик шиорларига маҳлиё бўлиб, большевикларнинг мазкур ҳийласини тўлиқ англаб етмайди. Оқибатда Бухоро Халқ Жумҳурияти ташкил топиши биланоқ ўлканинг миллий ва сиёсий мустақиллигига “марказ” — Масковнинг қаршилиги сезила бошлади.

Янги ҳукумат таркибида капиталистик ривожланиш йўли тарафдорлари кўп эди. Файзуллаҳужа савдогарлар сулоласининг бир вакили сифатида шундай йўлнинг афзаллигини — хусусий мулкчилик шароитида ишлаб чиқариш кучлари нақадар тез тараққий топиши мумкинлигини яхши тушунар эди. Шу боис, жумҳуриятда майда ҳунармандлик, савдо-сотик билан шугулланиш учун қулай шароит яратилди. Ҳукумат пахта, дон, жун каби маҳсулотларнинг ташқи бозорда сотилишини йўлга қўйди. Ўша пайтда Лейпциг халқаро ярмаркасида бир дон қорақўл тери 7-8 Бухоро сўми даражасида баҳоланди. Ваҳоланки, Туркистон ва РСФСР бозорларида бу териларнинг нархи 3-4 Бухоро сўмидан ошмасди. Даромадлар кўпайган сари халқ ҳокимияти вайрон қилинган Бухорони қайта тиклаш, соғлиқни сақлаш муассасаларини кўпайтириш, миллий маорифни ривожлантириш ишларига кўп маблағ ажрата бошлади.

Бироқ Бухородаги янги ҳукумат юритаётган сиёсат Россия компартиясининг Ўрта Осиё бюроси аъзоларини хавотирга сола бошлади. Улар Ўрта Осиёдаги жумҳуриятлар ривожланиш суръатини қатъий меъёрга солиш баҳонасида бу ўлкаларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш, умумий ягона пул бирлигини жорий этиш гоёсини илгари сурди. Табиийки, Бухоро Халқ Жумҳурияти бу тарзда бирлашишдан манфаатдор эмас эди. Чунки Бухоро пули бошқа минтақалардаги пул бирликларига нисбатан 7-8 барабар қадрлироқ эди. Файзулла-Хужа жумҳуриятларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисидаги барча тавсия ва таклифларни аниқ далиллар асосида пучга чиқаради. У бундай бирлашиш миллий мустақилликни инкор этишини таъкидлайди...

1924 йилнинг ёзида РКП(б) Марказий Қўмитасининг сиёсий бюроси Ўрта Осиё жумҳуриятларида миллий чегаралаш ўтказиш ҳақидаги лойиҳани тасдиқлади. Иосиф Сталин сиёсий тафаккурининг маҳсули бўлган бу маккор режа келгусида Туркистоннинг минглаб асл фарзандларини нобуд этиш учун асос бўлишини Файзулла-Хужа хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Файзулла Хужаев бутун фаолияти давомида ташқи ва ички муҳолифлари хуружидан бир лаҳза бўлсин холи бўлмади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг «машҳур» пленумидан кейин унга ошкора сиёсий тазйиқ ўтказиш авж олди.

Пленумда Файзулла Хужаев сўзга чиқиб, эски зиёлиларни ёқлаб, жумладан, устози ва дўсти Абдурауф Фитрат улкан истеъдод эгаси экани, уни қадрлаш лозимлиги ҳақида гапирди. Шундан кейин марказий ва маҳаллий газеталар унинг сиёсий қарашларини танқид қилиб кетма-кет мақолалар чоп эта бошлади.

1927 йил кузида РКП(б) нинг Ўрта Осиё бюроси Марказий Қўмитаси пленумида, сал фурсат ўтиб Ўзбекистон Компартияси ХХ қурултойида унга кескин ҳужумлар уюштирилади. Ўрта Осиё бюроси Файзулла Хужаевни «Ўн саккизлар гуруҳи»га ён босиб, омма ўртасида бойиш шиорини тарғиб қилганликда айблади. «Ўн саккизлар гуруҳи»га кирган маҳаллий арбоблар ер-сув ислохотини ўтказиш, хотин-қизларни «эркинлик»ка чиқариш борасида шошма-шошарлик қилиш ярамаслиги ҳақида фикр билдирган эдилар. Улар савдогар ва ҳунармандларга кўп солиқ солиниб, ишбилармонлик йўлига сунъий тўсиқлар қўйлаётганини ҳам баён қилган эдилар. Яна, бошқарув идораларини миллийлаштиришни талаб этиб, самарали фаолият учун қулай шароит яратилмаса, истеъфога чиқишлари эҳтимолни таъкидлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига ариза ҳам ёзган эдилар. Файзулла Хужаев, гарчи бу аризага имзо чекмаган бўлса ҳам, уларнинг ҳақ эканини эътироф этади. Нафсиламрини айтганда, бу гуруҳнинг сиёсий раҳнамоси ҳам асли унинг ўзи эди. Аммо бу борадаги айблов билангина Файзулла Хужаев сингари дунё танийдиган йирик арбобни ҳибсга олиш ҳали мақсадга мувофиқ бўлмас эди.

ВКП(б) Марказий Қўмитаси сиёсий бюросининг 1936 йил сентябридаги «Аксиланқилобчи троцкийчи-зиновьевчи унсурларга муносабат тўғрисида»ги қарори Бухарин ва унинг маслақдошларини ҳибсга олиш учун асос бўлди. Файзулла Хужаев Бухарин билан кўп жиҳатдан ҳаммаслақ экани барчага аён эди.

1937 йил Сталиндан нажот истаб Масковга борган Файзулла Хужаевни НКВД — хавфсизлик хизмати ходимлари ҳибсга олиб, Лефортово қамоқхона-



Файзулла Хўжаев — ўтирганлар қаторида ўнгдан тўртинчи — сафдошлари орасида

сига ташлайди. Терговчиларнинг инсон боласи бардош беролмайдиган даражада ваҳшиёна қийноқларидан сўнг (1937 йилда Сталин сиёсий маҳбусларга нисбатан жисмоний қийноқ воситаларини қўллашга Марказқўм номидан рухсат берган эди) Файзулла Хўжаев барча айбловларни тан олади.

1938 йил 13 март куни СССР Олий Судининг ҳарбий коллегияси Файзулла Хўжаевни энг оғир жазо — отувга ҳукм этади. Бу унинг учинчи марта ўлимга ҳукм этилиши эди. Илк бор Бухоро амири, сўнг Оренбург казак қўшини атамани, ҳарбий округ кўмондони, генерал-майор Дутов ҳам бу жасур инсонни ўлимга маҳкум этган эди. Аммо икки қарра ҳам душмани деб билган зотларнинг ўлим жазосидан омон қолган Файзулла Хўжаев ўзи беҳад ишонган, нажоткори деб паноҳ истаб боргани — «халқлар доҳийси»нинг ғазабига дучор бўлди ва унинг зиддиятли умрига шу тахлит нуқта қўйилди.

Дейдиларки, буюк шахслар ҳаётида халқнинг тақдири ёрқин акс этади. Фазулла Хўжаев қисматида ҳам халқимиз бошдан кечирган энг оғир, энг долғали йиллар нафаси тўлиқ мужассам эди. Бу умр китоби шу жиҳати билан айниқса ибратли ва қадрлидир.



Убайдулла УВАТОВ

# Амир Темур билган фозиллар

Темур ва темурийлар даврига бағишланган асарлар сирасида таниқли араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг (1389-1450) "Ажонб ал-мақдур фи таърихи Таймур" ("Темур тарихида тақдир ажойиботлари") асари апоҳида ўрин тутди. Асар муаллифи узоқ йиллар Самарқандда яшагани, ҳукмрон табақа ва сарой аҳли билан яқин муносабатда бўлгани сабабли кўп воқеаларнинг шоҳиди ёки бевосита иштирокчиси сифатида кўрган-кечирганларини жонли ва ишонarli тарзда баён қилди. Муаллиф асарни 1436-37 йилларда, яъни ватанига қайтганидан сўнг таълиф этган. Темур шахси ва фаолиятига бир қадар танқидий ёндашилгани билан Ибн Арабшоҳ асари ўша давр расмий тарихнавислик анъаналари руҳида ёзилган асарлардан ажралиб туради. Шу бонданми, "Ажонб ал-мақдур" XVII асрдан эътиборан фаранг, потин, турк, инглиз тилларига таржима этилган. Пекин мазкур таржималарнинг бирортасида ҳам зарур шарҳ ва изоҳлар берилмаганидан уларни илмий жиҳатдан муқаммал деб бўлмайди. "Ажонб ал-мақдур"нинг ўзбек тилидаги изоҳли таржимаси ана шу кемтикни бир қадар тўлдирди деган умиддамиз. Таржима 1992 йили Тошкентда икки жилдлиқ китоб ҳолида чоп этилди.

Биз мазкур мақолада Ибн Арабшоҳ маълумотларига таяниб Темур ва темурийлар даври маданий ҳаётининг баъзи жиҳатлари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилдимиз.

Амир Темур ҳукмронлик қилган йилларда Мовароуннаҳр ҳудудида кўпдан-кўп иншоотлар барпо этилди. Бунга, бир томондан, мамлакат сиёсий ҳаётидаги осойишталик имкон яратган бўлса, иккинчи томондан, забт этилган ўлкалардан Мовароуннаҳр, асосан Самарқандга олиб келинган ҳунарманд, меъмор, наққошлар маҳаллий ҳунармандлар билан бирга кенг кўламда қурилишга жалб қилингани ижобий самара берди. Ибн Арабшоҳ Темур Дамашқдан ҳунар соҳиблари — тўқувчи, тикувчи, сангтарош, дурадгор, чодир тўқувчи, мол табиби, наққош, ёй ясовчи ва қирғийдор, хуллас, барча касб-кор эгаларини Самарқандга келтирганини хабар қи-



лади. Чет ўлкалар ҳунарманд усталари ҳамда маҳаллий аҳолининг самарали меҳнати ва ноёб санъати натижасида бунёд бўлган Масжиди жомеъ, Шоҳизинда, Гўри Мир каби шарқ меъморлик санъатининг ажойиб намуналари, бир томондан, ҳокимларнинг қудратини намойиш этишга интилишини, иккинчи томондан, маданий бойликларни келажак авлодларга мерос қолдирган халқларнинг муштарак ижоди маҳсулини ҳам ифодалайди. Фикримизга Ибн Арабшоҳ асарида қайд топган бир маълумот яққол мисол бўла олади. Муаллиф ўша даврда Самарқанд этакларида бунёд этилган бир қанча қишлоқ Шарқнинг Миср (Қоҳира), Дамашқ (Дамашак), Бағдод, Султония ва Шероз каби машҳур шаҳарлари номи билан аталганини ҳикоя қилади. Моҳир ҳунармандлар ва халқнинг пешона тери билан юзага келган мазкур қишлоқларга донгдор шаҳарлар номи беришдан мақсад Самарқандга нисбатан улар оддий бир қишлоқ деб кўрсатиш эди.

“Ажоиб ал-мақдур” Темур даврида қурилган хилма-хил иншоотлар ҳақида яна бир талай маълумотлар беради. Жумладан, Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Масжиди жомеъ қурилишига Муҳаммад Жалд деган аён бошчилик қилган. Лекин жомеъ иморатидан норози бўлган Амир Темур Муҳаммад Жалдни жазолаб, мол-мулкани мусодара қилдирган. Муҳаммад Жалднинг жазоланиш сабаби кўп. Аммо, энг асосийси, мазкур жомеънинг Катта малика (Бибиҳоним) қурдирган мадрасага нисбатан бе-

салобат чиққани эди, деб ҳикоя қилади муаллиф.

Ёзма манбаларда Амир Темур даврида ўндан ортиқ боғу бўстон бунёд этилгани зикр қилинади. Ибн Арабшоҳ шулардан бештасининг номини хотирлаб, улар Бўстони Эрам, Зийнатул-дунё, Жаннат-ул-фирдавс, Бўстонуш-шимол, Жаннатул-улё деб аталгани ҳақида ҳикоя этади. Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, Темур ва унинг кўшини сафарда юрганида соясалқин боғларда бутун шаҳар аҳли бемалол сайр қилиб, ҳордиқ чиқарган. Бу муҳташам иморат ва боғларнинг айримлари бугунги кунга қадар ёдгорликлар орасида муносиб ўрин тутиб келмоқда. Афсуски, ёзма манбаларда бу муҳташам иморатларни бунёд қилишга ҳисса қўшган оддий ҳунарманд ва усталар ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот учрамайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ибн Арабшоҳнинг ҳунарманду усталар ҳақида ёзиб қолдирган маълумотлари муайян қимматга эга. Аммо улар ҳануз тадқиқотчилар диққатидан четда қолиб келмоқда. Масалан, муаллиф ўша даврдаги заргарлардан ал-Ҳож Али Шерозий, ал-Ҳож Муҳаммад Ҳофиз Шерозийнинг номини санаб ўтади. Ўша даврнинг энг машҳур сангтарошларидан бири Олтун қимматбаҳо тошларга нақш солишини, яшмга, ақиққа машҳур Ёқутнинг хатидан кўра гўзал хат билан ўйиб ёзишини ифтихор ила тилга олади. Ибн Арабшоҳ Амир Темур хизматидаги наққошларнинг энг моҳири Абдулҳай ал-Бағдодийни “санъатида моҳир эди” деб таърифлайди. У ҳунар-

манду усталарнинг ҳар бирини даврининг алломасию асрининг муъжизакори эканини таъкидлаб, “Бу кишилар — мен билиб, зикрию исми хотиримда қолганлар, аммо мен билмаганлар ёинки билсам ҳам исми эсимга келмаганлар беҳад кўп бўлиб, ҳисоб-китобдан хориждир”, дейди.

Ибн Арабшоҳ асари ўша даврининг базмлари, тўю тантаналари ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Жумладан, Улғбекнинг никоҳ тўйи тавсифи бунга яққол мисол бўла олади. Муаллифнинг ёзишича, Улғбекнинг никоҳ тўйи муносабати билан Амир Тему́р айрим солиғу тўловларни бекор қилишни ва халойиққа хайриялар улашишни буюриб, хосу авом, каттаю кичик — барчага қудрати етганча зебу зийнатга бурканиб, Самарқанд этагидаги Кониғилда ҳар ким тоифасига қараб, тартиб билан чодир-ўтов тикишини амр этган. Тантаналар пайтида хунар эгалари ва санъаткорлар истеъдодини намойиш қилган. Чунончи, бир қамиш тўқувчи қамишнинг ўзидан мукамал асбоб-анжому қурол-яроғ таққан суворий шамойилини ясаб кўрсатган. “У шу қадар моҳирлик билан ишланган эдики, — деб ёзади тарихчи, — ҳатто тирноғи худди жонлидек намён бўларди”.

Ибн Арабшоҳ Миср султони Носир Фаражнинг элчилари қимматбаҳо тўхфаю армуғонлар, жумладан, жирафа ва туяқушлар келтиргани, шунингдек, тантаналарда Хитой, Ҳинд, Ироқ, Дашти Қипчоқ, Синд, Франк (Испания) каби иқлиму ўлкалар элчилари иштирок эт-

ганини ҳикоя қилади. У Кониғилдаги маросимларда аёллар ҳам қатнашгани тўғрисида бундай дейди: “Зиёфатда Амир Тему́рнинг чап томони аёллар ва маликалар учун (махсус) эди, чунки аёллар эркаклардан бекинмасдилар, хусусан, оммавий мажлислару хурсандчилик маросимларида”.

XIV аср охири ва XV аср бошларида Мовароуннаҳрда, айниқса, Самарқандда кўплаб йирик олиму фозиллар, машҳур санъаткорлар, моҳир хаттотлар, шатранж усталари яшаган. Ибн Арабшоҳ аксар ҳолларда ўзи яхши хабардор бўлган ёинки шахсан шоҳиди бўлган воқеалар ҳақида ёзгани сабабли у келтирган маълумотлар катта илмий аҳамият касб этади. Хусусан, муаллиф ўша даврининг таниқли олими Саъдуддин ат-Тафтазоний ҳақида ёзиб, унинг ҳижрий 791 йил муҳаррам (1389 йил январь) ойида Самарқандда вафот этганини зикр қилади. Ҳолбуки, ўша давр тарихнависларидан Хондамир (1475-1536 йилларда яшаган) унинг вафотини янглиш, яъни ҳижрий 797 (мелодий 1385-86) йилда юз берганини ёзган. Ибн Арабшоҳ муҳаққиқ олим Саййид Муҳаммад Журжоний ҳақида сўз юритиб, унинг Шерозда вафот этганини таъкидлайди. Ҳадисчи олим Шамшоддин Муҳаммад ибн ал-Жазарий ҳақида эса бир қадар кенгроқ тўхталиб, асли Шомдан экани ва у ердаги тўполонлардан сўнг Мисрга бориб, ундан Румга қочиб кетгани, Шерозда вафот этгани ҳақида ёзади. Муҳаддис олимлардан яна Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид Бухорийнинг номини келтирган му-

аллиф, юз жилдда Куръон тафси-рини ёзган бу олим 1419 йилда Маккада вафот этган, деб қайд қилади. Асарда Самарқандда шайхул-ислом бўлган фақиҳ олимлардан Хожа Абдумалик, унинг амакиваччаси Хожа Исомуддин ҳақида ҳам баъзи маълумотларни қайд этади.

“Ажоиб ал-мақдур”да Амир Темур девони арбобларидан Хожа Маҳмуд ибн аш-Шаҳоб аш-Шаҳравий, Масъуд ас-Симноний, Муҳаммад аш-Шоғиржий, Алоуддавла, Аҳмад ат-Тусийнинг номлари зикр қилинади. Айниқса, Ибн Арабшоҳнинг олмон тадқиқотчиси В. Хинц аниқлаб, В. Бартольд узоқ вақт “Шоҳруҳ аноними” деб атаган асар муалифи Тожуддин ас-Салмонийнинг Темур девони арбобларидан деб аниқ далил келтириши ҳозирда мавжуд айрим тахминларни ойдинлаштиради. Амир Темур девони муншийси — котиб ус-сир (шахсий котиби) Мавлоно Шамсуддин ҳақида муаррих “Даврининг қозисию замонининг фозили бўлиб, арабий ва форсийда хатхабарларни истаганича ифода қиларди”, деб ёзади. Соҳибқиронга тарих ва ривоятлар ўқувчи қиссахон Мавлоно Убайдни зикр қилиб, ул зот Шом уламолари билан суҳбат чоғида сарой хизматида бўлган самарқандлик машҳур олим Абдужаббор ҳақида “У Темурнинг таржимони эди, барча масалаларда ул зот номидан фикр юритарди”, дейди. Абдужабборнинг фозил олим, комил фақиҳ, машҳур тадқиқотчи бўлганини таъкидлайди. Унинг отаси Нўмониддиннинг кўзи ожиз эканини айтиб, Нўмон

ас-Соний (“Иккинчи Нўмон”) деган лақаб билан аталганини ёзади.

Муаллиф асарида қорилардан Мавлоно Фаҳруддин, хуш қироат ҳофизлардан Абдулатиф ад-Димғоний, Мавлоно Асадуддин, Маҳмуд ал-Мухриқ ал-Хоразмий, Жамолуддин Аҳмад ал-Хоразмий ва мусиқа илмида шуҳрат қозонган Абдулқодир ал-Мароғийларни зикр қилади. Ўша пайтда Самарқандда яшаган машҳур ваъзхон ва хатиблардан саройлик мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул-Аиммани ёд этиб, у арабий, форсий ва туркийда сўз подшоши (малик ул-калом) номини олганини, замонасининг бир мўъжизаси бўлганини таъкидлайди. Шунингдек, ваъзхонлардан мавлоно Аҳмад ат-Термизий, мавлоно Мансур ал-Қоғонийлар номини ҳам эслатиб ўтади.

Муаллиф ўша даврда қўлланган уйғур ёзуви ҳақида ҳам талай қизиқарли маълумотлар келтирган. Ибн Арабшоҳ ушбу ёзув ўн тўрт ҳарфдан иборат эканини, ҳарфларнинг бу даражада камлигига сабаб, ҳалқумдан чиқиб, махражда бирибирига мутақриб бўлган “бо” ҳамда “фо”, “зо”, “син”, шунингдек, “сод” ва ҳоказо ҳарфлар бир хилда ёзилиб, шу зайлда талаффуз қилиниши деб, ҳарфларнинг алоҳида кўриниши ва қўшилиб ёзилган ҳолатларини амалда тасвирлаб берганки, уларни туркий тиллар тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар чуқурроқ ўрганиб, муносиб баҳоламоғи керак. Муаллифнинг буйруғу фармойишлар, рисолаю ёзишмалар, тарихлару назмлар, қиссалару солномалар, шунингдек, девон ишлари билан боғлиқ бар-

ча хабарлар шу ёзувда битилиб, моҳир киши учун ризқ калити деб ҳисобланарди, деб ёзишидан бу хатнинг ўша пайтда кенг қўллангани аён бўлади.

Шу билан бирга таъкидлаш жозизки, бир ўринда муаллиф ўз фикрига ўзи зид фикрни баён этади. Асарнинг 22-бетида мунажжимлардан ҳеч бирининг исми хотирамда қолмаган, деб шу саҳифанинг охирида илми нужумда бир гуруҳ кишилар бўлиб, улардан Мавлоно Аҳмаддан бошқасининг исмини билмаслигини айтади ҳамда унинг табиб, мисгар, юлдуз кузатиб ҳисоб оладиган олимлигини таърифлаб, ҳижрий 808 (мелодий 1405-06) йилда тарихчига “Мен юлдузларни кузатиб, икки юз йилга ҳукм (толеъ) чиқардим”, деб айтган гапини келтиради.

“Ажоиб ал-мақдур”да ўша даврдаги машҳур санъаткорлар ҳақида ҳам айрим маълумотларни учратиш мумкин. Чунончи, асарда беназир мутриб ва мусиқачи Абдулқодир ал-Мароғий, унинг ўғли Сафиуддин, куёви Насрий ҳамда Ардашер ал-Чангийларнинг беназир санъати тавсифланади. Шунингдек, муаллиф Табризда, Темурнинг ўғли Амираншоҳ ҳузурида бўлган машҳур мусиқачи ва мутриб Қутб ал-Моусулий ҳақида батафсил ҳикоя қилиб, унинг мақомларга бағишланган таснифлари, у билан Абдулқодир ал-Мароғий ўртасида баҳслар юритилганини қайд қилади.


Ибн арабшоҳ ўз асарида ўша пайтда оммалашган шатранж ва шатранж усталари ҳақида келтир-

ган маълумотлар айниқса диққатга сазовордир. Машҳур шатранж усталаридан Муҳаммад ибн Уқайл ал-Ҳаймий ва Зайн ал-Яздийлар зикр қилиниб, муаллифнинг таъкидлашича, шатранж ўйинининг алломаси фақиҳ ва ҳадис олими Алоуддин ат-Табризийдир. Ибн Арабшоҳ ўша давр шатранж устаси деган улуг номга сазовор бўлган бу беназир ақл соҳибининг ўйинию унинг мансуба-комбинацияларига оид шарҳи борлигини қайд қилади. Муаллиф Алоуддинни шахсан таниган; алломанинг дона суриш пайтидаги фазилатларига тўхталар экан, Амир Темур билан катта шатранж ўйнаганини, унинг ҳузурида доирасимон ва узунчоқ шатранж кўрганани ҳикоя қилади. Шунингдек, бошқа тарихнавислардан фарқли ўлароқ, Ибн Арабшоҳ ўша замонда кенг тарқалган 120 хоналик катта шатранж тахтасининг шаклини ва ундаги доналарнинг жойлашиш тартибларини тасвир этадики, бу хилдаги маълумотлар Ўрта Осиё шатранжи тарихини ўрганишда илмий аҳамиятга молик экани шубҳасиз.

Алқисса, “Ажоиб ал-мақдур” XIV аср охири ва XV аср бошлари Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари ҳаётининг маданий жиҳатларини ёритишда муҳим манба бўлиши билан бирга, ҳазрат Соҳибқирон билган, таниган фозил уламою ҳунарпеша зотлар ҳаётини ўрганишда, буюк жаҳонгир фаолият қирраларини тўлиқ тасаввур этишда ҳам катта аҳамиятга эгадир.



«Наво»



«Самовий қирғоқ»



## БИРОДАРИМ ЖАВЛОНБЕК

Сизким Қўшоқ юлдузлар пуфқуми ҳифзу ҳимоятида дунёга келган  
асл истеъдод соҳибларидандирсиз

Сизким минг-минг асрлик афсонавор тарихга шохид қуплуз Заминда  
таваллуд топган саодатманд инсонлардандирсиз

Сизким дунёга кўз оғибоқ она дилер субҳидамин егдуларини она дилер  
кўкламнини кўрк-пароватига мафтун бўлган ошуфта кўнглилардандирсиз

Сизким мўйқалам сеҳри ила инсонлар дунёсини мафтун этиб Жав-  
лон Умарбек бўлиб донг таратган санъаткор мусаввирларимиздандирсиз

Сизким тенгдошлар сафида пенжадам йўқиб она юрт истиқлолини  
баравж шарафлаган муносиб ўғлонлардандирсиз

Бор бўлсин

Баҳодир ЖАЛОЛ



«Ўзим билан ўзим»

Иллат излаганга — иллатдир дунё,  
Гурбат излаганга — гурбатдир дунё.  
Ким нени изласа, топар бегумон,  
Ҳикмат излаганга — ҳикматдир дунё.

Қизил империя даврида улуг шайх, буюк сўфийларни камситиш кенг удумга кирган эди. Ажабо, энди бунинг тамоман акси юз бермаяптими? Кимсан — шайхлар устидан кулувчи, сўфийларни мазаҳ этиб, тариқат аҳлини калака қилувчи Насриддин Афанди энди сўфий бўлиб қолдими? Тўғри, Насриддин Афандини гоҳ даҳрий, бетгачопар; гоҳ ҳақгўй, жасур, халқ манфаатини ҳимоя қилувчи; гоҳ ўта содда инсон сифатида талқин этардик. Энди эса...

Гапнинг рости, Фарбу Шарқда машхур тасаввуфшунос Идрис Шохнинг "Мулло Насриддин заковати" (Идрис Шох. "Сўфизм". Москва, 1994 йил) мақоласини ўқий туриб, шундай фикрлар хаёлдан кечди. Дафъатан жўяли далилларни топиб баҳсу мунозарага кириша бошлаймиз. Хожа Насриддин тариқатга мутлақо бегона зот. У — шунчаки ўйлаб топилган қахрамон. Унинг туғилган жойи, пир-устоди, қабру зиёратгоҳи ҳам тайин эмас.

қадимдан расм бўлган.

Хожа Баҳоуддин ота тарафдан Ҳазрат Али, она тарафдан Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ наслига мансубдир. Хожа Аҳрор Валий эса Ҳазрат Умар насабидандир. Шу боис, бу зотлар номи олдидан "хожа" сўзи кўшиб айтилади.

Нақшбандия тариқати "хожагон" тариқати деб ҳам юритилади. "Хо жа" сўзи буюк шайхларнинг ҳам насаб, ҳам тариқат борасидаги йўллариغا ишорадир. Демак, Насриддин Афандининг муборак номига бежиз "хожа" сўзи кўшиб айтилмаган.

Тариқат дегани рост йўл, тўғри йўл демақдир. Банда Оллоҳ таолога яқинроқ бўламан деса, адашиш-улоқишлардан халосликни истаса, тариқат сулукига киради.

Тариқат пирларининг вазифаси одамларни тўғри, рост йўлга бошлашдан иборатдир. Маълум бўладики, тариқат пирлари

# Биз билмаган Насриддин Насриддин Афанди тариқат аҳлиданми?

ёхш

тарбиячи ҳибсобранади. Уларнинг хулқу одоби, яшаш тарзи, ҳикматли сўзлари муридларга сабоқ бўлган. Лекин, таъкидлаш жоизки,

Шу каби талай далилларни пешкаш этамиз.

Лекин мақола мутолааси давомида Хожа Насриддинни қайтадан таниймиз ва бу жавоҳирнинг янги қирраларига кўзимиз тушиб, кўнглимиз яйрай бошлайди.

Нега Насриддин Афандининг исми шарифи олдидан "хожа" сўзи қўлланилади? Бу сўз луғатларда "сардор", "сарвар", "соҳиб", "хўжайин" каби маънолар билан шарҳланади. Аксари, улуг, мўътабар шахсларга "хожа" деб мурожаат этадилар. Таъкидлаш жоизки, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом авлодларини "саид", чаҳорёр — Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон, Али разиоллоҳу анҳулар авлодини эса "хожа" дейиш

Садриддин  
САЛИМ БУХОРИЙ





тариқатда ягона дастур, белгилаб қўйилган йўл йўқ. Тариқат пирининг бир асарини ўқиб ёхуд унинг маълум бир мақомда айтган гапини таҳлил қилиб, у ҳақда умумий хулоса чиқаришдан тийилиш лозим. Зеро, изланиш — адашиш ва топиш, шунингдек, хатолик ва тўғрилик, йўқотиш ва топиш жараёнидир. Инсон зотининг илк қадаминдан то сўнги одимигача ўтган масофа — гоҳ юксалиш, гоҳ тубанлашиш — камолот ва залолат йўли саналади.

Мансур Ҳаллоҷ фалсафаси ва ақидасини тушунмоқ учун, жиллакур-са, Ман-

Мансур Ҳаллоҷ сифати пайдо бўлди ва икки сафар ҳам дор тагига бориб: “Сендай бошнинг жойи дордир!” дедим. Оллоҳ инояти ила бу макондан ўтдим. Ҳазрати азизон Хожа Али Рометанийдан мазкур манқулдурким: “Агар ер юзида ҳазрат Абдуллоҳиқ Гиждувоний фарзандларидан бир нафаргина бўлганда,

Бу зотнинг тақдир хусусида не-не ривоят афсоналар тўқилмаган! Унинг руҳи неча асрларки, халқ дилида ҳақиқат ва адолат тимсоли бўлиб яшаб келмоқда. Қайдаки фирромлик, алдов ва хиёнат даври даврон сурмоққа чоғланса, бас, Хожа Насриддин сиймоси халқ руҳида ҳақ туғи мисол мудом бош кўтараверади...

Халқ меҳрида яшаган зотларнинг хислати беададдир. Айниқса, Хожа Насриддин Афандининг муборак номи зикр этилган фурсатда, тайинки, бир мўъжиза, каромат юз беради. Не ажабки, муҳтарам муаллимимиз Садриддин Салим Бухорийнинг “Насриддин Афанди тариқат аҳлиданми?” мақоласини қўлга киритиш ва нашрга тайёрлаш жараёни ҳам бундан мақстасно бўлмади — таҳририят ходимлари халқ руҳида ҳам келтирмаган гаройиб ҳодисалар юз берди.

Ёдингизда ваъда этилган эди. Аммо орада биз кутмаган кароматлар рўй бериб, бу иш нақд бир йилга кечикдики, унинг учун минг қарра узр! Гап шундаки, муаллиф мақола матнини икки бор тайёрлаб жўнатиб, Аммо икки дафъа ҳам... у гойиб бўлиб қолаверди! Биз муаллифга мурожаат этиб, мақолани учинчи марта жўнатишни илтимос қилганимизда у киши оғир тин олиб: “Бўлди, бу ишда бир ҳикмат борга ўхшайди, чамамда, матни яна юборишдан фойда йўқ”, дея жавоб бердилар. Шу тариқа биз ҳам мақоладан умидни уздик. Бу орада таҳририят ходимларидан айримлари “ишда йўл қўйган камчиликларини эски қоғозлар хил жазога мустаҳиқ этилди.

Лекин кунлардан бир кун, журналга тегишли эски қоғозлар сараланаётган чоқда Афанди бобомиз, биз ҳали тирикмиз, дея гойибдан пайдо бўлиб, бенаволар кўксидан чироқ ёққани каби, ўша сирли мақола қалин жилдлар ичидан “ҳусни муборағи”ни намойиш этиб қолди! Ҳазрат бобомиз шу ўринда ҳам бир ҳазил қилдилар-ов! Ниҳоят, биз ҳам хижолатпазликдан қутуладиган бўлдик...

ТАҲРИРИЯТ

Мансур Ҳаллоҷ сур ҳаргиз дорга осилмас эди. Уни тарбият этиб, бу хатарли мақодан эсон-омон ўтказардилар”.

Биз Мансур Ҳаллоҷни дорга осганларини биламиз, холос. Лекин ул зот дорга осилгунга қадар бошдан кечирган жараёндан, мақомдан беҳабармиз. Тўртинчи қаватга чиқиб олганга биринчи қават ҳақида гапириш осон. Чунки унга замин кафтдагидай кўриниб туради. Аммо биринчи қаватда турган киши

сур Ҳаллоҷ даражасига етишмоқ зарур. Тарихда шу зот мақоми қадар юксалган ва ундан ҳам баландроқ мақом касб этган шайхлар бўлган. Баҳроуддин Нақшбанд бундай деганлар: “Талаб овонида икки бор менда

тўртинчи қават ҳақида не дея олади? У, албатта, тахмину тусмоллаб гапиради. Унинг айрим фикрлари тўғри, айримлари нотўғри бўлиб чиқади. Шу боис, тадқиқотчининг тариқат пирлари ҳақидаги баҳоси нисбийдир.

Хожа Насриддин ҳазратлари ҳақида гапиришдан олдин “Шоҳ Машраб қиссаси”даги куйидаги ҳикоятга диққат этайлик. Шоҳ Машрабни бухоролик муллалар ҳазрат Мавлоно Шариф хузурига бошлаб борар экан, буюк шоир атайлаб эшакка тескари минади. Мавлоно Шариф сабабини сўраганда, Шоҳ Машраб: “Уламоларга орқа ўгириб ўтириш ҳурматсизлик, шунинг учун эшакка тескари миндим” деб жавоб беради.

Дарҳақиқат, воқеа кулгили. Лекин латифанамо бу ҳикоят замирида катта маъно яширин. Биринчидан, Шоҳ Машраб сохта мулла, зоҳирбин уламолар устидан куляпти. Иккинчидан, уларнинг бефаросатлигини фош қияпти. Учинчидан, уларни иззат қиламан деб аслида беобрў этипти. Хўш, Машраб ким? Даҳрийми, моддиюнчими, масхарабозми? Бояги воқеага асосланиб у зотни ҳам даҳрий, ҳам моддиюнчи, ҳам масхарабозга чиқариш мумкин. Аммо Шоҳ Машраб тариқат пири, улуғ мутасаввуф, буюк тарбиячи экани, энг муҳими, комил мусулмон бўлгани шак-шубҳасиздир. Фақат, Машрабнинг тарбия усули бошқача. Яъни у ўз-ўзи ва ўзгаларни фош этиш воситасида инсонларни инсофу диёнатга ундайди. Аниқроқ қилиб айтганда, банданинг айбу қусурини, камчилигини рўйирост айтиб, қусурлардан холи этиш — унинг бош аъмоли. Тариқатдаги маломатия йўли худди шу асосга қурилгандир.


Шоҳ Машрабнинг афандинамо қилиги латифа эмас, улуғ ҳикматдир. Хожа Насриддиннинг тариқатдаги йўли ҳам худди шундай.

Энди куйидаги икки латифага эътибор берайлик. Бир куни Насриддин Афандининг қошига бир киши қушдай учиб келибди. У киши авлиё экан, унинг кароматидан ҳамма ҳайратланибди. Афанди эса: «Сенинг бу кароматинг оддий пашшанинг, чумчунинг ҳам қўлидан келади. Аммо бу учинингдан халққа не фойда? Оллоҳга тавба эт,

фойдали иш билан шуғуллан!» дебди. Соҳибкаромат киши тавба қилибди.

Бир куни Насриддин Афанди шоғирдлари билан кетаётган экан. Иттифоқо, нажас ташланган хандақ ёнидан ўтишга тўғри келибди. Муридлар бурнини бекитиб, тезроқ ўтиб кетмоқчи бўлибди. Лекин Хожа шу жойда тўхтаб, фикрга чўмиб қолибди. Муридлар бетоқат бўлиб Хожага қарабди ва ниҳоят сабри тугаб: “Ҳазратнинг бунча туриб қолмоғида не ҳикмат бор?” дея сўрабди. Хожа уларга бундай жавоб қилибди: “Сиз наҳот хандақ ичидан чиқаётган овозни эшитмаётган бўлсангиз? Ахир, нажосат биз кеча пок-покиза, шира-шарбат томиб турган мева эдик, дўконлар хуснига ҳусн қўшиб турардик, муридларингиз бизни сотиб олиб, иззат-икром билан саватда кўтариб келди. Сўнг дастурхонга қўйиб, тановул қилди. Бир кечада ҳолимиз шундай бўлди. Энди айтинг, уларни биздан бурун жийириб қочаётгани тўғрими? Ё биз улардан қочайликми, демоқда”.

Муридлар бу гапни эшитиб лол қолибди.



«Афандилар»

Дарҳақиқат, ибратли латифа, шундай эмасми? Лекин бунақа латифани биз илгари эшитмаган, ўқимаган эдик. Аслида бу икки воқеа латифа эмас, балки икки буюк шайх ва сўфий, яъни ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва ҳазрат Шайх Абусаид бошдан кечирган ва ўз муридларига берган сабоқдир. Биз атайлаб ҳазрат Баҳоуддиннинг ҳам, Шайх Абусаиднинг ҳам номлари ўрнида Насриддин Афанди номини қўйиб, латифадайд хикоя қилдик.

Идрис Шохнинг “Мулло Насриддин заковати” мақоласида ёзилишича, ҳазрат Ҳусайн улуг шайх бўлиб, бутун жаҳонни кезиб, лекин муносиб шогирд топа олмайди. Тасодифан бир куни кўчада шовқин-сурон устидан чиқади. Ўта муттаҳам бир одам бақириб: “Насриддин мени мазах қилгани учун жазога лойиқ. Бундан кейин унинг бемаъни латифасини эшитганларга яна олти латифа тинглашни мажбур қиламан. Токи Насриддин бутун жаҳон олдида расво, кулги бўлсин!” дея бақирар экан. Шайх Ҳусайн бу гапларни эшитиб, дарҳол Насриддинни топибди ва унга ўзининг бор билимини ўргатибди. Сўфийликдан ҳам сабоқ берибди. Чунки, муттаҳам нафратига дучор бўлган шахс унга қарши курашда катта кучга эга бўлмоғи лозимда! Шу кундан эътиборан Насриддиннинг ҳар бир хикояти оғиздан-оғизга кўчадиган бўлибди.

Бухороликларда “Дарро задам, девор кафид”, яъни эшикни қоқсам, девор ёрилди, деган мақол бор. Бу мақол “Мен боғдан келсам, у тоғдан келади” ҳикматига мосдир. Ҳар бир ҳикмат, ҳикоятдан — хоҳ у латифа, хоҳ ривоят, хоҳ мақол бўлсин — фақат фаросат аҳлигига баҳраманд бўлиши, унинг маъносига етиши мумкин. Фаросатсизлар учун тариқат пирлари айтган ҳикматларнинг ҳеч қандай қиммати йўқ. Улар ҳикматни ҳам ҳиринглаб кулиш учун нақл қилинган латифа деб тушунади.

Тариқат илмини фақат сўфий ўргатиши мумкин. Бу илмдан анчайин олим ёхуд тадқиқотчи сабоқ беролмайди (Идрис Шох). Лекин тасаввуф на русумдир ва на улум (илмлар), ул эҳтиёждир. Агар русум бўлганида мужоҳида (ҳаракат) билан қўлга киритиш мумкин эди, агар илм бўлганида таълим билан ҳосил қилинарди. Худой мулкига на русум, на илм

ила кириб бўлади (Абулҳасан Нурий).

Тасаввуф илми — илми лабунийдир. Яъни Оллоҳ таоло наздидаги илм бўлиб, Оллоҳ уни ўзи хоҳлаган бандасига ато этади.

Ҳар бир шайх — йўл бошловчи ўз йўлини умри давомида ихтиро, кашф қилиб боради. Бу ихтиро, кашф жараёнида шайх адашмайдими? Адашиши мумкин. Адашмаслик учун нима қилиш керак? Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бизнинг йўл “урватул вуско”, яъни мустаҳкам тутқичдир, деганлар. Бу мустаҳкам тутқич — Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдир.

Ҳазрат Хожа Насриддин Афанди йўли қусурлари, шунингдек, ўзгаларнинг айб-нуқсонларини кўрсатмоқ, ойна каби бўлмоқ, шу восита ила баркамол инсонни тарбия қилмоқ йўли ҳисобланади. Шайх Саъдийда шундай ҳикмат бор: мен одобни беодобдан ўргандим. Бефаросатдан фаросат, беодобдан одоб, бемаънидан маъни ўрганмоқ, дарҳақиқат, катта сабоқдир.

Тариқатдаги киши учун ҳамма нарса, ҳар бир воқеа ибратлидир. Ҳар бир одам Оллоҳ таоло қудратининг нишониси, ҳар бир жонзот Оллоҳ таоло ижодининг намунасидир.

Вобкент туманидаги Ширинқишлоқ аҳли гоят донишманд, ҳазилкаш, меҳнатсевар, адолатпарвар кишилар; улар ўзларини буюк донишманд Хожа Насриддин авлодлари деб билади. Хожа Насриддиннинг қабри жуда кўп экани ҳақида ҳам ривоятлар мавжуд. Улуғларнинг қадамжоларини эъозлаб, у ерда мақбара тиклаб, туғ кўтариш расм бўлган. Бухородаги Лаби Ҳовузи Нодир Девонбегида Насриддин Афандига ҳайкал қўйилган. Бундай ҳайкаллар жаҳоннинг бошқа шаҳарларида ҳам бор.

Кўриниб турибдики, Хожа Насриддин Афандининг туғилган жойи ҳам, пирустоди ҳам, қабр-зиёратгоҳи ҳам, зурриётлари ҳам бўлган.

Хожа Насриддин Афанди — халқимизнинг буюк тимсоли. Биз Идрис Шохнинг мақоласи баҳона, улуг бобокалонимиз ҳақидаги латифаларга бошқача назар билан қарадик. Бу латифа-ҳикматларнинг янги-янги қирраларини топиш, тадқиқ этиш яна янгидан-янги қарашларга сабаб бўлиши шубҳасиз.

Ҳасим Носир ибн Хусрав ибн Ҳорис Ҷ-Қубодиёний (милодий 1004-1088 йилларда яшав қўташлар) Шарқнинг буюк мутафаккири, назим ва носиридир. Қубодиён ҳозирги Тожикистоннинг ҳалиқбий туманларидан бири бўлиб, асарият фарҳаги ва ҳуҷрафий асарларда бундай таъриф эътилади: "Қубодиён — Балх навоҳисидаги қариялардан, Ҳайҳун дареси ирнокларидан биринини соҳилида воқеодур, бу ҳой Носир Хусрав таваллуд топган макон, Ҳозирги Балхнинг шимоли-шарқидаги Терғизга яқин қария". Агар "Ҳайҳун дареси ирнокларидан биринини соҳилидаги қария", "Терғиз яқинидаги" ифродаларига эътибор қилсан, наълун ёқладики, "Ҳайҳун ирнокларидан бири" Қофарниҳон дареси бўлиб, ҳозир ҳам Қубодиён туманини кесиб ўтади ва Ҳайҳундареса қўйилади. Қубодиён ва Терғиз оралиғида Бобайтоғ бўйи ҳозир.

Бу ҳозир "Биринги Қайқубод" қаҳаби билан машҳур бўлган Қубод ибн Саг ибн Бузоғо ибн Майшун ибн Ҳузур ибн Манқузур исми тарихий шахс номи билан боғлиқ. "Биринги Қубод" ҳақидаги наълунотлар қўлаб тарихий асарларда, ҳуҷмадан, Абурайҳон Берунийнинг "Осорун боқия", Абдуқосим Фирдавсийнинг "Шоғнома" асарида ҳам уғрайди.

Носир Хусрав ҳижрий 437-444 йиллар нобайнида турф қарра муборақ Ҳаж сафарини адо эътиб, Эрондалик, Қизил Осид, Ҳаласф, Шароблис, Шон, Сурия, Фаласстин, Ҳазиратун-араб, Миср, Туркия, Қуфа, Судан қаби қўлаб исломий наълунотки нисда ва суvara кезиб тикади. Бу нусофироф таассуфотлари натижаси қароқ Носир Хусрав бағий қалон ва фалсафа борасида тоят буюк мақомга эришди.

Носир Хусрав бағад бой ижодий мерос соҳаби бўлишига қаратай, буюнги қўнда қўниги "Зодун-нусофирин", "Номозун-ҳикматайн", "Ҳонун-илвон", "Қўшош ва қарош", "Ваҳҳи дил", "Далилун-мутаҳирин", "Сафарнома", "Равшаноқнома", "Саодатнома" асарлари ва шоблар девонлиқига сақланиб қолган.

"Номозун-ҳикматайн" ("Ҳикматайлар наълунот") Носир Хусравнинг машҳур фалсафий асари бўлиб, муаллиф меросида "Зодун-нусофирин" дан кейин наълунот мақомга эга.

Мутафаккиринини таъкидлашига, бу асарини қўз қалқи, ҳуҷмадан, келажак авлодлар қўзун илшо эътиган.

Буюк фалсаф ақибнинг "Номозун-ҳикматайн" кайтубидан айрим фасларни сиз ақизлар ҳуҷлига қавола эътилоқдан наълунот.

**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Сўз ибтидосини Худой мадҳи ила бошлайлик. Осмону заминни яратган, макону макинни бино этган Ўз пок зотининг талқини тақозоси ила Китоби каримини расули Муҳаммад Амин ихтиёрига юборди. Дин бисотини ёвучи бизга дедиким, айтингиз: *“Алҳамду лиллаҳи Роббил ʔаламийн. Ар роҳманир роҳийм. Малики явмиддин”*. Маъноси: Оламларнинг Яратувчиси бўлган раҳмли ва меҳрибон Оллоҳга ҳамдлар бўлсин. (У) жазо кунининг султонидир.

Ул пок зотга ҳамдлар бўлсинким, зеро ҳеч нарсани билмаган, англамаган ҳолатимизда бизни оналаримиз раҳмидан ёруғ дунёга келтирди, ул дам бизга кўргувчи кўз, эшитгувчи қулоқ, бийно дил бердиким, токи кўз билан бу азим оламда карим санъатини кўрдик ва қулоқ ила сўзини тингладик. Бу сўз азиз Қуръондир. Дил ила унинг расули таълимотини англадик. Пайгамбар алайҳиссалом карим китобни баён этгучи ва бу шарифни юборгучидир.

**Фасл**

Яратгучининг исботи ва У субҳонаҳунинг тавҳиди зикри

Яратгучининг исботи баёни:

Жумла халқ кўплаб ахлоқ ва эътиқоди билан икки фирқага бўлингандир. Бири даҳрийлар фирқасиким, аҳли таътилдирлар.

Улар дейди: “Олам қадимдир. Унинг яратгучиси йўқ, балки наботу ҳайвоннинг пайдо бўлиши фалаклар ва юлдузлар тафаккури биландирким, ҳамиша бордир, ҳамиша бўлур”.

Яратгучисига иқрор бўлган фирқа ҳам икки гуруҳдир. Улардан бир гуруҳи дейди: “Яратгучи бирдан зиёддир”. Тарсолар уни уч нафар деб билдилар: “Аббун ва ибнун ва руҳулқудс” (ота, угил ва муқаддас руҳ). Са-

навийлар (Яратгучини бирдан зиёд дегувчи гуруҳ — таржимон) учун Худо икки нафардир: бири — Яздон (яъни Худо) ва бири Аҳриман.

Улар нур ва зулматни қадим деб билдилар. Яна бир гуруҳ — Худони ягона билгувчилардир. Худонинг ягоналигига иқрор бўлган бу гуруҳ ҳам беш синфга бўлинади. Бири дейди: “Яратгучи бир. Асрагучи куп. Улар — бутпарастдирлар. Бу синф аҳли дейди: “Бутларга сиғинайлик, токи улар бизни Худога яқин қилсин”.

Аҳли таъвил демишларким, бу сўз умматдан баъзиларга нисбатан масалдир. Улар дейдилар: “Бизлар учун Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг аҳли оиласидан бошқа бир кимсани суймоқлик жоиздир. Зеро, улар туфайли биз Худойи таолога ёвқуроқ келамиз”.

Бошқа бир синф — тарсолардир. Улар Худони уч нафар дейдилар. Бу учликнинг ўзи бирдир ва уларнинг ҳар бири сиғинмоққа лойиқдир. Бошқа бир синф — санавийлардир. Улар қадим иккидир, бироқ биригина сиғинмоққа муносиб, деб эътироф этадилар. Туртинчи синф — файласуфлар. Улар дейдилар: “Худо халқни парвариш этмайди, балки унинг қудрат ва азамати мулкида танҳо илм ҳокимдир”.

Бешинчи синф — муваҳҳидлардир. Улар: “Оллоҳ — бирдир ва ёлғиз унга сиғинмоқ керак”, дейдилар.

Биз Оллоҳнинг бирлигига иқроримиз: даҳрий, тарсо ва санавийнинг ақидаси ботил эканини исбот этамиз. Оллоҳни яқка ёлғиз деб билгучи муваҳҳидларнинг қарашларида ҳам ихтилоф мавжуд. Улардан бир гуруҳи тақлид аҳли. Оммининг аксарияти улар билан бирга. Тақлид аҳли Китобнинг (Қуръон — таржимон) зоҳирини тан оладилар ва дейдилар: “Оллоҳни ўз китобида ўзининг пок зоти ҳақида айтган сифатлари билан таниймиз. Унга муносиб бўлмаган сифатлар ҳарчанд унинг китобида бўлса-да, биз уни билмаймиз ва эътироф этмаймиз. Зеро,

унинг шарҳи ёлғиз Оллоҳнинг узигагина аёнدير. Чунончи, улар бундай дейдилар: *“Ва ма яъламу таъвийлатун иллаллоҳу”*. Маъноси: унинг шарҳини Оллоҳдан узга ҳеч ким билмайди.

Улар (тақлид аҳли — таржимон) шундан нарига ўтмайдилар. Бошқа гуруҳлар — мутакаллимлар, мўътазийлар ва карромийлардир. Бу уч гуруҳ намоёндалари дейдилар: “Тавҳидга назар ташламоқ вожибдир. Биз далиллар ва фикрий назар воситасида Оллоҳ субҳонаҳуга лойиқ ташбеҳни рад этамиз.

## Фасл

Саъд (саодат) ва наҳс бугун, ўтган кун ва келгуси кунларда

### Байт:

*Икки наҳс фалақда барқарор эди,  
Бу олам бор эди, бахт ҳам бор эди.  
Икки саъд оламда бу кун барқарор,  
Ва лекин оламда наҳс ҳам бисёр.  
Қуёш чиқаётир, ботаётир ҳам,  
Ҳам масир, ҳам мадор — бари  
жамулжам.  
Зиммийлар, ҳақимлар, набийлар  
деюр:  
Эрта кун ўтган кун мисоли дурур.  
Бу кун не? Ўтган кун не? Келгуси кун?  
Ул недан бундайдур? Бул не инчунин?*

Бу савол, аслида, зоҳиран дуруст эмас. Бироқ, қачонки ушбу янглиғ савол кўндаланг бўлар экан, не чора бор? “Нега бундан бурун ҳарчанд икки наҳс, яъни Зухал ва Миррих осмонда ўз амалиёти ила машғул бўлса-да, бутун жабҳа саодатли эди, заррача наҳс йўқ эди. Нега бу кун жаҳон бошдан-адоқ наҳсдан иборатдир, агарчи икки саодат — Муштарий ва Зухро иш устидадир? Зиммийлар, ҳақимлар ва набийларнинг башорат беришича, эрта кун бугунги кундаин саодат ёвуқ келгай эмиш”.

Биз ибтидода бу савол зоҳиран нодуруст, дедик. Боиси шундаки, биз ҳеч қачон эшитмаганмиз, тўғрироғи, мумкин бўлмагайки, шундай бир замон бўлиб, унда одамлар мутлақо эҳтиёжсиз, яъни толедан рози, тандуруст; подшоҳлар — комрон; олам — дарвешларсиз; на беморлик, на раият, на банда, на халқ ўртасида ўлим, на дард, на ғам барқарор бўлсин. Боз устига, икки наҳс юлдузи — Зухал ва Миррих фалақда ўз кори билан машғул, олам эса саросар саодатдангина иборат. Нечукки, демишлар “бу — маҳолдир”. Яна тириклик буткул саодатдан холи, бутун халқ дарвеш, бемор ва бандлардангина иборат, устига-устак, икки саодат юлдузи фалақда ўз кори ила банддир, деб бўлмас. Аксинча, бу оламда ҳамиша шаҳоват ва шиддат, зулму дарвешлик, бир гуруҳнинг бошқа бир гуруҳ устидан саодату роҳати, ғалабату иззати бардавом бўлган. Ва бу — тақдири илоҳийдир. Олам эли истиқоматининг аҳволи шундай тафовут иладирким, бу — халқ устидан Олимнинг (яъни Оллоҳнинг — таржимон) собит ҳикматидир. Чунончи, оламлар Рабби ўзининг азалий каломи билан бундай буюрмиш: *“Наҳну қасамна байнаҳум маъийшатаҳум фил ҳаятиддуња ва рафъана баъзаҳум фавқа баъзин даражатин лияттаҳиза баъзуҳум баъзан суҳрийян”*. Маъноси: “Биз бу оламда дунё неъматларини халқ ўртасида тақсим этдик ва бир гуруҳни иккинчи бир гуруҳдан афзал айладик, токи бир гуруҳ бошқа бир гуруҳни истифода қилсин. Яъни бир гуруҳ — подшоҳ ва бир гуруҳ — раият ва бир гуруҳ - хўжайин ва бир гуруҳ — банда. Агар кимдир бир хўжайинга юз нафар кул, бу адолатдан эмас, деб андиша қилса ва деса: “Шундай қилишинг керакки, тамомий халқ бошдан-охир саодатли бўлсин”. Унинг бу андишаси маҳол ва ботилдир, Зеро, бундай бўлиши сира мумкин эмас. Қўрмадингми, биров агар кимгадир бўйсин-

маса, унинг амр-иродасини бажармасан, нима бўлади? Ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб қолади. Ҳамма баб-баравар ранж чекади ва ҳеч ким ҳеч кимсага бир коса сув ҳам бермайди. Агар шундай бўлса, бутун халқ сартарошнинг тигига айланади ва уларнинг бари роҳатда эмас, азобда қолади...

Агар кимдир расул алайҳиссалом ва унинг мухлислари рўзгори буткул саодатдан иборат бўлиб, мунофиқлар ва кофирлардан ранж чекмасди, деб гумон қилса, унинг бу гумони хатодир, балки расул алайҳиссалом рўзгорининг ачиқ ва тангдиллик билан кечмиши зарурат эди. Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз каломи мажиҳида бундай лутф этади: *“Ва лақод наъламу аннака язийку содрука бима яқувлувна фасаббиҳ биҳамди Роббика ва кун ми-нассожиддийна. Ва аъбуд Роббака ҳатта яътийкал яқийн”*. Маъноси: Ҳақиқатда уларнинг (сенинг шаънингга айтаётган гапларидан) кўнглинг қаттиқ сиқилишини биламиз. Сен Рабингни мадҳ қил, тасбеҳ айт, намоз келтир ва унга ибодат эт, то умринг адо бўлгунга довр”.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу савол зоҳиран назар солганда дуруст эмас. На саодат, на шақоват дунёю динда тамомий халққа баробар келмагай. Бу савол қуйидаги ҳолда талқин этилса, дуруст бўлади: “Муайян бир замонда олами сағирда (бу дунёда — таржимон) саодат ва шақоват оқиллар бошига келгай. Зеро, оқиллар олами сағирда муяссар бўладиган нарсаларга одамлар (яъни авом — таржимон) олами кабирда (нариги боқий дунёда — таржимон) ноил бўладилар, яъни оқиллар ва олимлар ўртасидаги манзалат (мақом, даража) омма ва сартарошнинг тиги ўртасидаги манзалат кабидир.

Байтнинг шарҳида давом этамиз: анбиё, ҳукамо, жухуд ва тарсолардан шундай хабар борки, эрта кун яна ўтган кундек бўлади. Ёхуд далиллар

шунини тасдиқ этадики, саодат дин илмини тақозо этади, шақоват эса жаҳлни. Зеро, саодат ва наҳс ҳамиша мавжуддир, ўз ишини қияпти. Албатта, одамлар дин илмини истайди ва бу ҳақда бундай дейилгандир: “Бундан илгари ҳарчанд икки наҳс одамлар ўртасида ҳукмрон бўлса-да, кўфру нифоқ авж олиб, олами сағирнинг Зуҳалу Миррихи — нифоқ ва жаҳл имомлик қилса ҳам, оқиллар ўтасида ҳақ динга даъват қилиш давом этарди. Бугун эса, йимон ва исломнинг ҳар икки саодати барпо бўлиб, икки саодат юлдузи — Муштарий ва Зухродан имом ва ҳужжат бўлса ҳам, нечун саодат илмидан дарак йўқ? Бу саволнинг жавоби бундайдир: диннинг замири дунё замири мисолидир. Биз бу китобнинг икки ўрнида бу ҳақда расул алайҳи ва олиҳи васалламнинг икки нуктасини эслатиб ўтгандик. Ҳиссий ва нотиқа нафсига эга бўлган одам боласи икки тур маишатга ҳожатманд бўлади. Бири — Оллоҳ яратган заминга хос бўлиб, жисмонийдир ҳамда фалак ва юлдузларнинг иштирокида ҳосил бўлади. Бири — Оллоҳ каломи мажиҳи бўлган Қуръондан бўлиб, илмийдир. Бу ҳолат имомлар ва ҳужжатлар асосида ҳосил бўлади. Диннинг юлдузлари ва фалаклар ана шулардир. Халқ ўртасида дунё маишати гоҳо кўпайиб, гоҳо камайиб туради. Бу — халқ бошига келиб тургучи кенгчилик ва тўкинчилик, танглик ва қаҳатчилик билан боғлиқдир. Кенглик ва тўкинчиликнинг боиси ўз вақтида ёққан ёмғирлар ва заминнинг уларни қабул қилиши туфайлидир. Бунинг оқибатида инсонлар кўпайишиб, уларда кулли қудрат ҳувайдо бўлади. Танглик ва қаҳатчиликнинг иллати ёмғирларнинг тўхтаб қолишидан бўлиб, аксарият халқ беҳосиллик ва муфсидлик туфайли жисмоний ҳалокатга гирифтор этилади, пировардида уларнинг фасодлари камайиб, мутавоtir улимдан қўрқиб қоладилар. Бу — Оллоҳ Таолонинг имтиҳони, халқ

ва оқиллар ундан ибрат олсин учун нозил этилган: *“Ва линаблуннакум бишайъин минал хавфи вал жувъи ва нақсин миналамвали вал анфуси вас-самароти ва башширис-собирийна”*. Маъноси: биз сизларни таҳлика ва очлик, молларингиз ва жисмларингизга нуқсонлар етказиш билан синаймиз. Тақводорларга (бизлардан) хуш дараклар етказингиз.

Одамлар учун диний маишат бу — илмдир. Бу ҳолат юқорида қайд этилган ҳол кабидир, яъни илм ҳам одамларда гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб туради. Ҳиссий ва шахватий кучлар одамларда голиб келиб, жаҳл устиворлик қилса, нотиқа нафслари заифлашиб,

илм талабидан узоқлашадилар. Одамлар илм талабида бўлмасалар, илоҳий раҳмат булутлари бўлган Оллоҳ китоби хазинадорлари ўз томчиларини уларга зоеъ этмайдилар. Зеро, улар жоҳиллар Оллоҳ лаънатиға мустаҳиқ эканини биладилар.

Осмон дунёси томчиларининг тўхташи оқибатида одамларга жисмоний ҳалокат етгай; дин осмони томчиларининг таваққуфи туфайлидан уларга нафс ҳалокати бордир. Кимда-ким ҳақ имомини ёлғончига чиқаргудек бўлса, нафси ҳалокатга учрайди ва абадий азобга гирифторм бўлади.

*Форсийдан Асқар МАҲКАМ таржима қилди.*

## ИЗОҲЛАР

*Даҳрийлар (даҳр)* — бу сузнинг лугавий ва истилоҳий маънолари кўп, чунончи, бениҳоя узоқ вақт, умр, гоят, одат, галаба, абадият каби. Носир Хусрав бундай дейди: “Даҳр — ёлғиз гувоҳнинг мутлақ бақосидир. У жисм остида бўлмай, унга фасод ва фано йўқ. Даҳрийлар шундай олимлар силсиласидан эдиларки, улар оламнинг қадимийлигини эътироф этар, замон ва ҳодисотни даҳрга нисбат берардилар. Худони вуҷуд дунёсининг яратувчиси эканига иқрор бўлмаганларни “даҳрийлар” дейдилар.

*Аҳли таътил* — таваққуф аҳли. Таваққуф — тухтамоқ, маҳтал бўлмоқ, таъкир.

*Аҳриман* — бу истилоҳнинг лугавий маъноси “ёмон кичик” бўлиб, зардуштий динида ёмонлик, зулмат, жаҳолат ва ёвузлик худоси рамзидир. Ислом динида Шайтон ёхуд Иблис сифатида талқин этилади.

*Таъвил* — шарҳ бермоқ, маънони исбот этмоқ.

*Санавийлар* — Худони икки деб билгувчи мазҳаб намояндалари.

*Қадим* — фалсафий истилоҳ бўлиб, “доимо мавжуд” маъносида қулланилади.

*Муваҳҳидлар* — Оллоҳни якка ва ягона деб эътироф этгучилар.

*Мутақаллим* — сухандон, суханпардоз. Қалом илми намояндалари бўлиб, улар баҳс мавзунини ақлий далиллар билан исбот этадилар, ҳар бир ақидани ақлий далил ҳукми билан равшан этиб, тарғиб қиладилар.

*Муътазила* — бу истилоҳнинг маъноси “чекиниш”, “узилиш” кабидир. Фалсафада Васл Ибн Атонинг асҳоб ва аслини “муътазила” дейдилар. Бу гуруҳ Ҳасан Басрий каби машойихларнинг мажлис ва дарсларидан воз кечганлар.

*Карромийлар* — жавонмардлик ва муруватпешаликни тарғиб қилувчи гуруҳ.

*Зиммийлар* — исломий мамлакатларда махсус шароитларда яшовчи зардуштий, мусавий ва исавийлар.



## SUMMARY

**A** real scientist's authority, his place in society were always high. Because that authority is not determined by money alone. So a real scientist's authority will continue to remain high." (From the conversation between academician Turabek Dolimov and professor Ozod Sharafiddinov about the development of the Uzbek science.)

**I**n his article "The Philosophy of Compromise" professor Inomdjon Rakhimov ponders over a new method of thinking in the modern Western Philosophy — synergetics. The scientist confirms that the laws of synergetics suit the current social development in Uzbekistan. Journalist Murtazo Karshibaev, having revealed his attitude towards this article, tells that the qualities characteristic of the synergetics were inherited in the Uzbek people's thinking from the earliest time.

**W**ho knows, perhaps the mother given birth to Alisher Navoiy was even a better person than her son. There is a proverb: When the mother is good, everything is good too." (From the talk between poetess Tursunoy Sodikova and poet Mukhammad Yusuf.)

**T**he medieval Renaissance was a humane, humanist Renaissance. The XXth century is called the century of technical development. In fact, this century is that of an intellectual, technical Renaissance. In general there is nothing bad in such a Renaissance. But bad is the fact that it is based on carnal desires, material benefit and even on ideological contradictions." (From the article "The Honest Man Has an Honest Word" by philosopher Mukhammadilkhom Yuldoshev. The article deals with issues of a human perfection.

**I**n his quatrains, written in a classic genre of rubai, poet Sirojiddin Saiid reflects on ancient problems characteristic of the World and Man.

**T**he topic of the talk between the author of the national anthem of Uzbekistan's music, People's Artist Mutavakkil Burkhanov and art critic Tokhtasin Gofurbekov is the properties characteristic of the Uzbek musical art, the events from the composer's personal life.

**W**hatever great scientific-technical miracles created by the man's reason are, they cannot interpret, without doubts, the divine miracles. (From the article by literary critic Abdulla Ulugov about the man's divine opportunities.)


**T**he article "Heart Secrets of Amosov" tells about the prominent scientist-cardiologist Nikolay Amosov's opinions on life, the God's place in human activity, as well as the editorial staff's attitude towards these opinions.

**A**ccording to the President of Uzbekiston's decree, the year 1966 has been proclaimed "the Year of Amir Temur". In his article "The Scientists Known by Amir Temur", orientalist Ubaidulla Uvatov reflects on great scientists, peoples of art, artisans who lived and worked in Amir Temur's time.

**T**his year the 110th birth anniversary of a great son of the Uzbek people — writer, poet and thinker Abdurauf Fitrat and the 100th birth anniversary of state and public figure Faizulla Khodjaev are celebrated. The fates of these two persons are alike in many respects. Memories by Fitrat's daughter Sevara Karamatillakhodjaeva about her father, as well as the article about Faizulla Khodjaev by philosopher Shukhrat Goibnazarov are published in the magazine.

**T**he topic of the conversation between journalist Amirkul Karim and ambassador extraordinary and plenipotentiary of the Republic of Korea in Uzbekistan, So Kon I is the history of development of this state, the place it occupies in the international community, the national traditions and customs characteristic of the Korean people, and Mr. ambassador's impressions of Uzbekistan.

**E**xamples from the truths by the great Eastern thinker Nosir Khusrov Kubodieniy, different thoughts about human perfection and reason in the world philosophy, professor Malik Oripov's opinions on what method the philosophy is to be thought in higher education establishments, as well as the Italian writer Korrada Alvaro's story "The Miracle" are also published in this issue.



Жавлон УМАРБЕКОВ. «Ойдиндаги натюрморт».



Нашр кўрсаткичи: 75350  
Баҳоси келишилган нархда

# ТАФАҚҚУР

TAFAKKUR

